

ХУҚУҚИМИЗ ВА... ЎЗИМИЗ

Ўн йилдан ошди-ёв, бир йиғинда Президент ўтирганларга «Мустақиллик нима?»—деб савол берди. Биров у деди, биров бу деди, аммо бу саволга зиёли ҳам, адиб ҳам, ҳуқуқшуносу тарихчи ҳам дабдурустдан жавоб бера олмади. Моҳият маълум-у, уни сўз билан лўнда ифода қилиш керак эди.

Ушбу лўнда жавобни ҳам Президентнинг ўзи айтди: «Мустақиллик, бу — ҳуқуқ». Ҳа, дарвоқе, деб қолди ҳамма... —ҳуқуқ... Мазкур оламшумул ҳуқуқни қўлга киритганимизга кириб келаётган янги йилда ўн беш йил тўлади. Мустақилликка эришилгач, бир йилдан сўнг юртнинг қомуси — Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган эди. Демак, шунгаям ўн уч йил бўпти. Ўн уч йил ҳам кичкина муҳлат эмас. Шунча муддатдан буён биз тўла мустақил бўлган мамлакатнинг фуқаролик ҳуқуқларидан фойдаланиб келмоқдамиз.

Шўро конституциясида ҳам, албатта, ҳуқуқлар бор эди: текин ўқиш, текин даволаниш, ишлаш, дам олиш ва ҳоказо. Бу ҳуқуқлар диктатурага асосланмаган тузумларнинг кўшида мавжуд.

Аммо виждон эркинлиги, сўз эркинлиги, мулк эгаси бўлиш ҳуқуқи... ва ҳоказолар бундан атиги ўн беш йил муқаддам қай аҳволда эди?! 20 миллиондан ортиқ аҳоли яшайдиган Ўзбекистондай йирик республикадан 5-10 киши ҳажга отланар, улар ҳам Москва орқали, не-не сўҳбату чиғириқлардан... ўтиб, демакки, Худодан кўра коммунизмга эътиқоди баланд экани исботлангач, Маккаи мунаввара сари йўл олар эди. Бугун шаҳару қишлоқлардаги минглаб жомеъ масжидларида милёнлаб ёшу қари жума, ҳайит ва бошқа намозларни ўқиб адо қилаётир; ҳар йили уч мингдан зиёд юртдошимиз ҳаж зиёратига бориб қайтмоқда; биров намоз ўқиган, рўза тутган ёки закот берганининг қўлидан тутмайди. Минглаб номдаги милёнлаб нусха диний адабиётлар нашр қилинди ва ҳамон нашр қилинаётир.

Замонлар бўлдики, дунёдан ўтган мўмин қариндошларингга жаноза ўқиш мушкул эди: таъқибга учраб, олабўжига айланиб қолардинг. Айниқса партия аъзосининг отаси ё онасига қийин эди: сал бўлмаса бекафан кўмардилар...

Мавжуд шўро мафкураси ҳақида гапириш нари турсин, ёмонроқ ҳаёлга боришгаям кўрқардинг... Гўё азалдан ўзи шундай эди ва охирзамонгача шундай бўлиши керакдек. Коммунизмга ишончсизлик билдириб сўз сўзлаб қўйгудек бўлсанг борми, мафкура соқчилари оёғингни ерга текизмай опкетишлари мумкин эди. Цензуранинг билаги чандон чайир, бармоқлари кучли, тиш ва тирноқлари ўткир эди. Қизиғи шундаки, зерикарли ва расмий газеталар сариқ чақадан ҳам паст нархда турар эдики, ҳозир ўйласанг коммунистик мафкура ўзини оммавийлаштириш учун бу даражадаги арзимас, қарийб текин баҳони эп кўрар экан-да деб қоласан.

Энди эса... — хоҳла гапир, хоҳла жим юр, хоҳла танқид қил, биров бир нарса демайди.

Аввалги замонда ҳатто туман раҳбари бирор «Москвич» машинасини сотиб олишга ҳайиқарди. Сабаби оддий: райкомнинг маошига машина бермайди-ку, қаёқдан олади. Савдо-сотик, бизнес деган нарса йўқ, мулкдор бўлишинг ҳам мумкин эмас, фақат ойликка яша, кун кўр. Моёнани тўплаб машина ол, тўй қил, болангни ўқит. Бойганинг нимаси, пулнинг ҳаммаси давлатники-ку, давлатники-я! Ҳамма нарса давлатга ва партияга тааллуқли бўлгач сенинг хусусий мулк эгаси бўлишинг— ватан хоинлиги билан баробар!

Мана, энди-чи! Ҳамма нарса эркин, катта-катта корхона, завод-фабрикалар ҳам хусусийлашиб кетди. Ўтган асрнинг бошларида катта ер эгалари бўлган бойлар қулоқ қилинди, ватандан бадарға этилди. Минглаб ўзбеклар Афғонистон, Туркия, Хитой, ҳатто Америкага бориб қўним топдилар. Бугун келиб улар озод Ватан тупроғини ўпмоқдалар. Энди ўшандай бойлар, ер эгалари тупроқни гуллатмоқда, зар ундирмоқда, ҳосилни сотиб бойимоқда. Мулк эгаси — фермер улар! Бу эркинлик ва ҳуқуқлардан фойдаланиб мулк эгалари мислсиз муваффақиятларга эришмоқда. Қўл остидагиларни тўйдириб, кийинтирапти. Улар орасида эъзоз топиб Ўзбекистон Қаҳрамони бўлганлари бор. Бу — давлатнинг уларга муносабати, эъзозини билдиради!

Алоҳида таъкидлаш лозимки, буларнинг бари мамлакатнинг Бош қомуси — Конституция белгилаб,

йўриқлаб берган имкониятлар ва ҳуқуқлар туфайлидир.

Эскича яшашни хоҳлайдиган, тайёрига айёр бўлгучи, халқнинг, давлатнинг нонига кўз олайтирувчилар, пайтини топса ўпириб еб қўйман дегувчилар бор, албатта. Кези келганда олов чиқаришни зимдан пойлаётган душманлар ҳам кўп. Уларга на дин, на тараққиёт, на халқ, на гуллаётган Ўзбекистон керак. Асосий мақсад — давлат ҳокимиятини қўлга олиш. Ундан кейинги гаплар эса ўзингизга маълум...

Донолар инсон умрининг омонатлиги, яъни ўлим муқаррарлиги ва унинг яқинлиги энг зўр ибратдир деб айтишади. Дарҳақиқат шундай. Одам ўлгач, унинг амали тугайди. Кейин у на савоб, на ёвуз иш қила олади. Бирор нарса қўлидан келмайди.

Тинч одамларнинг, уларнинг осуда ҳаётининг илдиизига болга уришни ўзига эп билганлар, мана, қора курсиларга ҳам ўтиришди. (Андижон воқеаларининг асл сабабчиларини назарда тутаямиз).

Ўлган ўлди, лекин қолганлар шу омонат ҳаётни, гулдек беғуноҳ болаларни, биз учун фариштадек ота-она, жигарларни асраб, авайлаб муносиб яшаб

ўтмоғимиз жойиз эмасми? Жангсиз ҳам, қирону ўлатсиз ҳам одам омонат. 2005 йилни биз Озод Шарафиддинов, Шукур Холмирзаев, Тўра Сулаймон, Неъмат Аминов, Матёқуб Қўшжонов Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом, Замира Эгамбердиева, Мукаррама Муродова, Маъруф Ҳалил, Рауф Парфилар билан кутиб олган эдик... 2006 йилни эса...

Ҳолбуки улар уруш ёки террор қурбони бўлмадилар. Аммо юраклари қон бўлиб бундай тажовузларни қоралаб ўтдилар. Мустақилликнинг бетакрор, удуг неъмат эканини ёниб куйладилар.

Бевафо дунё...

Қалтис ва ўта омонат ҳаётга хиёнат у ёқда турсин, заррача заҳа етказиш ҳам инсон қалбини пора-пора қилиб ташлаши муқаррар. Шундай бўлгач, бир-бирини аяш, оқибатли умр кечиришга нима етсин.

2005 йил Оллоҳ юртимиздан ризқ-рўз, ҳосилу мулойим об-ҳавосини аямади. Хирмонлар донга, пахтага, мўл ҳосилга тўлиб кетди. Бу дегани юрт фуқароларининг фаровон яшашлари кафолатидир. Келаётган йил ҳам кенг маъмурчилик билан бирга фақат тинчлик олиб келсин!

МУТОЛАА



КЎТМОБ МАФЪЛИ

СЎЗ ЙЎЛИ ЗАҲМАТЛАРИ

Одатда шеър шарҳланмайди. Шеър англади. Англаш жараёнида юрагингизда ҳарорат уйғотади. Бу ҳароратнинг баланд-пастлиги эса истеъдод ва самимият туйғулари билан ўлчанади. Ҳар қандай ёзилган асар ҳам, истеъдод ва самимиятчалик халқнинг меҳрини қозона олмаса керак. Севимли шоиримиз Сирожиддин Саййид қаламига мансуб «Кўксимдаги зангорларим» тўплами юқоридаги фикрларимизга далилдир. Китобни ўқиб тугатганингизни сезмай қоласиз. Бир неча кун сатрлар хаёлингизда чақмоқдек айланиб, руҳингизда энг тоза шеърый кайфият уйғотади.

Оламда энг оғир — Сўзининг йўлидир.

Бу тўқилиш йўли — қузнинг йўлидир.

Сўз илоҳий мўъжиза. Сўзнинг қудрати бетимсол. Шоир эса сўзни юрак-юракдан ҳис қилади.

Кутиб қолаверди мени туш кўриб,

Бир лойсувоқ уй ҳам бир ёғоч сўри...

Тақдир чархчалаги инсонни қаерга элтмасин, ўзи

туғилиб ўсган гўша кўзига бошқача бўлиб кўринади. Тўпламдаги «Сўз йўли» шеърини ўқиганингизда шоир илинган, болаликдаги йилларни соғиниб кетасиз, болалигингизни қумсайсиз.


Гоҳида тушларингизга кирган лойсувоқ уйнинг томидан чак-чак томган ёмғир иси димоғингизга урилади. Минг йиллардан бери интиқлик билан кутаётган ёғоч сўри олдидаги қарздорлигингиз эсингизга тушиб, жонингиз оғриб кетади. Шоирнинг ҳис-туйғулари қон томирларидан оқиб келади. Баъзан осуда замонда ҳам яшаб туриб, ўз эркига занжир солаётган одамларни ўзини англашга, умрининг омонатлигига ишора қилган «Инсон» шеъридаги мана бу мисралар ўқувчи дилини ларзага солади.

Бир кўлда қуролу

Бир кўлда қуръон,

Сен қайси манзилга кеб қолдинг, инсон?

Шоирнинг нозик сезимлари ҳайратга лойиқ. Мисраларидаги ташбеҳлар, фавқулодда образлар ва теран мушоҳадалар табиийлигича юрагингизга кўчади.



Шеър — туйғулар ғалаёни. Ҳислар силсиласи. Адабиётга кирган ижодкор борки, шеъриятни «муҳаббатим», деб хитоб қилса, бошқа бир ижодкор «армоним» деб ёзади. Шоир Сирожиддин Саййид эса «Шеър» деган шеърда ўзининг такрорланмас ифодаларини қўлайди:

*Менинг шеърим нима:
Қалдирғоч охи.
Майсадек синглимининг
шабнам нигоҳи...*

Бу мисраларни қайта-қайта ўқиганингизда ҳам туйғуларнинг тозаллиги, табиийлиги юрагингизга баҳорнинг илк ёмғирларидек хуш ёқади. Ўзингиз сезмаган ҳолда ширин изтироб чекасиз.

Шоир Сирожиддин Саййид шеъриятининг ютуқли томонларидан яна бири шеърларида халқона руҳнинг баландлиги. Бу эса китобсевар ўқувчи руҳига осонгина сингиб кетади.

«Сурхоннинг қантак ўриги» шеърдаги мана бу сатрларга халқоналик сингиб кетганлиги сезилади:

*Болалигим соғинчларинг
Олдир сенинг,
Болишимда сўлақларим
болдир менинг.
Етар эди уларга бир
имогинам,
Мехр эди бу дунё ҳам
Момогинам.*

Болалик, бу фасл кимга қандай кечади? Умр ўтгани сари болаликнинг хотиралари ширин изтиробга айланади. Бизни ҳаёт отлиқ қаттиққўл она, энди эркататмаса-да шоир каби ич-ичингиздан болаликнинг сурурли лаҳзаларини қумсайсиз, соғинасиз ва шоир битган мана бу битиклардек ҳис этасиз:

*Сўримизда кечалари
ой томади.
Ортга боқсам, юзларимни
Сой кўмади.*

Шоир Сирожиддин Саййиднинг «Кўксимдаги зангорларим» тўпламига киритилган шеърларни шунчаки ўқиш камлик қилади.

Туйғуларнинг ранг-баранглиги руҳингизга қоришиб кетади. Фавқулудда топилган образлардан ҳайратлансангиз, эҳтиросли туйғулардан роҳатланасиз. Шоирнинг «Шам» шеърдаги ушбу мисраларга эътибор беринг-а!

*Гарчи хасдан баланд, касдан камдирман,
Дўстим, сенга ёндош қувонч, ғамдирман.
Термизий бободан қолган шамдирман,
Минг йил пуфласанг ҳам асло ўчмасман.*

Инсон юрагига қайтиши ва ўзини англаши катта ҳодиса. Шу маънода шоирнинг яна бир «Оқ ёқалар» шеъри ҳам таҳсинга лойиқ.

*Ишим тушди сенинг оппоқ ёқачангга,
Йил қанчага чўзилди-ю ой қанчага?*

*Фаслларни алмаштириб ранглар синди,
Мен йиғлаган майсаларга чанглар инди.*

Муҳаббат энг покиза туйғу. Юракда кечган туғёнларни пардаларга яшириб қуйлаган бундай сатрлар ҳаммадан қизғанган ва яширин сирларингизни, ҳисларингизни уйғотиб юборади. Негадир, нимагадир антикиб кетасиз. Жунунликни бўйнига олган ошиқ дардларини гўзал эҳтирослар билан:

Дорилфунун менга дорилжунун бўлди...

дея қоғозга тўқади бир шеърда.

Ёки:

*Ҳеч қандай дард ўлдиrolмагай,
Қиличдайин қизлар ўлдирар...*

Мана бундай табиий туғилган мисралар шоирнинг маҳорати ва истеъдодининг яна бир қиррасини очади:

*Сен билан шундоқ
Ўтойин дермано,
Сочларингдек бирлашиб
Ҳам чирмашиб.*

Умр — оқар дарё. Бир куни инсон ўтган умрини бешафқат вақтнинг палласига қўйиб сарҳисоб қилади. Баъзан айтилган, айтилмаган ва айтилажак сўзларнинг гуноҳи бўйнимизга арқондек тушади.

*Нега мен ичмаган қасамлар,
Кечалар мени қийнайди?
Тақдир сизга тош отар нега,
Менинг ойналарим синади?*

Бу мисраларда шоир юрагини тўқади.

Шоир Сирожиддин Саййиднинг шеърлари рассомона тасаввурларга бой. Сурхоннинг ҳали юрилмаган даштларини баланд тоғлари шеърларига сингиб кетган. Ўқувчи шеърни ўқиш билан бирга юрак иқлимининг тафтидан баҳра олади.

Тўпламда шеърлар билан бирга киритилган тўртликлар шоирнинг истеъдод сарчашмасининг очилган янги қирраларидан бири эканлигини кўрсатиб турибди. Бир тўртлигида шундай ёзади:

*Қанча шамлар ўчдилар, хушёр бўл,
Ою дамлар кечдилар, хушёр бўл.
Бу жаҳон уч кечалик карвонсарой,
Карвонлар кўчдилар, хушёр бўл.*

Омонат лаҳзалар... омонат одамлар... омонат дунё...

Мангу саволларга мангу жавоблар излайди. Шоирнинг ҳар бир тўртлиги шу қадар юксак маънолар инкишоф этади. Хулоса қилиб айтганда, шоир Сирожиддин Саййиднинг «Кўксимдаги зангорларим» тўплами бугунги адабиёт ихлосмандлари учун қутилмаган совға бўлди. Юрагимизда мехр-муҳаббат оловлари мангу ёнар экан, биз доимо мана шундай яхши шеърларнинг харидори бўлиб қолаверамиз.

Адиба УМИРОВА

Абдусоид КҮЧИМОВ



Дилгир - дилгир боқиб кетди ой

Дерлар: шитонсизнинг ҳадиғи чўндан,
Тиз каби тўюлар ҳар гўзапоя.
Қавчалар юнатсанг, шунча бўлур танг,
Уларга далдалар қилмас кифоя.

...Кимдир сирли қилиб деса, оғажсон,
Огоҳ бўлиши керак мушукдан, итдан,
Кейинги пайтларда шу икки ҳайвон,
Қандайдир... дўстлашиб,
бирлашиб кетган.

Ҳўтвизнинг ранги ҳам захил, напармон,
Эгаллаб ётибди оғил тўриши...
Кўрқоқнинг ивни кўйдирар чунон,
Дарров қазиб ташлар ганим гўриши.

Бироқ, пасаймайди васваса ўти,
Кўйилалоқ кўринар ҳар бир кўланика.
Елда тентираган товўқнинг пати,
Айлашиб қолади гўё илонга.

Орқада ўзрайиб тургандай дажжол,
Бурчиб қарашга юрак бермас дов.
Вужуди титрайди беҳол, бемажол,
Ўядигандайин кўзларин биров.

Доно халқимизда шундай ҳикмат бор,
Шарпадан чўнган шақилдоқ чалар.
Кўрқоқ тушида ҳам кўтариб чўлмор,
Инсу жинслар билан ёвлашиб, толар.

Гўр ҳам тор, қар ҳам тор, асли кўрқоққа,
Унга ҳар кун ўлим, ҳар он — бир ўлим.
Рустам дostonдек ўнгам тормоққа
Жўрғат йўқ, калталик қилади кўли...

Магар, атрофингда бўлмаса ботир,
Кўнинг қолган бўлса агар кўрқоққа.
Қонингни зулукдай ивар хавотир,
Ҳаётинг айланар аччиқ титроққа.

Чумчуқ «пир» этганда, иви «шир» этар,
Осийда ор-номус, эптиқод бўлмас.
Озурда жонига ниш урса хатар,
Пуллар, раиятда неки муқаддас.

Ки дохил солсалар юртига ганим,
Пусиб, таппа-таппа ётар кўрқоқлар.

Ота-боболардан мерос Ватанин,
Бир отим носвойга сотар кўрқоқлар.

Кўрқув-кўрқоқликдан боиланар гуноҳ,
Изво-бўхтонларнинг маконидир у.
Оқсоч тарих гувоҳ, тақдирлар гувоҳ,
Гуноҳқор бандалар қалқонидир у.

Майлига оч бўлгин, бўлгин гуноҳқор,
Кўрқоқдан олис бўл, эй дил, эй жоним!
Жонсиз бир ёгонсан, кўйган қайрагон,
Сен йўқсан, кўрқоққа тенг бўлган онинг.

ҲИНДИСТОНДА

Кўп галати экан маймун дегани,
Фақат банан экан унинг егани.
Жим турсанг, елканга миниб урар дўқ,
Ёлғиз Худо билар нима деганин.

ФИТНАЧИГА

Кўрашади Олимпия ўйишида,
Ер юзининг энг абжир, энг чарқонлари.
Фитначилар беллашуви ўтса, сенга
Тан берарди шайтонларнинг шайтонлари.

ҲОВУЗ БҮЙИДА

Неча йиллар қалбимни ўртаб,
Тўтаб ётган ўтни сўндирдим.
Мен бу оқшом катта ҳовузда,
Ухлаб ётган Ойни сўндирдим.

Ў! Боғлашиб қолгандим унга,
Меҳримнинг минг толаси билан.
Майда-майда қилиб ташладим,
Кўзимнинг тоши жоласи билан.

Сон-саноқсиз митти толдузлар,
Сарҳовузда ялтираб қолди.
Хурқитилган капалаклардай,
Сув бетида қалтираб қолди.

Сўнг кулоқни очиб юбордим,
Дилгир-дилгир боқиб кетди ой.
Қовуч-қовуч дурдай ялтираб,
Осмон сари оқиб кетди ой.

КҮРҚОҚЛАР

Одамдан тарқалган шундай қавм бор,
«Кўрқоқ» деб аташар унинг отини,
Илк дафта кўрганда ваҳима босар,
Пўрим маҳобату, салобатини.

Бу қавм феълда кўндир муаммо,
Ўзларин менгзарлар тоққа, қояга.
Кўлидай ҳадиксираб қарашар, алмо
Ҳар битта қорага, ҳар бир сояга.

Зарра қадрлашмас ўздин ўзгани,
Шафқат ҳам қилмаслар ҳеч вақт,
ҳеч кимга.

Билибми, билмайми бўйини чўзгани
Бошини сапчадай узлашар зумда.



ДУНЁ

Кимсалар бор — ёвни кўриб,
Пана жойида тусиб ётар,
Душман қочса, ирғиб туриб,
Орқасидан кесак отар.

Кимсалар бор, Ватаним деб,
Ўзин урар ўтту чўлққа,
Кўнрағини турар кериб,
Ватан томон учган ўрғқа.

Кимсалар бор — олазарак,
Берганигни кўролмайдн,
Шудгоридан битта кесак,
Сўраб қолсанг беролмайдн.

Кимсалар бор — боқмас қиё,
Бу дунёнинг ишларига,
Кўриб ётар хурлиқо
Париларни тушларида.

Кимсалар бор — мулти гараз,
Тўн ёпади каззобига,
Аламидан қилур араз
Чидаялмай азобига.

Кимсалар бор — ёмғир, ҳатто,
Қорда олов ёқадилар,
Кўтаришар кейин гавго,
Оламга бонг қоқадилар.

Кимсалар бор — шодмон юрсанг,
Кўйиб, захру заққум ютар,
Таъвиши ичра ўйчан турсанг,
Дикир-дикир ўйнаб кетар.

Ай, бу дунё! Ай, бу дунё!
Ҳар бандана топган эрмак.
Ўз ишига ўзи шайдо,
Чарх уради, чарху фалак.



ХУЛОСА

Галалашиб гамин едилар,
«Катта бўлсин, омин!», дедилар.
Бугун қўллаб-қувватлаб турсак,
Эртанимизга замин, дедилар.

Чинор мисол ўсади ҳали,
(Ғанимлар қон қусади ҳали).
Жами офат, маломатлардан
Тўғон каби тўсади ҳали.

У-чи, ҳар қун қоқилаверди,
Қаён чиқса йиқилаверди.
Оғалару тоғаларининг
Умидларин йўқ қилаверди.

Охири, бас, кўйинг, дедилар,
Ётар шурча ўйин, дедилар.
Ҳар бандани ўзида бўлсин,
Бўлмаса, кў-ўн қийин, дедилар.

БУҚА ЖАНГИ

Сузишмоқда икки буқа,
Дала-даштиги чангитиб.
Бир-бирига шохин суқар,
Бир-бирини гангитиб.

Бирн кетар бирин суриб,
Мунаиб кетар ногаҳон.
Бизиз саннар пойлаб туриб,
Икканичи шу замон.

Бирн қочиб, бири қувиб,
Бўлганича бўлишиди.
Думигача терлаб, ивиб,
Хом теридай сўлишиди.

Ётиб қолди бири охир,
Шохи сениб сулайиб.
Икканичи титрар дир-дир,
Ола кўзи жўлайиб...

Бу ҳол асло тасодифмас,
Табиатнинг қонуни.
Ҳайвон зоти аяб турмас
Жангда жонун танини.

Одил Халлоқ барча жонга
Кўёндай нур таратган.
Феълн-хўйини ҳайвонларга
Ҳайвонона яратган.

Не қилса ҳам буқа жанги
Бўқаларга ярашар.
Қотиради гоҳ инсангни
Бўқалардай талошлар.

Шохлашурлар доғ келтириб
Одамзотлик номига.



Умр ўтар иғво, фириб
Деган «жанг»лар қомида.

Найрангбозлик фикри-онги,
Қидирмиши заволдир.
Ундайлардан буқа жанги
Мардона ва ҳалолдир...

ПСИХОЛОГИЯ

Шаҳарда

Чироқ ўнча уйда ногоҳон,
Келмай қолса бир пас сув ё газ.
Бошланади шовқин, тўполон,
Бошланади шикоят, ёз-ёз.

Қишлоқда

Шундай ҳолат юз берса агар,
Бир-бирига қилишар ҳазил.
Осмон қулаб тушган йўқ, жисгар,
Бир-икки кун қилайлик сабр —
У ёғига Худо пошишодир...

* * *

Менинг қалбим осмон каби кенг,
Унда ухлар тоғлар, дарёлар.
Тўлқинлари уммонларга тенг,
Қишлоқда Зуҳал-Заҳролар.

Бу не қисмат, қандай касолат,
Қайдан келмиш бу жабру зулм.
Дунё сиздан юракка фақат
Сен сизмадинг, сизмадинг, гулим...

Сенсиз осмон менга не керак,
Нима керак тоғлар, дарёлар.
Кимга керак бу мажруҳ юрак,
Кимга керак сенсиз дунёлар.

Хувиллайди дарёдил осмон,
Хувиллайди дала-тузям ҳам.
Ўзимга ҳам йўқ унда ошён,
Сизмай қолдим унга ўзим ҳам.

ГУНОҲ

Бу зотларни сиз танийсиз, биз таниймиз,
Маҳалла-кўй, эл танийди, юрт танийди.
Кўпчилиكنинг орзу-ўйи — яска-ёғиз:
Шу зотлардай бўлсак дейди, о, қанийди!

Сиз биласиз, биз биламиз, эл билади,
Заррага ҳам зарра озор бермас улар.
Шундайлар бор — кунда дилини кир қилади,
Дилдорлик кўчасига кирмас улар.

Алдамчидан ҳазар қилар, алдамчидан —
Ўн чақирим олисларда юрар қочиб,
Майсаларнинг лабидоғи зар томчиға
Дилларини она ердай кўяр очиб.

Дўстларининг ютуғидан ичи кўйиб,
Дўстларига тузоқ кўйиб юрганлар кўп.
Ҳушомадни жой-жойига кўйиб-кўйиб,
Султонлардай давру даврон сурганлар кўп.

Ҳаром-хароши, зино, иво-бўҳтонларни,
Тушида кўрса қирқ кун чилла қилар улар.
Яхшиларга борин берар, ёмонларни —
Кўрса, дилини тилим-тилим тилар улар.

Фирибгарнинг ёқасидан олмас, аммо
Тавбасига таянтинмас каззобларни.
Иблисларнинг қисматига солмас гавго,
Гарданига олмас бундай азобларни.

Ким пок бўлса — ҳалол бўлса, ҳалол еса,
Улуғ экан — уларга минг таъзим экан.
Гуноҳқорни кўриб, аммо жим-жит кетса
Гуноҳ экан — бу гуноҳи азим экан.

ТУН

Сулўларнинг соҳидай маҳлиё этар бу тун,
Не-не сиру асрорини — аждаҳо — ютар бу тун
Қачнага бахт улашиб, қивчини қилур ҳайрон,
Қачна дилларни хору қаҳрабо этар бу тун.

БОЯ

Қинғир-қийини қоядайсан, ҳамсоя
Дея кўланкани жергаиб, койиди.



Хулукдан-да хулук бу эгри «қоя»
Букри теракнинг ўз сояси эди.

АБРАСИН

Бу мазормас, бу заминнинг ҳар жойи мазор,
Қулоқ солсанг, эшитасан марҳумлар сасин.
«Ажал — барҳақ. Фарзандларинг йиғлаб зору зор,
Қабринг излаб юрмакликдан Оллоҳ асрасин!»

СУҚРОТНИНГ ГАПИ

Тирикликнинг қилмишлари галатдан галат,
Бу туни йўқ: ё бири кўп, ё биттаси кам.
Суқрот домла айтган гап бу — алал-оқибат,
Ўйлансанг ҳам пушаймонсан, ўйланмасанг ҳам.

КҮНИКМА

Юнонлик Диоген чол-ҳақир, зўғо, авлиё
Бир кун садақа тилаб, ҳайкални тавоф қилди.
«Ўзимни рад жавобига ўргатмоқчиман» дея,
Тиржаийиб боққанларга, илжасийиб жавоб қилди.

СУНЪИЙЛИК

Шунчалар ҳам сунъий бўларми дунё,
Сунъий адаши бор ҳамма нарсанинг.
Чўриб, изқилиб қоласан гоҳро
Ўзгичилими деб шу жон, шу таним.


Сунъий кўл ясалган, ясалган оёқ,
Лаб-дахан, тиши-тирноқ, кўлоқ — қалбаки.
Қалбакидир кўзлар, қош ила қобоқ,
Ҳатто, жами ишак-чавоқ қалбаки.

Кўчага чивқасан, титрар асабинг,
Сунъий қарашлардан, ёлгон кўлишдан.
Дилинг ич-ичидан оғрийди сим-сим.
Сохта юришлару сохта туришдан.

Сунъий кийим-бошлар босиб олишган,
Жами дўжонлару, пештахталарни.
Жудаям соғиниб қолшган,
Одамлар табиий оқ нахталарни.

Аммо, табиийлик аданда-да йўқ,
Анқонинг уруғи табиий салом.





Кечаги танишинг — басаваат, улуг
Эрталаб қарасанг, бошиқа бир одам.
Ёқангни ушлайсан «алҳазар» дея,
Бу тагин қандай сир, қандай каромат.
Дейдилар «пластик операция»,
Роса ажойибда, роса аломат?!.

Ўйлайсан, Худойим яратганидан
Қолганми, бирорта бутунни, соғи.
Бўларнинг ўтмиши қанақа бўлган,
Қанақа бўлишган уруғ-аймоғи.

Сунғий эмасмикин насаби-насли,
Ота-бобосиё, Момоҳавоси.
Асли бўлганмикин, бормикин асли,
Бормикин бу дарднинг бирор давоси.

Бошинг говлаб кетар ўйлаган сайин,
Тўйқус эсга тушиар қизчанг қулқуси.
Паришон руҳингни чақмоқ ўтдайдан
Чақнашиб юборар Ватан тўйқуси.

Барча сунғийликни босиринг туидай
Дарҳол топишрасан қодир Оллоҳга.
Жонажон ишини соғинган қуидай,
Еласан шамолдай тайёрагоҳга...

1992 йил Нью-Йорк.

УСТОЗНИНГ ДЕГАНЛАРИ

«Юрибсанми, қарилликнинг гаштин суриб»,
Бундай сўзлар наша қилар туриб-туриб.
Қарилликда шавқи-сафо қайда экан,
Қаёқдан ҳам қаридим-а, шўрим қуриб,
Майли, ҳар ким қариялик завқин тўйсин,
Лекин уни чиқарганинг уйи кўйсин.

Бу дунёнинг лаззатидан тотолмасанг,
Кўча-кўйда қиттак-қиттак отолмасанг.
Қариб итга қулғи бўлган бўри каби
Ўйзунг қочиб, тўнда ҳам тинч ётолмасанг,
Ҳар фақирки, қариялик завқин тўйсин,
Лекин уни чиқарганинг уйи кўйсин.

Ўзинг ўйла, бирон корга яролмасанг,
Гулдай-гулдай сулувларга қаролмасанг.
Ёшликдаги тўғён қайда, тўғфон қайда,
Гоҳо ҳатто, соқолингни таролмасанг.
Ҳар фақирки, қариялик завқин тўйсин,
Лекин уни чиқарганинг уйи кўйсин.

Дейдиларки, от қариса чополмайди,
Ит қариса на ҳуриб, на қополмайди.



Қариллик — бир зимистондир, бедаво дард,
Ҳануз унга ҳеч ким дағво тополмайди.
Ҳар фақирки, қариялик завқин тўйсин,
Лекин уни чиқарганинг уйи кўйсин.

Эски гап бу — кўтонда кўй-кўзи билан,
Бола-чақанг сарсон ўғил-қизи билан.
Бирпасгина неварангга овунчоқсан,
Оворадир кейин у ҳам ўзи билан
Ҳар фақирки, қариялик завқин тўйсин,
Лекин уни чиқарганинг уйи кўйсин.

Мўйсафидлик новвот, деган Фозил бахши,
Аслида-ку, бобойлик — бу ҳаёт нақши.
Аммо, қирқ йил ўламан, деб кўрқатгандан
Йигитдайин бир кун яйраб, ўлган яхши.
Ҳар фақирки, қариялик завқин тўйсин,
Лекин уни чиқарганинг уйи кўйсин.

Ҳар бандага насиб этмас кексалик ҳам,
Шу кунларга етмаган кўп, етганлар кам.
Минг шукрқим, фаршталик ёйга етдим.
Деганларим ҳазил эди, ҳазил, болам...
Ҳар фақирки, қариялик завқин тўйсин,
Юздан ошиб, юз элликда йўртиб юрсин.

МУЛЛА ШАЙТОН

— Муллажон, ҳар доимо гамим ердингиз,
Айтгани қил, қилганимни қилма, дердингиз.

Ажиналар йўлдан уриб кўйдими, билмам,
Қилиб кўйдим, қилиб юрган ишингизни ҳам.

Шайтонвачча тавба билан артди ёшини,
— Ҳазо беринг, устод, — дея эгди бошини.


— Кўп хижолат чекманг, — деди Шайтони калон
Энди сиз ҳам Мулла Шайтон бўлибсиз, ўглон.



Нормурод НОРҚОБИЛОВ

Қисса

(Охири. Боши ўтган сонда)



Белбаз

* * *

Ичкаридан бир жуфт чинни коса кўтариб чиққан кампирни кўрган Отамуроднинг кайфияти баттар бузилди. Мана, ҳадемай овқат сузилади. Таомдан сўнг унинг бу ерда ортиқ қолиши мумкин эмас. Ҳурмати борида кетгани маъқул. Агар Зумраднинг кўнгли бўлганида, кетишини билади, аллақачон қорасини кўрсатарди. Демак, юрагида уйғонган барча орзу ва умидларини мана шу тоғлар бағрига кўмиб, изига қайтишга мажбур. Олдинда эса уни бир-бирига ўхшаш руҳсиз ва рангсиз кунлар кутмоқда. Дилгир оқшомлар пайт пойламоқда.


Оқшомлари у бирор юмуш билан банд бўлиш учунгина қозон осади. Қизиган қозонга ёғ сола-сола, сигарет тутатади. Ҳовли юзига ўйчан тикилганча, музлаткичдан тўрт-беш тухум олади. Азбаройи овқат егиси келганидан эмас, азалий одатга бўйсинади. Эсида, кечки таом болалигидан унда ғаройиб бир кайфиятни уйғотарди. Девоглари қирмизи ранг сўзаналар билан безатилган чоғроқ хонада бу кайфият негадир янада кучаярди. Таом сузиб кирадиган онаси, тўрда ёнбошлаб ётадиган отаси нечундир бу дунё одамларига ўхшамас, кўзига бошқача кўриниб кетарди. Қисқаси, сирли ва сурурли дамлар эди. Бироқ кейинчалик бу хонадонга кириб келган хотини деворлардаги сўзаналарни юлқиб ташлади. Уйни мебел билан тўлдирди. Йигит кўниккан эртакнамо тус йўқолди, шунингдек, ғаройиб руҳ ҳам. У ўзини тақир ерда қолгандек ҳис эта бошлади. Бу ҳақда аёлига “нола” қилганда, хотини уни тентакка чиқарди. Тақдири аёлидан айро тушгач эса, у бозордан турли хил қирмизи ранг сўзаналар сотиб олиб, ҳозирги уйига бошдан-оёқ осиб чиқди. Ўзича безатди. Аммо бу қирмизи ранг у болаликдан кўниккан ўша таниш ҳароратни

беролмади. Сўзанали уйга суюкли аёл ҳам керак экан. Бироқ уни бозордан сотиб олиб бўлмасди. Мушкул иш бу — ёмони келса, уйингни куйдиради. Унда яхшисини қандоқ топмоқ керак? Бунинг учун эса, аввало юрак қурғур жиз этмоғи лозим.

Юрагини жизиллатган аёлдан эса ҳануз дарак йўқ. Аҳмоқ бўлиб, неча кундирки уни ўз хонадонидан тасаввур этиб юрибди! Унинг хаёли билан туриб, унинг хаёли билан яшаб юрибди! У эса, мана, рад жавоби сифатида қорасиниям кўрсатгани йўқ.

Отамурод, сен бўлмасанг, бошқаси, дейдиган йигитлардан эмасди. Муҳаббатсиз турмушнинг нақадар совуқлигини у бошидан кечирган, бундай рўзғорнинг боридан йўғи яхшироқлигини англаб улгурганди. Яна билардики, ёмонни яхшилаб бўлмайди. Айрим эркакларга ўхшаб аёлни зулм остида ушлаб туришни жини суймасди. Аёлинг шундай бўлсаки, уни кўчадан соғиниб қайтсанг, дерди. Худди отасидек. Кўчадан кирган отасининг кўзи онасидан бошқасини кўрмасди. Аланг-жаланг қараниб, онанг қани, дерди. Онаси ошхонадан, ё кўрадан туриб овоз бергачгина тинчланарди-да, сўнг болаларининг мавжудлигини сезгандай бўларди. Келини ёмон чиққач, у ёмон келинга аёлини талатиб ўтирмади. Чоғроқ ҳовлисини ўлига ҳаля қилиб, ўзи катта ҳовли олиб, чиқиб кетди. Ҳозир ҳам беозор мусичалардай бир-бирига суйкалишиб умргузаронлик қилиб келишади.

Йигит ҳаётини жувонсиз тасаввур этишга ўзини кўниктиришга тиришаркан, бирдан юраги орқасига тортиб кетди. Яна ўша совуқ уй, ҳаминиши ширакайф Дониёр, ғала-ғовур шовқинига тўла бозор майдони, ҳис-туйғудан йироқ киракаш шериклари.. Йилг этган нурдан эса дарак йўқ. Рўшнолик истаб борадиган аёлидан аллақачон кўнгли қолган. Бошда шаҳарнинг шимолий



қисмидаги кўп қаватли уйлар кўзига жуда иссиқ кўринарди. У бу уйлардан бирида турувчи жувонни чинакамига суймоқ истарди. Бироқ аёлнинг таъмагирнигоҳлари бу туйғуга изн бермасди. Жувон, севаман, дерди-ю, севмаслиги, аниқроғи, суя билмаслиги кўзларидан билиниб қоларди. Унинг барча айланиб-ўргилишлари риёкорлик асосига қурилгандек, йигит бу хонадонни ҳамisha эзгин бир кайфиятда тарк этарди.

Хўш, йигитни унда нима боғлаб турибди?

Отамурод хаёлига келган бу саволни ҳамisha нари қувлашга тиришарди. Жувоннинг тақдирига эш бўлмоқ кўйида ўртанади. Аммо... Аёл феълидаги очкўзлигу таъмагирликни яширмоққа минг уринса-да, барибир билдириб кўярди. Ҳар ҳолда буни йигит сезарди.

У таъмасиз меҳрни кўмсарди.

Ойда бир келиб, топган-тутгандан каттагина улуш олиб кетадиган хотинидан фарқли ўлароқ, бу аёл жуда ширинсўз эди. Жонимлаб жонини оларди. Йигитнинг назарида, ўздан кўра, пулини яхшироқ кўрадигандек эди. Ва сўнг шундай бир воқеа юз бердики, йигит ўзининг қадр-қиммати нечоғлигини фаҳмлаб етгандек бўлди. Жувон сўраган маблағ унда бор эди. Негадир ўзича ноз қилгиси келди. Ҳозир ёнимда йўқ, кейин тўғрилаб бераман, деди. Шунда аёл шундай бир энса қотар қараш қилдики, йигит уни таниёлмай қолди. Жувон ортиқ бир сўз айтмади. Айтишни истамасди. Қарашлари билан йигитни жойига михлаб, чиройли қоматини кўз-кўз қилганча кетди борди. Йигит сездики, агар ҳозир чўнтагидан у айтган пулни чиқарса, аёл яшнаб кетади. Ялаб-юлқушу, суйиб эркалашдан ҳам тоймайди.

У чинни косаларни ювиб, бир четга териб қўяётган кампирнинг ҳаракатларини зимдан кузатаркан, уни унчалик ошиқмаётганини сезди. Назарида, чол ҳам ниманидир кутаётгандек эди.

Андиша деб аталмиш туйғу исканжасида беҳаловат ўтирган Сардор чол тонгда ғойиб бўлган қизини йигитдан кам кутмаётганди. Бироқ буни билдирмасликка уринар, гоҳо эса тўсатдан ғазаби кўзиб, бу уруғ шунақа — на ғазабини ошкор этади, на қувончини, бошда менам роса қийналганман, дегиси келарди. Бироқ бу гапларни меҳмонга айтиб бўлмасди. Йигитнинг қизига бефарқ эмаслигини сезган кундан буён ошкора гурунлардан ўзини тийиб келарди. Ўзига қолса-ку, буйтиблар қийналмай, одамингни юбор, шунда бир гап бўлар, қизим хоҳласа, никоҳингга оларсан, йўқ деса, манглайингга бир уриб, изингга қайтиб кетаверсан, дегиси келарди. Бунинг энасиям шунақа эди, чимилдиққа кирмагунча суярини билдирмаган, михдаги белбоғни олганига суюниб, ўзимча сал суюлмоқчи бўпман, ўшанда укаларидан калтак еб қолишимга озгина қолган, дея гурунг бермоқни истарди.

Чол, сиқилгани етмагандек, қишлоққа чўмган мудқиш бир сукунатдан жуда хавотирда эди.

У бу хил ҳолатни узоқ йили, яъни Шавкат шапка ўлдирилган куни ҳис қилганди. Ўшанда ҳам қишлоқ худди бугунгидек ғаройиб бир сукутга чўмганди. Барча ниманидир кутаётгандек, гунг ва дилгир эди. Бўрон олдидан бўладиган қандайдир сокинлик, бўрон кўпиши эса аниқ эди.

Буни фақат туман ҳарбий бўлимининг вакили бўлмиш Шавкат шапкагина сезмади. Кўнғир отига миниб, қишлоқни тарк этаркан, катта чинор тагида тизилишиб ўтирган чолларга писанда қилди: "Партия ва ҳукуватимиз учун ҳамма бир. Улларинг ҳарбийда хизмат қилишлари шарт! Тупканнинг тагида биқиниб, фуқаролик бурчларингни бутунлай унутиб кўйибсанлар. Энди бундай бўлмайди..."

Аммо ўша куни довон ошиб, манзилига етолмади. Муюлишдаги жардан учиб ҳалок бўлди. Уни жардан улоқтирган Шокир кичкинанинг топган баҳонаси шу бўлди: «Мени ҳарбий хизматга борасан деди, боргим келмади...» Шундан кейин ҳарбий бўлима ходимлари қишлоққа ёлғиз келмайдиган, қуролсиз юрмайдиган бўлди.

Аслида Шокир кичкинанинг иккори ғирт ёлғон эди. Фожеага Шавкат шапканинг оғзи шалоқлиги-ю, ўзига беҳад бино қўйганлиги сабаб бўлганди. Чиними, ҳазилими, ишқилиб, шу гап оғзидан чиққани рост эди: "Анову бева опангни бир кечага берсанг, сен армиядан бутунлай озодсан..." Уйнинг эркаги ҳисобланмиш йигитнинг жуссаси пачоқроқ эди. Тоғлиқ йигитларга ўхшамас, анчайин ушоқроқ эди. Бироқ гурури тоғдан баланд эди. Ҳозирча меҳмон ҳурмати учунгина ўзини босиб ўтирарди. Чайир бармоқлари тагидаги якқат кўрпача четини асабий ғижимларкан, юзидан табассум аримасди. Кўзларидан ёлқинланган ғазабини ўша табассум қатига яширмоққа уринарди. Ҳурматини билмаган меҳмон қаршисида ноилож одоб сақлашга тиришарди.

Шавкат шапка хийла ширакайф эди. Унинг бу ҳолатини сезмади. Бошига кепка кийганидан буён унча-бунча нарсани фаҳмламайдиган бўлиб қолганди. Ҳарбий бўлимага ишлашдан аввал у милицияда ишлаган. Эҳтиётсизлик оқибатида даладаги пахта хирмонини ёндириб юборган бечораҳол бир йигитнинг ишини кўраётганида, ёлғиз ўғлининг қамалишини истаманга бева аёл ноиложликдан қизини Шавкат шапкага қўшиб қўйганди. Аммо тоғликлар пахта дея ўмгани эзилган, гурури беҳад топталган даштлик эмасди. Уйда кулиб, чеккада жонини суғуриб оладиганлардан эди. Бироқ тўқимтабиат Шавкат шапка буни қаердан ҳам билсин. Билгани, йилнинг тўққиз ойи давомида катта ердан узилиб қоладиган бу қишлоқ йигитларининг шу пайтгача ҳарбий хизматга олинмай келгани эди. Бу хатони тўғрилаш гўё ёлғиз унинг гарданига тушганди. Шу боис, ўзини қишлоқда Худо ўрнида кўрмоқда эди. Бирор кимсанинг эътироз билдириши ёки бурнидан ошиқроқ гап қилиши мумкин бўлмаган ҳол эди.

Эртаси муюлишдаги жарлик тепасида қишлоқ йигитларига рўпарў келганида ҳам шу ўйда эди. Шунингчун оти юганидан тутишга ботинган пачоқ йигит — Шокир кичкинанинг боши-кўзи аралаш қамчи тортишдан ҳайиқмади. Тагидаги оти юқорига сакради. Аммо пачоқ йигит чайир экан, от юганини унинг қўлидан узолмади. Бу тахлит муомалани кутмаган Шавкат шапка буни ўзига нисбатан, янада аниқроғи, давлат одамига нисбатан ҳақорат деб билди. Бот қамчиға зўр берди. Сўнг эса ўзининг жар тубига тошдек учиб бораётганини сезди...

Бу Сардор чол гувоҳ бўлган воқеалардан бири эди. Қишлоқнинг кўримсиз йигитларидан бири бўлмиш Шокир кичкинанинг ҳамиятига нисбатан ҳаваси сўниб-сўнмай, қишлоқни милиса босди. Давлатнинг одамига қарши тажовуз қилган пачоқ йигитни ҳибсга олмоқчи бўлдилар.

Қишлоққа отлиқ милиционерлар кириб келишганида, Шокир кичкина ҳовлиси этагида Сардор билан ҳасратлашиб ўтирарди. Миршабларни кўриб, дарров воқеани англайди.

— Чақки бўлди-да, — дейди манглайи асабий тиришиб. — Опамга кўз олайтиргани учун ўлдирдим уни дейманми буларга! Опамнинг номини тилга оламанми?!

— Бошқа баҳона топа қол унда, — дейди Сардор унга не тахлит кўмак беришини билмай.

— Йўқ, зўр бўлишса, аввал мени тутиб кўришсин!

Шокир кичкина ҳовлиси ёқалаб дўннга интилади. Аммо дўнглик яроқ тутган миришаблар томонидан аллақачон тўсиб қўйилганди. Кишлоқ йўлига туташ сўқмоқ ҳам улар тарафдан банд этилганди.

Унинг кулбаси Бурунтепада жойлашган бўлиб, ҳовлини этаги тик жарликка туташ эди. У оқшомлари жар лабидаги харсанг тошларга чўкиб, қуёш ботишини томоша қилишни яхши кўрарди. Сардор ҳам ўта камсуқум бу йигитни жуда ёқтирарди. Бу кишлоқда илк ортирган жўраси ҳам шу эди. Аммо ҳали юраги тубида чўкиб ётган дардини тўла айтишга улгурмаганди. Ўша куни негадир хиёлгина учини чиқарганди. Бутун ҳаётини алғов-далғов қилиб юборган хиёнатнинг залворидан ўзи қолиб, Шокир кичкинанинг афти қорайиб кетганди: "Менга айтдинг! — деганди овози алланечук қалтираб. — Бошқа бировга асло айта кўрма! Жуда ёмон иш бўлган экан лекин..." У гапини тугатишга улгурмай, ҳовлида миришаблар пайдо бўлганди.

Йигит учун жарлик томонгина очиқ қолганди. Бироқ у қуш эмаски, қанот чиқариб учиб кетса У дўнгликка интилган ерида, секин-аста жарга чекина бошлади. Тўхта, отиласан, деган хитобларга парво қилмай, тисарилишда давом этди. Сўроқларда опаси номини тилга олишдан ор қилиб, ўзини тубсиз жардан ташлади. Бу ҳолни ҳеч ким кутмаганди. Яқин-ўртада турганлар даҳшатдан "воҳ" деганча қолаверди.

Бу фожеа сабаби фақат Сардорга аён эди. Кимдир у деди, кимдир бу, ёлғиз угина тилини ичига ютди. Шу воқеадан сўнг юрагини аёвсиз ўртаётган дард — аёлининг хиёлати тўғрисида бировга чурқ этмайдиган бўлди. Бу хил нарсаларни тилга олиш эркакларга хос иш эмаслигини боз англаб этди. Шу пайтгача Шокир кичкинадан ўзгасига сасини чиқармагандан ўзида йўқ шодланди. Кўксига милтиқ тираган онларини ёмон тушдек дам-бадам хотирларкан, бу фоний дунёда яшамоқнинг ўзи бир жасорат эканлигини фаҳмлаб етгандек бўлди.

У юксак тоғларга маъюс боқди. Эзгин ҳисларини қалбига димлади. Чуқур қайғу ила дўстининг маъракасига бош қўшди. Бу энди бошқа бир қайғу, жудолик алами эди. Ҳар ҳолда ўзлигинга қарши ич-ичингдан гимирлаётган ғаламис ҳислардан кўра, бу қайғунинг юки сал енгил эди. Негаки, тан бўлак, бугун куясан, эртан кўникасан ва сўнг унутасан. Ёмони ўзингники, яшаб яшаёлмайсан, ўлиб ўлолмайсан, дилингни забт этган қасос ҳисси сени ҳеч қачон ўз эркиннга қўймайди.

Сардор тишдан сокин кўрингани билан ичдан қасос ўтида ўртанарди. Қўлбола икки ўқни ҳамшиша ёнида олиб юрарди. Аввалига тушқунликка тушиб, яшашни истамай қўйган йигит энди интиқом ўтида ўртанарди. Айниқса, Шокир кичкинанинг фожеасидан сўнг бу ўй хаёлидан кетмай қолди. Ундан қаерим кам, номус дея жонидан воз кечди. Мен эса... Йигитдаги бу ҳолатни Абдурахмон чавандоз сезгандай бўлди. Шу бир куни қаватига чорлаб деди:

— Кимлардандир улғу олиб, қийишқ ўсган дарахтни кесиш пайида юрибсанми дейман?

Чавандоз бу гапларни айтаркан, негадир узоқ-узоқларга ўйчан тикилади. Сухбатдошини нутгандай тутайди ўзини. Қизиқ жиҳати, ўша машъум тундан у бутунлай беҳабар. Аммо гап оҳангидан барини биладигандай, Сардор унинг кўзларига тик боқишга интилади. Баҳс истайди.

— Иш арзиса-чи! — дейди.

— Иш арзисаям, бандаси арзимайди.

— Юрак ёнса-чи?!

— Юрак ёнган кезлари сабрнинг этагидан маҳкам тутмоқ керак. Шунда сени Оллоҳ сийлайди.

Йигитнинг ўрлиги тутайди. Лекин Абдурахмон чавандоз уни ортиқ эшитмайди. Ўрнидан кўзғоларкан, Сардорга лоақал қайрилиб қарамайди.

Аёл зотидан бутунлай кўнгли қолган Сардорни Худо ҳақиқатдан сийлади. Унга ҳозирги кампирини рўпарў қилди. Вақтида қишлоғининг олди қизларидан бири ҳисобланмиш сулувнинг муҳаббатига сазовор этди. Қиз дилдаги туйғуларини тилда эмас, хатти-ҳаракатлар воситаси ила баён этди. Аммо қизи тушмағур теварагини қуршаган тоғлардек мағрур эди. Мағрурлиги ила йигитни адл бўлишга чорлади. Сардор билдики, бу қиз олдида минғирлаб ёҳуд шалвираб бўлмайди. Акс ҳолда унинг чангида қолиб кетиши мумкин.

Сардор чол хотираларидан андак чекиниб, қаршисида қизининг йўлига илҳақ бўлиб ўтирган йигитга зимдан назар солди. Палаги тоза, яхши хотин тушса гуллаб кетади бу, деб ўйлади. Йигитга меҳри ийган сари унинг қишлоқдан эсон-омон чиқиб кетиши ҳақида кўпроқ қайғура бошлаганди. Қишлоқ йигитларининг зимдан гувранишларидан вазият қалтислигини сезиб турарди. Бироқ бу ҳолатда йигитга кўмак бермоғи мушкул эди. Қизига қўшмоқ ниятида ўзи югуриб юрган экан, деган маломатга қолиши мумкин. Йигитга у-бу гап ўргатай деса, гапнинг бир учи яна қизига бориб тақалади. Ота учун эса, бундан оғири йўқ эди.

Ўйга чўмган чол йигитнинг гапини жуда узоқдан эшитгандай бўлади. Унга ажабсиниб қарайди. Йигит ўртадаги сукутга барҳам бериш учунгина сўзланаётганини сезади. Бош ирғаб, тинглаган киши бўлади. Карахт шуури шу гапларни англайди. Йигит шофёрликдан тўйган эмиш, мактабни, болаларни жуда-жуда соғинганмиш. Кунда кўлига тушиб турадиган тўрт-беш танга эмас, суйган касбигина кишига қувонч бағишлармиш. Айниқса, шогирдлари бўй кўрсатганда, ундан зўр бахтнинг ўзи йўқ эмиш...

Бу туйғулар чолга ғирт бегона эди. Йигитни тинлаган бўлиб, бетдаги боғини ўйлайди. Бетдаги боғ янги, дарахларнинг олди бу йил ҳосилга кирди. Аммо куйидаги ёнғоқзор ва муюлишдаги теракзор кўрган кўзни қувонтиради. Тоғда ер сероб, биров уни эк-буни эк демайди. Ҳар ким ўз майлида боғбонлик қилиб туради. Аслида Сардор чолнинг боғбонликка унча иштиёқи йўқ эди. "Келгинди" деган қарашларга қарши қўл урганди бу ишга. Қишлоқдан олислаб, шу дўннга иморат ташлагач, бўш ер борки, дарахт ўтқазди. Бу ҳаракати билан, тоғ ўзимники, демоқчи бўлди. Қишлоқда ўзига хос обрў топди-ю, лекин "келгинди" деган қарашлардан барибир қутулолмади. Баҳонада ерга қаттиқ меҳр қўйгани қолди. Эндиликда барпо этган боғларига тикилиб кўзи тўймайди. Назарида, йигит ҳам шунга яқин гап қилмоқда эди. Фақат у шодликни мактабдан, болалару ва яна алланималардан қидирмоқда эди: "...ёзган шеърларида шундай бир теран маънолар борки, шу менинг ўқувчимми дея гурурланиб кетаман. Ўзим эса неча йиллардирки, одийгина бир учар машинани эплаб ясаёлмаяпман. Аммо-лекин бир марта бўлса-да, осмонда парвоз этиш ниятим бор..."

Чол тўсатдан сўзамоллашиб қолган йигитга ҳайрон боқаркан, нуқул бош ирғар, гўё сухбатдошини орзу ва режаларини маъқулларди. Ўзи эса айни пайтда, ўткан куни ёввойи тўнғизлар қавлаб ташлаган томорқасини ўйларди.

Ўз навбатида, иккиси ҳам бир-бирига сездирмаган ҳолда Зумраднинг йўлини пойларди.

* * *

Аёли унинг нозик жиҳати—касбига нисбатан бўлган айрича муҳаббатини яхши биларди. Билгани учун ҳам, чинакам рақиблардай, асосий зарбани ўша томонга қаратди. Отамуродни жоҳил ва муштумзўрликда айблаб, мактабига шовқин кўтариб борди. Барчанинг олдида обрўини бир пул қилди.

Йигитнинг мактабдан кетмоқдан ўзга чораси қолмаганди. Энди қайси юз билан дарс беради? Ўқувчиларнинг кўзига қандай қарайди? Ахир у жонкуяр, талабчан муаллимдан жоҳил, ароқхўр, зинокор кимсага айланганди-да. Буни у болаларнинг қарашларидан англаркан, ҳамкасбларининг ўшандаги қиёфаларини ҳали-ҳануз унутолмайди. Ўша пайтда кимдир ачинган, кимдир эса мактабнинг фахри ҳисобланмиш ҳамкасбларининг шармандаю шармисор этилишидан ўзида йўқ севинганди.

Отамурод, қаерда хатога йўл қўйдим экан, деб кейинчалик кўп ўйлаб кўрган ва оқибат, аёлига уйланганининг ўзи катта хато бўлганлигини фаҳмлаб етган. Бири тирикликни ейиш-ичиш, кийинишда деб билса-ю, иккинчиси эзгу мақсад йўлида гувранса, аллақандай ўқувчи болалар камолидан қувониб юрса, кўкка парвоз қилиш иштиёқида алламбало "самолёт" ясаб ўтирса — ҳеч замонда келишармиди улар.

Аёлининг назарида, у гирт аҳмоқ эди. Ўзганинг болаларига нисбатан меҳрини сира тушунолмасди. Қанақасига етти ёт бегоналарга бу қадар меҳр қўйиш мумкин, а? Мактаб етмагандек, уйда ҳам тинч қўйишмайди. Телефонда ҳали уни-ҳали буни сўраб жонига тегишади. Аёли уни ўзгалардан қизганмасди, шунчаки тушунмасди. Жанжалга сабаблардан бири шу эди. Даҳанаки жанг кўп ҳолларда таҳқирлашга айланиб кетарди. Фалакнинг гардиши билан Отамуроднинг тоғаларидан бири қайси бир замонларда хотин олиб, хотин қўйган экан. Бу ҳолат аёлининг тилида шундай бир таърифлар ила эврилардики, билмаган одам Отамуроднинг бутун авлод-аждоди хотинбоз ўтган экан-да, деган хаёлга бориш мумкин эди. У эрини дарс пайтида қизларнинг кўкрагини томоша қилишда айбларди.

Отамурод барига чидаб келарди-ю, лекин бир оқшом ўта таҳқиромуз оҳангда айтилган гапга ортиқ бардош қилолмади. Аёли бир айтиб қўймади. Ҳазабдан шамдай қотган эрининг юзи-кўзига тикилиб, юқоридаги иборани такрор айтди: "Сен ҳам эркакмисан!"

Йигитнинг урмоққа кўтарилган қўли костюмига етди. Михда илиғли турган костюмини елкасига ташлади-ю, уйдан чиқди кетди. Кейинги барча галва мана шундан сўнг бошланди... У эса бор аламини киракашларнинг "шеф"и ҳисобланмиш Ботир давонгдан олди. Ботир давонгнинг башарасига мушт тушириб, ўзгалар назарида "зўр"га айланди. Ҳолбуки, у зўр эмасди. Муштлашишни жинидан ёмон кўрарди. Бироқ теваарақдагилар йигитдаги бу беадад аламни "куч" деб билдилар. Ўзларича ундан "зўр"ни яратдилар. Ҳозир ҳам шундай деб ўйлайдилар ва анча-бунча ҳайқадилар.

Ярим ойча бурун машинаси ёнида хаёлга ботиб ўтираркан, қаршисига келиб босган кимсани одатдаги мижозларидан бири деб ўйлаган. Аста бош кўтарган. Қулимсираб турган жувонни таниб, шошиб қолган. Ўзини жуда ноқулай ҳис этиб, ҳа, юкинги борми, деб юборган.

— Юким йўқ, — деган жувон кулиб. — Мактаб директори сифатида сизни ишга таклиф этгани келдим.

— Қутлуг бўлсин, қачондан буён?

— Яқинда, — жувонни овозида гурур оҳанги сезилди.

Тиниб-тинчимаслиги ва жонкуярлиги туфайли мактабда "Читтак" лақабига эга бўлган бу аёлни Отамурод қаттиқ ҳурмат қиларди. Ўша галвада ҳамдард бўлганларнинг бири ҳам шу эди.

— Хуллас, мен сиз билан ишламоқчиман, — дея жувон расмий оҳангда қўшиб қўйди. — Сиздек мутахассис бизга ҳаводек зарур.

— Бошлигингиз кўнармикан, — Отамурод мужмалланади. — Бошқа мактабга ўтиб ишлашга изн сўраб борганимда, сиздай ахлоқсиз одамга мактабда ўрин йўқ деб, ҳайлаб чиқарган мени.

— Ҳайдаровни айтаяпсизми? — Жувон ижирғанади. — У киши анча бўлди раҳбарликдан кетганига. Бозорда ўралашиб, дунёдан беҳабар қолибсиз-ку. Ҳозиргиси ёш, жуда гайратли йигит.

— Кўнгил қолганда, Меҳрихон.

— Болаларданми? — Жувон жиддий тикилади. — Биз катталарни қўяверинг, лекин болаларда не айб? Феълимни биласиз, рози бўлмагунингизча, тинч қўймайман. Иккинчидан, лойқаланган сув аллақачон тиниб бўлган. Сиз болаларни ўйланг.

— Ўйлаб кўрай.

— Ўйланг-ўйланг.

Йигит шундан бери ўйлайди. Ўйлаб ўйига етолмай турганида, кўнглига ишқ ўти тушди.

Шу тобда у бу кутиш дақиқаси минг йилга чўзилишига рози эди. Қозондаги овқат ҳеч қачон пишмаслигини, чойнакдаги чой тугамаслигини истарди. Ноумид қайтиш ғоят даҳшатли эканлигини ҳис этгани сайин юраги гупуриб, уюшиб кетмоқда эди.

* * *

Сардор чолга йигитнинг мактабга қайтиш фикри унчалик ёқинқирамади. Мактабга қайтиши эмас, тасавурида туғилган муаллим сифатида туси — бўйинбоғ таққан, пўрим костюм-шимдаги қиёфаси кўнглига ўтиришмади. Ҳозирги ҳолатида, яъни ҳайдовчиларга хос жўнгина либосида йигит юрагига яқинроқ эди. Уни пўрим ҳолда тасаввур этгиси келмади. Айниқса, бўйинбоғни кўришга кўзи йўқ эди.

Тоғасининг ўғли шаҳардан башанг қайтганда, хотинининг ўғринча суқланиб қараганларини бир-икки сезгандай бўлган, лекин унинг хиёнат кўчасига киришини хаёлига келтирмаганди. Боз устига, тоғасининг ўғли ўз жигари, хасмига ола кўз билан қарамас. Шунга қарамай, ҳар ҳолда бир сафар ўз норозилигини билдирган. Аммо аёли довдирамаган, галстугига қараяпман, нега шаҳарда ўқийдиганлар галстук тақишади, а? Саволига савол билан жавоб олган Сардор ўшандагина қариндошининг бўйнидаги бўйинбоққа эътибор берган, бир парча рангдор латтани бўйинда осилиб туриши галати туюлган. Уйда ҳеч ким йўқлигида қариндошининг бўйинбоғларидан бирини бўйнига тақиб, ойнага юзланган. Йўфон бўйнига бўйинбоғ сира ўтиришмаганини сезиб, юлқиб отган. Аёл зоти аҳмоқда, йўқ нарсаларга ҳаваси тушиб юради, деб ўйлаган. Аёлининг ҳаваси бўйинбоққа эмас, йигитга тушганини хаёлига ҳам келтирмаган.

Қариндошидан умиди катта, унинг шаҳарда ўқишидан жуда фахрланарди. Юрт сўрайдиган чўнг одам бўлади деб ўйларди. Шаҳарни эгаллайдиган сиёғи бор, деб умид қиларди. Қариндоши эса шаҳарни эмас, унинг

тўшагини эгаллади. Шундан сўнг дунё деганлари тўнкарилиб кетди. Борлиқ ўз аҳамиятини йўқотди. Қишлоғидан бош олиб кетаркан, охириги дақиқаларда ҳам тоғасини авайлаганидан ҳозиргача ажабланади. Меҳри бор эканки, муҳдиш сирни тоғасидан яширди. Тоғаси бу сирнинг тагига етиб-етмай, гумонлар оғушида бу ёруғ оламни тарк этди.

— Келинни ҳайдадинг, уйингга ўт кўйдинг, нима бўлган ўзи сенга, а? — деди кейинги келишида тоға.

— Қутургандим, тоға, қутургандим, — деди Сардор ердан кўзини олмай. — Ҳов бирда сизга айтган ичимдаги дард шу эди.

— Қутурган одам ё ўлади, ё қолади. Ранг-рўйинг боинийдек-ку.

— Қутургандим, тов гиёҳларидан шифо топдим.

— Шифо топганинг яхши, энди қайт уйингга.

Шодикул хотинингга оғиз солаётган эмиш.

— Уйга қайтсам, тагин қутураман-да, тоға. Ҳавосиям ёқмайди менга.

— Шунча одамга ёққан ҳаво, нечун сенга ёқмай қолди?

— Билмадим, билолмадим, тоға.

— Унда бориб хотинингни опке, бэага ташлаб қўйма буйтиб.

— Дардим кўзиб қолишидан қўрқаман, тоға. Касалим юқмасин дея, қутурган заҳотимок, талоғини бериб, уйга ўт қўйганман.

— Биринг қишлоқни тарк этдинг. — Тоға оғир хўрсинади. — Биринг шаҳардан бери келмайсан. Сенларга нима бўлган ўзи?

— Ҳеч гап бўлгани йўқ, тоға. — Сардор уни юпатишга тиришади. — Бехуда гумонларга борманг.

— Қачон қишлоққа қайтасан?

— Бориб қоларман.

У қишлоғига қайтиб бормади. Шу ерни ватан тутди.

Аслида бу ерга муваққат кўнганди. Кетиш нияти йўқ эмасди. Кейинчалик бунга аёлидан ҳам яширмасди. Аёли эса сокин тарзда ҳаммиша уни маъқулларди: "Сиз нима десангиз шу, эр қаерда, хотин шу ерда". Хотини жиндаккина эътироз билдирганида, кетмоғи тайин эди. Бунинг устига, Абдураҳмон чавандоз аввалдан айтиб қўйган, дунё кенг, лекин киши кўнгли тортган ердагина яшайди, яшаб кўр, ёқса қоларсан, ёқмаса, кетарсан.

Сардор чол йигитга зимдан тикиларкан, ўзидан уни қай бир маънода устунлигини ҳис қилгандай бўлди. Йигитнинг борар жойи, агар тақдири қўшилиб, қизига уйланидан бўлса, тушириб кетарга тайинли маскани бор. У эса вақтида мана шу имкониятдан махрум эди. Абдураҳмон чавандоз дилидагини сезгандай, унга мана шу дўнгликни кўрсатган: "Келгиндиман деб сиқилма, — деган. — Аслида ҳаммамиз ҳам келгиндимиз. Фақат бунга тан олувчи йўқ. Агар жуда сиқилаётган бўлсанг, ҳув анову газгага жой сол. Ўз қўрғонингни барпо эт. Ўзинг хон, кўланканг майдон бўп яшайверасан..."

Сардор чол дўнгни макон тутганда, бу атрофда қишлоқ уйларидан асар ҳам йўқ эди. Кейин тушди улар. Негадир тоғ табиати кишиларни қасрмонанд уйлар қуриб ҳаволанишларига йўл қўймайди. Ўн йиллаб дуппа-дуруст турган уйлар, тупроқ силжиши туфайли, тўсатдан деворлари тарс-турс ёрилиб, яроқсиз ҳолга келиб қолаверади. Замин табиатининг беқарорлиги сабабли бу қишлоқ одамлари ҳар ўн-ўн беш йилда уйларини янгилаб туришга мажбур эди. Аммо чолнинг қулбаси қурилганидан буён қилт этмай турибди. Қишлоқ йиллар давомида силжий-силжий, дўнгни теваараклаб қолган бўлса-да, дўнг чолнинг номи билан юритилади.

"Сардорнинг газаси" гоҳида "Яккатом" деб ҳам аташади. Шунга қарамай, чол гоҳида ўзини бегона ҳис этади. Довон ортида қолган қишлоғини кўмсайди. Кўмсайди-ю, ўша мавҳум тунни эслаб, тагин кўнгли музлайди. Беихтиёр икки қишлоқ одамларини бир-бирига қиёслаб бошлайди. Бу қишлоқда эшикларга қулф осилмайди. У қишлоқда қулфсиз эшикни кўрмайсиз. Бу қишлоқ йигитлари бамисоли бургут, қизингга биров қош қоқса, кўшнинг енг ҳимариб чиқади. У қишлоқда эса, кўзингни шамғалат қилиб, тўшагинга киришга ҳаракат қилишади...

Бу қиёслар билан чол шунчаки ўзини овутади.

Ҳозир ҳам хотира сабаб, дилидагини тилига чиқармай туролмади.

— Шу ишингиз дурустмасми, юрасизми энди бўйинбоғ тақиб.

Отамурод унга ажабланиб қаради.

— Бўйинбоғ... эркакка ярашмайди-да, — деди чол.

— Уни таққан одам эркакка ўхшамай қолади...

— Эркаклик бўйинбоғ тақиш-тақмасликка қараб қолган бўлса, бўйинбоғсиз аблаҳлар қанча!

Бу ҳақ гап олдида чол жим қолди.

* * *


Уй бекасининг овқат сузаётганини кўриб, Отамуроднинг юраги симиллаб кетди. Таом ейилгач, турмоқдан ўзга иложи қолмайди.

Чамаси, жувондан энди умид қилмаса ҳам бўлади. Дараги йўқлиги — севгиси рад этилгани. Акс ҳолда тондан иссиз йўқолмасди. Аммо унда умидлантирувчи боқишлару ва "кейин..." деган сирли шивирни қандай тушунмоқ керак? Бу нарсалар жувоннинг йигитга нисбатан безътибор эмаслигига ишора-ку. Аммо Отамурод бунга қаноат этмай, эътиборни унинг ўз оғзидан эшитмоқчи эди. Сўнг эса севги қанотида парвоз этиб, изига қайтмоқчи эди. Назарида, шундан кейин ҳаёти бутунлай ўзгариб кетадигандек, мўъжазгина гўшаси бахту тароватга тўладигандек эди.

Зумраднинг бедараклиги барча умидларини пучга чиқармоқда эди.

Мана энди, ҳадемай йўл тадоригини кўришга мажбур. Хўш, олдинда нималар кутмоқда уни? Ҳафталаб супурги юзини кўрмайдиган ҳовлиси, ҳамкасбларининг ҳиссиз нигоҳлари-ю ҳолидан хабар олиш баҳонасида келиб, вино учун тўрт-беш сўм ундириб кетадиган Дониёр жўраси... Рангсиз ва руҳсиз кунлар. Қизиқ, шаҳар тўла одамлару, бирор дардкаш йўқ, кўча тўла аёллару, лекин кўнглига ўтирадигани йўқ. Ишонган ва умид қилган аёли яқинда кўнглини қилпарчин қилиб кетган. Йигит юзсизлик қаршисида лол қолиб, чўнтагида борини чиқариб берган. Бу аёлни суймоққа нечун бунча уринди, не қидирди ундан? Жавобсиз саволлар сероб эди. Қўлига тутқазилган пулдан қаноатланган аёл эса мамнун кетган. Мамнунлигини яшириб ҳам ўтирмаган. Балки ўтган сафар қуруқ қайтаргани учун ўзича бошлаб ўчини олгандир. Ҳар ҳолда топган баҳонаси куракда турмасди. Бўйида бўп қолганмиш, дўхтирга қаратиши лозим эмиш. Қанақасига? Ахир бормай қўйганига бир неча ой бўлди-ку. Бироқ бу ҳақда ҳижжалаб сўраб-суриштирмоққа йигитда забон йўқ. Ошқора таъмагирликдан эсанкираб қолганди. Алам ва изтиробдан қаншари ачишиб, тахтадай қотганди.

У ердан кўз узиб, сўрида оёқларини осилтириб ўтиришган ҳамкасбларини кўрган. Барининг юзида шум ифода, тиржайишар, яъники, олчоқлик қаршисида



ночор қолган инсон ҳолатини андишасизларча томоша қилишарди. Аёл эса аллақачон бозор тўла оломон ичига сингиб кетганди.

— Бопладими?! Аёлларнинг бариси шу...

Отамурод гап эгасига қарамади. Бу гапда ҳамдардликдан кўра, қандайдир қониқиш ҳисси кучли эди. Мамнунлик аломати устивор эди.

— Аввал Алишерни тоза соққанди, энди навбат сенга кепти-да.

Бу гап унинг учун тамомила янгилик эди. Аёлни аллақандай Алишерга илакишганидан бутунлай беҳабар эди. Билгани, аёлнинг ёлғизлиги, турмушидан ажрагани эди. Аёл унинг қайноқ оғушида эркаланар экан, эридан сўнг бирор кимсага қиё боқмаганини ҳамиша таъкидлар, севаман, дерди, борлиғимсиз, сизсиз дунё менга қоронғи, дерди. Бу гапларга йигитнинг жуда-жуда ишонгиси келарди. Бироқ инонмоғига доимо нимадир ҳалақит берарди.

— Куйинаверма кўп, бариси бир гўр буларнинг!

Бу гапга йигитнинг қўшилгиси келмади. Эркакка ҳам жон, ҳам тан бўла оладиган аёллар борлигини, ўзига аталгани эса дунёнинг қай бир буржида мавжудлигини ҳамиша ҳис этарди, умид қиларди. Агар бунинг тескариси бўлса, бу оламда яшамоқ не даркор? Аслида дунё шундай яралган— ким кимгадир доимо интилиб яшамоғи лозим. Бировга интилмайдиган одамнинг нигоҳи бефарқ, идроки мудроқ бўлади. Унақалар Худо берган умрни яшаб ўтмоқлари учунгина йўқ ердаги нарсаларга ўралашиб, ташвишларга алданиб яшайдилар. Кўнгиллари тор, мақсадлари бачкана, сабрли бўладилар. Ана сўрида бир талайи валақлашиб ўтирибди. Улар билан оддий бир нарса юзасидан ҳам баҳслашиб бўлмади. Барча нарсдан ёмонлик қидиришади. Аёл зотига нисбатан қарашлари шу қадар куфрлики, бу мавзуда, яхшиси, сўзлашмаган маъқул. Иймонингни қочириб, шайтонга ҳамроҳ қилиб қўйишади. Негадир оқдан қора, нурдан соя қидиришади. Ҳатто газетага тикилиб, китоб варақлашнингғияи калака қилишади. Ўз навбатида, бари ўзини фоят ақлли санайдилар. Йўқ-бор нарсга қаҳ-қаҳ уришади. Мижозлар қолиб, бир-бирларини алдашга тиришадилар. Оддий инсоний ҳислар бегона, ҳар қандай туйғу кулгуга сабаб бўлади. Нечун улар бунақа? Мижозга рўпарў келганида нега ўзи ҳам уларга ўхшаб кетади? Кўпроқ ундириш пайида бўлиб, тили ёлғонга кетганини ҳам сезмай қолади. Ёмон хислатлар нечун бу қадар ёпишқоқ? Яхши хусусиятлар эса кийимга кўнган гарддек қоқиб ташланаверади. Нега?

— Биттаси бор, жуда бой лекин. Гаплашиб берайми? Эридан қолган машинасиам бор. Яп-янги. Маза қип миниб юрасан.

Отамурод гап эгасига қарамайди. Эркаклик шаъни, ор-номуси ҳақидаги қарашларини эътироф этмоқдан наф йўқлигини ўйлайди. Қаватидаги кимса эса унга ачиниб қарайди.

— Аммо-лекин ёмон тушириб кетди-я сени. Булар шу, кўз сузиб, пулингни олади.

Йигит эса берган пулига эмас, аёлга ачинарди. Туйғулари унинг учун бир пулигидан эзиларди. Шунинг билан биргаликда, аёл кишининг сирли муҳаббатини кўмсарди. Бу туйғусиз тириклик фоят нурсизлигини ўйларди.

Охири у кўнгилдаги ёрини одам тўла шаҳардан эмас, тоғлар орасидаги мўъжаз бир қишлоқдан топди.

Топди-ю...

Чўмичнинг қозонга урилиши юрагини ўртаб, дилини вайрон этаётганини ҳис этиб, афти тиришди.

Чолнинг гаплари ортиқ қулоғига кирмай, теваракка маънос назар солди. Тонгги қуёш нуридан ақлни лол қолдирар даражада фусунқор тус олган табиат чиройини сезмайди. Аммо адоватни ҳис этади. Бу қишлоқдаги жамики нарса унинг дарвозадан чиқишини пойлаётгандек, ташқарига чиқиши билан мўрмалахдек ёпишадигандек эди. Ҳатто қаршисидаги чол ҳам меҳмон ҳурмати дея, зўр-базўр ўзини босиб тургандек эди.

Отамурод тақдирига тан берган бир алфозда косадаги овқатга қошиқ урди. Таом лаззатини туймади. Назарида, маза билиш сезгиси ўлгандек эди.

У беихтиёр кавшанаркан, ортиқ теваракка боқмас, умиди бутунлай сўнганди. Олдинда кутаётган севгисиз, маза-матрасасиз ҳаётнинг бор залворини вужудида ҳис қилгандек, елкалари чўккан, шалвираган бир аҳволда шўрва ҳўпларди.

* * *

Нонушта охирлагани сайин, чолнинг ташвиши ортмоқда эди. Қизининг дараксизлигини эмас, йигитнинг қишлоқдан омон-эсон чиқиб кетишини ўйламоқда эди.

Йигит кўнглига ўтиришган, айниқса, ёлғон гапириш пайтидаги ҳолати чолга жуда ёқиб тушганди. У, тўрт-беш қоп ёнғоқ керак эди, деркан, хижолатдан дув қизариб кетганди. Кейин ёлғон сўзлаганини яшириш учун тоғларга боққан, машинаси теварагини айланган киши бўлган. Чол эса уни хижолатдан чиқаришга аҳд қилгандек, айтган ёнғоғини бир пасда тўғрилаб берган. Бундан йигит заррача севинмаган, бошини қашлай-қашлай, бу кераксиз магоҳларни машина устига тезгина улоқтирган. Аммо пул санашга келганда, роса имиллаган. У пул санамаган, пул санаган киши бўлиб, бир оз қолишга баҳона қидирган. Шу ерда чол кўмакка келган: "Бир кеп қопсиз, меҳмон бўп кетинг энди". Йигитнинг кўзларидаги ўшандаги қувончни чол ҳануз унутолмайди: "Тавба, худди ёш болага ўхшайди-я", деган негидир унга меҳри ийиб.

Йигит кампирига ёққанини чол дарров илган. Одамни билишда кампирга тенг келадигани йўқ. Бу хусусият унга отаси — Абдурахмон чавандоздан ўтган. Ҳайбатли бу одам итдай зийрак, бўридай ёвқур эди. Одам боласининг нелигини ва нималарга қодирлигини бир қарашдаёқ биларди. Дилидагини образли йўсинда ифода этишни яхши кўрарди. Гап келганда, отасиниям аямайдиганлар хилидан эди. Буни қарангки, Сардорни шу масканда муқим яшаб қолишини ўшандаёқ сезган экан: "Чангалинг бўшроқ кўринади, жигар, — деган бирда. — Чунон истасангда, бургутлик сиёғи йўқ сенда. Аммо-лекин яхши йигитсан. Кўнглингда киринг йўқ. Шунингчун ортиқча чиранмай, ҳолингни билда, ризқингни териш пайида бўл".

Бу пайт Сардор пойгоҳда яроғини қайта тозалаб, мойлаётган эди. Юрагидан ҳануз алам аримаган, кўзига чўп суққанларнинг қонини тўқмоқ қасдида ўртанарди. Таажжубли жиҳати, ўшанда Абдурахмон чавандоз уни бу йўлдан қайтаришга уринмади, увол-савоб ҳақида сўзламади. У йўлга тушганда, айтар гапи шу бўлди: "Бугун кўзи сўяман, ҳаялламай қайт." Йигитнинг кўзларида алам учкунлади: "Мен энди эт емайман, қон ичаман, уларнинг қонини ичаман!" Абдурахмон чавандоз унинг нигоҳида алангаланган бу ифодани пайқаса-да, пинак бузмаган, тунга қолмай, қайт, деб қўя қолган, холос.

Сардор эса қайтиш ҳақида ўйламасди. Куну тун руҳини эговлаётган азобдан бирагўла қутулмоқчи эди. Тўшақда бир-бирига айқашиб ётган яланғоч таналарни

эслагани сайин, қони кўпирмоқда эди. Бу ишни биринчи куниеқ амалга оширмаганидан изтиробда эди.

Яроғини елкасига ташлаб, йўлга тушаркан, кета-кета ортига қайрилди. Ўзича туз-наъмак тотинган хонадон билан хайр-хўшлашмоқчи бўлди. Шундан тандир ёнида хаёлчан турган қизга кўзи тушди. Аланглаб Абдурахмон чавандозни қидирди. Уни топмади. Бундан йигитнинг алами келди. Чавандозни совуққонликда айблаган бўлди. Сўнг жаҳд билан олға юришда давом этди. Шу заптда довон бошига етди. Довон тепасида бир зум тин олмоқни истади. Харсанглардан бирига елкасини тираб, оёқларини узатиб ўтираркан, дунёнинг бу қадар кенглигини энди кўраётгандек, бир-бирига мингашган тоғларга, кулранг ҳошия тортган уфққа ҳайратли тикилиб қолди. Ўзини зарранинг зарраси эканлигини даъфатан ҳис этди. Чексизлик олдида юрагини ёндираётган интиқом ўти сусайгандек бўлди. Кўз ўнгидаги барча нарсаларда яшашга интилиш мавжудлигини теран идрок этди.

Аваллари у борлиққа бу даражада синчков эътибор бермасди. Энди эса, худди хайрлашаётгандек, барча нарсаларга жиддий разм солмоқда эди. Аслида ҳам шундай, агар у кўнглига туккан режасини амалга оширадиган бўлса, бу тоғу тошларни қайта кўрмаслиги тайин. Шунинг учун ҳам у бўрон буккан арчаларга, елга бўй бермай қуёшга талпинаётган тоғ чечакларига, майсаларга айрича диққат билан бир-бир назар соларкан, улардаги яшаш иштиёқини ҳис этди.

Бу ҳол илгари унда бўлмаган. Бурун у борлиқни яхлит кўрарди. Яхлитлик бағрига разм солмоққа на уқуви, на ҳафсаласи бор эди.

Айни пайтда қалбида англрсиз нимадир уйғонгандек эди.

Ҳадемай яна йўлга тушади. Кўзга ташланиб турган навбатдаги довондан ошиб, пастдаги тоғ тизмаларидан бирида жойлашган қишлоққа кириб боради. Қайнотасининг уйига тикка кириб, хиёнаткор аёл кўксига милтиқ тирайди. Кейин йигитни... Аммо улкан шаҳарнинг қай бурчидан топади уни? У қаерда-ю, шаҳар қаерда. Йўқ, топмай қўймайди.. Йигит кишининг номусини оёқ ости қилиш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяди унга!

Шунда қутилмаганда саркаш бир ички овоз аста тебраниди: "Ўлдирсанг, мардни ўлдир, умринг сабил кетмайди. Номард нима, ерда ётган бир тезак—уни тепиб ўтдинг нима-ю, босиб ўтдинг нима. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди." Бу Сардорнинг идроки эмасди. Қачонлардир кимдандир эшитган пурмаъно ўғитнинг қалбдаги аксадоси эди.

У бу овозга қулоқ солмоқни истамади. Ўзини чалғитиш ниятида бот теваракка разм солди. Аксига олгандай, барча нарсдан ҳаётнинг қудратли нафаси уфуриб турарди. Бу қудрат олдида юрагини куйдираётган интиқом қандайдир бачкана туюларди. У йўлбарс овига чиқиб, суғир инини пойлаётган овчидек ҳис эта бошлади ўзини. Саркаш ички овоз эса сира тинай демасди: "Иш арзисаям, улар арзимайди! Азалдан қийишқ ўсган дарахтни кесдинг нима-ю, кесмадинг нима! Дунё деганлари шу — вафо ва хиёнат, ёвузлик ва эзулик ўртасида сарсон яшайсан! Яшаш давомида чиниқиб, тобланиб борасан! Сен бу борода, яхшиси, тоғлардан улгу ол. Уларнинг бу чўнг бошлари не синоатларни кўрмаган. Лекин ҳамиша адл! Инсон қавмидансан-да, гоҳ тушкунликка берилиб, кўксингга милтиқ тирайсан, гоҳ интиқом ўтида қоврилсан. Тирикликнинг эса, икир-чикирларинг билан иши йўқ, ўз маромида давом этаверади..."

Ўша кунни довонда узоқ қолиб кетди. Ўтган воқеаларни ўйлашмасликка тиришди. Заминнинг таскин берувчи қудратли кучини янада теран ҳис этмоқчидай қорли чўққиларга, арчазорларга тикилиб ўтирди. Сўнг изига қайтди.

Қишлоққа шомга яқин кириб келди.

Уйда кўзи сўйилган экан, Абдурахмон чавандоз уни одатдагидек хушҳол қаршилади. Худди қайтишини билгандек, ортиқча сўраб-суриштирмади.

Энди билса, Абдурахмон чавандоз унинг қотилликка қодир эмаслигини сезган экан. Қон тўкиш гуноҳ, деган кейинги гурунгларида бирида, зўр бўлсанг, сабрни ошно тут, ақидасига амал қилди. Шунга қарамай, интиқом ўти анчагача юрагини куйдириб турган. Кейин меҳнатга берилиб, барини унутган. Ана кетарман-мана кетарман дея, аввалига сой бўйини обод қилди. Сўнг қаршидаги қоя пойидаги ерларни ўзлаштирди. Қоянинг қуёш чиқиш тарафидаги бет ҳам назаридан четда қолмади. Меҳнат билан бўлиб, умрини ўтказиб қўйганини ҳам сезмай қолибди. Кейин ўйлаб кўрса, ўшанда борадиган жойининг ўзи йўқ экан. Қишлоғига қайтмасликка қасам ичган. Айрим ҳамқишлоқларига ўхшаб чўлга кетишдан бирор маъни топмаган. Боз устига, бу қишлоқдан ҳеч ким сени ҳайдаётгани йўқ. Ҳурмат-иззатинг жойида. "Келгинди" масаласига келсак, бу дунёда ҳамма келгинди. Келадикетади. Дунёга устун бўлган одамни ҳали ҳеч ким кўрмаган.


Бу фикр асли Абдурахмон чавандозники. Раҳматли дунёга кенг кўз, теран ақл билан қарарди. Гаплари салмоқли, гурунглари мазали эди. Дердики, аждодларимиз бу томонларга қувғин туфайли келиб қолган. Сўнг болишни бағрига тортиб, берилиб сўзламоққа тушарди. Унинг ҳикоясида киши кўз ўнгида қуйидаги манзара жонланарди.

Кенг яйлов. Юзлаб ўтовлар тикилган дашт йилқилари уюрига тўлган. Оқшомлари қозонларда эт қайнаган. Йигитлар қатори қизлар ҳам чавандозлик сирларини билишган. Камон отиб, кураш тушишган. Шундай сурурли кунларнинг бирида кунботишдан ёв босиб келган. Сон-саноқсиз. Тенгсиз жангда енгилган даштликлар чекина-чекина мана шу тоғлар бағрига етиб келган. Тоғ девордек тик, ўтмоқ машаққат бўлган. Шундай юрт кексалари Худога нола қилган. Довон бағри очилиб, улар мана шу водийга тушиб қолишган. Душман уларнинг манзилидан огоҳ бўлгунча бу ерда бир неча авлод яшаб ўтган. Охири улар яна ёв талонига учрайди. Бутун бошли қишлоқдан бир қиз ва ўғил бола омон қолади. Кейинги авлод мана шу иккисидан тарқаган. Ва у ҳикоясини ҳамиша мана шу тарзда яқунларди: "Шунинг учун иттифоқ бўлинг! Баринг бир ота-онанинг зурриётларисиз! Иттифоқ бўлинг!"

Бу ривоят Сардорга жуда ёқарди. Демак, бу қишлоқда ҳамма келгинди. Келгиндиман деб, сиқилмасамам бўларкан. Бундан кўнгли андак оройиш топади. Барча нарса ўзига дахлдордек туюлади...

Чол бу ҳақда сўзламоқ ниятида қошида ўтирган йигитга тикилади. Тикиларкан, унинг бу қишлоқда қолмаслигини сезади. Қизи минг хурлиқ бўлмасин, ҳеч бир куч йигитни бу қишлоқда олиб қололмайди. Газа тугул, бутун бошли тоғни ҳади қилсангда, қолмайди бу. Негаки, унинг ўз манзили, ўз маскани бор. Йўқ, қолмайди бу!

Сардор чол бирдан хушёр тортади: нимани истаепман ўзи мен?! Қариганда, жинни бўп қолдимми, нима бало!



У косага қошиқ ураркан, йигитни ёқтириб қолганини қайта ҳис этди. Умр бўйи мана шундай ўғилни орзу қилиб келганини ўйлади.

Худо қиздан қарашди-ю, лекин ўғилдан сиқди. Икки қизи шу қишлоқнинг бўлаги ҳисобланмиш паст қишлоққа тушган. Кенжасининг эса бахти чопмади. Суқсурдай куёви кўчки тагида қолди. Кенжа қизи ўр чиқди. Шундан кейин бировга кўнгил қўймади. Отанинг назарида, бу йигитга қизининг кўнгли товлангандай эди. Ё адашдимикан? Ё йигит бирор бежо ҳаракат қилдими ёхуд ноҳўя сўз айтдимикан? Ундай деса, қизининг қовоқ читганини сезмади. Қайтамга қисинган, қимтинган, лекин ичдан яшнаб турган. Ё тасавури алладимикан?

Чол кўз остидан йигитга айбдорона тикилди. Йигит шўрликнинг руҳи чўккан, нима еб, нима ичаётганини сезмайдиган бир аҳволда кавшанарди.

* * *

Косадаги сўнги луқмани еб бўлган Отамурод боши эгилган кўйи, лаб-лунжини суртди. Чуқур хўрсиниб, аста қаддини ростлади. Теваракка ғамгин назар солди.

— Бизга энди рухсат берсангиз, — деди ғамгин оҳангда. — Турай энди.

— Чойдан ичинг, борасиз-да шу уйингизга. — Чол қувноқ сўзлашга уринди. — Қоринди ниқлаб олсангиз, йўл юрмоқ осон кечади.

Йигит кулимсирашга тиришади. Қишлоқ томонга боқади. Тонгданоқ руҳини исканжага олган адоватни теранроқ ҳис этмоқчидай, ҳар бир хонадонга бир-бир кўз ташлаб чиқади. Аммо жувоннинг дардида ёнаётган юраги адоватни ортиқ даражада сезмайди. Агар шу тобда, кўчага чиқа кўрма, калтак остида қоласан, дейишган тақдирдаям бирор туки қилт этмасди. Дунёда ҳажр ва умидсизликдан оғир дард йўқлигини илк бор англаб етган йигитнинг юраги чилпарчин бўлган. Назарида, чол, суймаганга суйкалма, деган маънода кулимсираётгандек туюлди. Ҳадикланиб чолга боқди. Йўқ, у ҳам ўз ўйи билан банд эди.

Отамурод эзилиб ўтириш жонига теккандай, саркашона бир ҳаракат билан ўрнидан кўзгалди. Қозон бошида серрайиб турган кампирга миннатдорчилик билдирган бўлиб, кераксиз юк ортилган машинаси томон юраркан, негадир, яна келаман, деди. Чол одоб юзасидан, эшигимиз ҳамisha очиқ, деркан, ичидан зил кетди: "Эсон-омон чиқиб кета олармикансан ҳали".

Иккиси машина томон олдинма-кейин юрган ерларида, бирдан тақа-тақ тўхташди.

Сой томондаги тор сўқмоқдан хурмача кўтарган жувон бамисоли куёшдай порлаб чиқиб келарди. Ҳар ҳолда йигитга шундай туюлди. Ва у бир лаҳза уят ва андишани унутди. Жувонга бақадай тикилиб қолди. Аммо бунини уй эгалари сезмади. Уларнинг эътибори ҳам Зумрадда эди. Бундан жувон баттар қисинди, баттар қизарди. Кўзига тик тушган куёш нуридан шапақлангандай, беихтиёр қоқилди. Ўзини базўр ўнглаб, хижолатомуз жилмайди.

— Меҳмон кетаяпти, қизим, — деди ота.

— Бунча йўқ бўп кетмасанг, — деди она.

— Мен ҳозир.

Қиз шундай дея ҳовли этагидаги кулба томон интилди. Ҳаракатларида қандайдир ошиғич, ҳаяжон бор эди. Бунини сезган чол-кампир бир-бирларига маъноли қарашди. Сўнг йигитга ўгирилишди. Уларнинг қарашларини йигит жуда кеч пайқайди. Лавлагидай

қизариб, ерга боқаркан, кабина эшиги тутқичини тополмай, пича тимирскиланди.

Жувон кулба эшигида пайдо бўлганида, чол янада сергакланди. Қизининг кўлидаги тугунга қаради. Зумрад хурмачани Абдурахмон чавандоз авлоди учун маълум бир тимсолга эга бўлган ўша таниш белбоққа туғиб чиққанди.

— Қаймоқ, — деди у кўлидаги тугунни онасига узатаркан оҳиста. — Ўзимизда йўқ экан, бўламникидан олиб келаяпман.

Жувон аста ортга чекинарган, йигитга бир қараб кўйди. Шу бир қарашнинг ўзиданоқ Отамурод кўп нарсани англади. Ҳаяжондан ҳаприқиб, тили калимага келмай қолди.

— Кутлуг уйдан қуруқ кетманг, болам!

Кампир кўлидаги тугунни йигитга узатаркан, чолига маъноли қараб кўйди. Чолнинг зийрак нигоҳи белбоғнинг маъносини йигит англамаганини дарров пайқайди. Жувоннинг ташрифи ва қараш билангина чекланган Отамурод кўлидагини шунчаки тугун деб ўйлади. Уни ўтиргичга кўйди.

— Қаймоқ тўкилса, белбоғ расво бўлади, улим. — Чол шундай дея ортига ўгирилди. Аёли ва қизига қаради. Улар йигит билан тезгина хайрлашиб нарироқ кетдилар. Ота уларни нигоҳи билан кузатиб қоларкан, тагин йигитга юзланди.

— Белбоғни белга, э, елкага ташлаб олинг, — деди. — Хурмачани оёқ остига жойлаштиринг. Оғзи маҳкамми? Ҳа, маҳкам экан. Тўкилмайди. Белбоғни елкага ташланг.

Йигит хурмачани челақ ичига жойлаштириб, белбоғни елкасига ташларкан, чолга хушнуд жилмайди.

— Яна озроқ ёнғоқ ғамлаб кўйсангиз, — деди дув қизариб. — Икки-уч кун ўтказиб келамиз.

— Келамиз? — Чол бу сўровда сўзга алоҳида урғу берди.

Йигит ҳаяжон билан таъкидлади.

— Ҳа, келамиз!

— Кутамиз, лекин белбоғни елкадан ташлай кўрманг!

Афсус, йўлда йигит бу гапни паққос унутди. Ҳаяжондан терчиган манглайини белбоғда суртаркан, одати бўйича уни ёнига, ўриндиққа ташлади. У шу қадар бахтиёр эдики, қўшиқ айтиб юборишдан зўр-базўр ўзини тийиб турарди.

Қишлоқдан чиқиши билан кўшиқни бошлаб юборди. Ҳаётида бирон марта кўшиқ айтмаган, шунингдек, бирорта ашулани тузук-қуруқ билмасди. Бунини қарангки, сўз дегани ўз-ўзидан қўйилиб келаверса денг.

Аммо унинг шодлиги қишлоқдан унча узоқлашмай адоғлади. Муюлишда йўл чоғроқ харсанглар билан тўсиб кўйилганди.

* * *

Бу пайтда чол ҳансираганча дўнгга тирмашаётган эди. Дўнгдан муюлишгача бир қадам. Довонга тирмашадиган яккаю ягона йўл эса қишлоқ ёқалаб бориб, Бештошдан сўнг муюлишга буриларди.

Муюлишга бориш чолнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Аммо машина ҳовлидан чиқиши билан қизи онасига, она эса чолга ялт этиб қаради.

— Муюлишгача кузатиб қўймадингизда, отаси.

Чол, белбоғ бор-ку, демоқчи бўлди-ю, сўнг бирдан хавотирга тушиб, оёғини кўлига олди. Дўнглик жуда тик эди. Аммо тоғ аҳли учун бу тиклик нима бўпти. У мисоли қоплондай буга ва харсанглар оралаб, жадал юқорилаб борарди.

* * *

Машина йўлга кўндаланг ташланган харсангларга тумшуқ тираб тўхтаркан, наридаги арча тагида ёнбошлаб ётган беш-олтти йигитлар орасидан икки нафари ўрнидан кўзгалди. Улардан бири кеча шомга яқин машинани тузатишга кўмаклашган қоратўри йигит эди.

— Кўп қопкетдингиз, меҳмон? — деди у машинага яқинлашиб, кабина эшигини очаркан, совуқ илжайди.

Отамурод саволга жавоб беришдан аввал тевааракка зимдан разм солди. Ўнг бет тик қоя, чап тубсиз жарлик. Тушган одам тариқдай сочилиб кетиши тайин.

Йигитлар кулимсираб туришган эса-да, авзойилари бузуқ, гўё қахрларини табассумлари остига яширишга тиришгандай, ғалати илжайишарди.

— Тушинг, меҳмон, бир майдон гаплашиб олайлик энди! — деди иккинчиси.

Ишқдан маст Отамурод хушёр тортаркан, тонгдан юраги сезган адоват ва унинг натижаси эрмиш хавф мана шу эканини англади. Лекин негадир кўрқувни ҳис қилмади. Агар жувондан воз кеч, десалар, яхисиси, анови жардан улоқтира қолинглар дейман, деб ўйлади. Бироқ оғзидан бутунлай бошқа гап чиқиб кетди.

— Мени ҳатто йўл назоратчиси тўхтатганда ҳам машинадан тушмаганман, — деди кўрсроқ оҳангда.

— Лекин биз йўл назоратчиси эмасмиз, — деди биринчи йигит ўша сокин оҳангда. — Туша қолинг энди!

— Унда қароқчи экансизлар-да, — Отамурод шундай деркан, зиғирча чўчимаётганидан бот ажабланди. — Лекин менда тўрт қоп ёнғоқдан бўлак нарса йўқ.

— Ёнғоқ ўзимизда ҳам сероб, ҳатто керагидан ортиқча, — деди биринчи йигит ўша-ўша мулоимлик билан. — Озгина ножўя ҳаракатларингизни сезгандай бўлди. Тўхтатганимиз шундан. Гапни чўзмай, туша қолинг!

Отамурод йигитнинг исталган пайтда ғазабкор тус олиши мумкин бўлган афтига бир муддат тикилиб тураркан, чўчимаётганидан баттар ҳайратга ошди. Кабинадан туша-туша деди:

— Сизга ножўя кўринган ўша ҳаракат самимий бўлса-чи?

Бироқ бу саволи жавобсиз қолди. Қоратўри йигитнинг кўзлари ўриндиқдаги белбоққа қадалганди. У бир белбоққа, бир Отамуродга тикиларкан, ишонқирамай сўради:

— Белбоғ сизникими?

— Ҳа, ҳозиргина совға қилишди.

— Ким?

— Бун билишингиз шарт эмас! — Отамурод оёқ тагига ташлаб қўйилган темир бўлагига ўгринча қараб кўяркан, йигитнинг қарашлари юмшаганини пайқаб ажабланди.

— Бундан чиқди тагин келаркансиз-да? — Йигитнинг овози бу сафар илиқлик касб этди.

— Худо хоҳласа, уйдагилар билан келаман! — деди

Отамурод йигитнинг нигоҳида жилоланган дўстона ифодадан руҳланиб. — Ҳаялламай келаман! Ишқилиб, кўясизларми? Ё...

— Э, бемалол! — Йигит энди хижолатомуз жилмаяркан, йўлдаги харсангларга ишора қилиб деди: — Юқоридан тош ўпирилиб тушган экан, йўлни энди тозалаймиз деб тургандик.

— Кўчки денг? — Отамурод жилмайди.

— Йўқ, кўчки ўтиб бўлди, бу шунчаки тош.

— Унда мен кета қолай.

— Олдин йўлни тозалайлик.

— Қарашайми?

— Йўға-ай, сиз меҳмонсиз ахир.

— Жар тубсиз экан лекин, — Отамурод қуйига ишора қилиб кулди.

— Ҳа, тубсиз.

— Тунда юриш хавfli экан.

— Ёмон одамга кундузи ҳам хавfli.

— Ёмонлар сирасига кирмасам керак мен?

— Нималар деяпсиз, хафа қилаяпсиз бизни.

— Хай, бизга жавобми унда?

— Шундайгина йўлни тозалаб олайлик.

Отамурод йўлдаги харсангларни четга суришга уннаётган йигитлар ҳаракатини бир зум кузатиб тураркан, сўнг ўтиргичда ётган белбоғни қўлига олди. Уни димоғига олиб бориб ҳидлади. Белбоғдан кўҳналик ҳиди, шунингдек, заиф атир иси анқирди.

— Уни белга маҳкам белбоғ олинг, меҳмон, — деди қоратўри йигит, кафтларини бир-бирига ишқаларкан, жилмайиб.

— Ҳа, маҳкам боғланг, — деди иккинчиси.

— Аввалроқ шундай қилиш керак эди, — деди яна биринчиси.

Отамурод белбоғни белига боғларкан, масрур жилмайди. Бунга жавобан йигитлар ҳам кулишди. Сўнг қўл силкиб, хайрлашиб қолишди.

* * *


Худди шу аснода Сардор чол дўнгга кўтарилиб улгурганди.

У йигитларнинг йўлни тозалашларию, жилган машина кетидан қўл силкиб қолишларини жимгина кузатаркан, енгил, жуда енгил нафас олди. Кейин улар кўриб қолмасин дея, буталар орасига яширинди.

Йигитлар узун-қисқа бўлиб, қишлоқ томон юришаркан, улар қаторида Абдурахмон чавандознинг невараси ҳам бор эди. Отамуродга рўпарў бўлган биринчи йигит эди у.

Чол буталар панасига хотиржам жойлашиб ўтираркан, ўзининг бу қишлоқда муқим яшаб қолишига сабаб бўлган омиллардан бирини топгандай бўлди. Аммо буни сўзда ифода этиш қийин, фақат ҳис қила билишигина мумкин эди, холос.





ҲУМОЮН

(Ҳумоюн АКБАРОВ)



Сенда вулқон суқунати бор

МАШРАБ

Далам кезсам, қирим кезсам,
Кўнгилларнинг сирин кезсам,
Аларнинг меҳрини сезсам,
Бир қаландар яралмасму.

Таралсам мисли минг тўйгу,
Ватан деб бўзлаган қайгу,
Гоҳи армон, гоҳи орзу,
Муқаддас дард яралмасму.

Қуёш юз, тўннинг моҳида,
Алар оташ нигоҳида,
Асрлар интиҳосида,
Мен каби мард яралмасму!

Нафс тиймоқ, ўзни билмоқ,
Футувават дастини тутмоқ,
Бу беш кундан жўмард ўтмоқ,
Ҳар кимсага насиб бўлмас!

Шоҳу дарвиш тенг эмасдур,
Қай бир устун-басма-басдур,
Дилга шоҳлик зўр ҳавасдур,
Ҳар кимсага насиб бўлмас.

Сендан хабар топдик, шуқур,
Соҳибдиллим, шулдир хузур,
Бизга олий неъмат шудир,
Ҳар кимсага насиб бўлмас.

АНДИША

Қалб безовта номсиз дарддан,
Бедор ўйлар ёритар тўнни,
Ёлғиз онлар асрдай баъзан,
Англолмайман оддий тугунни.

Нега хафа, нега баъзан хор,
Азобларга қолдинг, Андиша,
Нечун сенинг қошигда такрор,
Қилмишларин этишар пеша?

Нега ахир, бепарқ зотлар
Борлигини илмаслар кўзга?

Юрагингдан кечган бу дардлар
Айланолмас муносиб сўзга?

Сўзласанг-да, сўзинг мулоим,
Кўзласанг-да, кўзинг мулоим,
Ишончларинг қатъий ва қоим,
Тушунмаслар сени ҳар доим.

Андиша, сен ҳайқариқ-сассиз,
Сенда вулқон суқунати бор,
Бефаҳмлар ўтаркан изсиз,
Изларингга тан бериши бор!

ДАРВИШ

Кимлар учрамайди бу қадим йўлда,
Ҳаётнинг тоғшо боғида, чўлда.

Йўлчиман, чўчимас ёки тоғчимас,
Кўлмак сувдай қолган вақтичоғчимас.

Фасллар йўлларим бўйига пардоз,
Ундан гоҳи мунгли, гоҳи қувноқ соз.

Бир кун ўтиб қолсам сенинг кўчангдан,
Тоғингдан, чўлингдан ё кун-кечангдан.

Дунё дардларидан қуйласам бирпас,
Сен менинг ортимдан тоши отмасанг, бас.

Воҳ, менинг қалбимда дунё айланар,
Бу юрак фалакка бориб бойланар.

Чўлингда тоғларни ундирсам, не тонг,
Чўлингда боғларни қулдирсам, не тонг.

Сен фақат кўнглимга озор бермагил,
Бу кўнгли асли сен тузиган кемадир.

ЧОЙХОНА

Чойхоначи дилкаш мезбоним,
Бир пиёла ачиқ чой маъқул.
Олов давра алангасида
Исиқмоқни истабдур кўнгли.

Бир пиёла чой-ку баҳона,
Дил ошуфта танбур қуйига.

Бошланаркан аста, пинҳона
Авжега чиқиб кетар аския.

Ташишлардан фориг бу макон,
Юракларнинг ширин суҳбати.
Кўлги ила ёдлайди, инон,
Сўйлаб қолса чоллар ҳасратин.

Саҳаргача ўчмайди олов,
Неча гаплар сўйланар такрор,
Кетгинг келмас бу ердан дарров,
Ташқарида гутиллайди қор...

ДИЛХИРОЖ

Дил сафар истайди мисли қаландар,
Кўлоҳни бостириб, таёқни ўйниб,
Умр саҳфасини безаб манзиллар,
Юртма-юрт, кўнглидан кўнглига кўниб,
Дил сафар истайди мисли қаландар.

Кўлоҳни бостириб, таёқни ўйниб,
Дардли юракларга эш, йўлдош бўлиб,
Кўнглида кўшиқлар жўши урса тўлиб,
Йўлу-йўлдошларга бир байтдан тўтиб-
Кўлоҳни бостириб, таёқни ўйниб.

Умр саҳфасини безар манзиллар,
Файз баҳи айласанг не давраларга.
Қадим йўлчиларни кўмсаган йўллар,
Меҳринг берсанг водий ва дараларга —
Умр саҳфасин безар манзиллар.

Юртма-юрт, кўнглидан кўнглига кўниб,
Орзу умидларни улашиб кун-тўн.
Уйғотсанг қолганда юраклар тўниб,
Достонлар сўйласанг, кечалар узун —
Юртма-юрт, кўнглидан кўнглига кўниб.

Дил сафар истайди мисли қаландар,
Тоза булоқларнинг сувидан ичиб.
Покиза ниятлар сочиб ҳар саҳар,
Бу ёлгон дунёнинг баҳридан кечиб —
Дил сафар истайди мисли қаландар.





Сўз ҳарорати

Салим АШУР

Аниқлик, соддалик, дундалик, донишмандлик қадимдан халқ оғзаки ижодининг, Шарқ шеърятининг гултожи, фазилати ҳисобланган. Мумтоз адабиётимизнинг ярми

Халқ оғзаки ижоди намуналари, «Алпомиш» каби достонлар, моҳир бахшиларнинг дилни қитиқловчи термалари, алла-ю қўшиқлар содда, тинглаганда фикрни ҳам, қалбни ҳам зўриқтирмайди. Шу каби хислатлар қайирмаларга ҳам хос. Бунинг асосий белгиси — уларнинг бир ўқиганда эсда қолишидир. Бугина эмас, Юсуф Хос Ҳожибни, Аҳмад Югнакийни эслайсиз қайирмаларни ўқиганда. Отанинг фарзандга, фарзанднинг отага мурожаатлари, табиат фаслларининг бадий образга айланишини қайирмаларда ҳам кузатасиз. Қайирмаларда ҳам гулу гиёҳ, қизғалдоғу тикан... шунқор, лочин ёки бургут, дарахт ёки тош... бу каби табиат ашёлари, унсурлари бадий қахрамонга айланади. Асарда одам каби яшайди. Бу шоирнинг табиатни кузатувлари ниҳоятда тираклигидан далолатдир.

ҳикмат, ярми ишқдан иборат, раvon сатрлар бир қур кўз ташлаганда умрбод хотирада қолади.

Адабиётнинг боқий ва собит анъаналарини янгилаб ривожлантириш осонми? Қўплаб ижодкорларнинг мумтоз адабиёт деб номланган улкан ва юксак қоя соясида қолиб кетганлари бесабаб эмас...

Халқ севган шоир Азим Суёунинг «Эй дўст» китоби жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Китобдаги шеърлар янгича шакл, янгича услубда эканлиги билан ҳам дарҳол эътиборни тортди.

Кимдир ғазали, кимдир рубоийни, кимдир қитъани, яна кимдир бадиъа ёки мансурани энг биринчи бўлиб бошлаган. Кейинчалик уларнинг барчаси алоҳида адабий жанр сифатида шаклланган.

Азим Суён бугунги кун адабиётида қайирмани бошлаб берган шоирдир. Сал бўлмаса унутилган қайирма деган чиройли сўз-тушунча яна лисоний истеъмолга қайтди. Шутинга эмас, шоир адабий жамоатчиликка қайирмани янги, алоҳида жанр сифатида тақдим этади. Бу шунчаки шаклбозлик эмас, балки мантқиқ ва услуб талабидан келиб чиққан усулдорки, унда сунъийлик, зўрма-зўракилик йўқ!

Қайирмаларнинг барчаси «Эй дўст!..» деб бошланади. Бу уларни композицион жиҳатдан умумлаштириб туради. Шу нуқтаи назардан қараганда қайирмалар бири-бирдан алоҳида ва айни пайтда бири-бири билан силсиладек боғлиқ ҳам.

«Эй дўст..» — бу — Чин Дўст, «Эй дўст..» — бу — Чархи Дун, Дунё, Фалак, бу — Яратган Тангри, «Эй дўст..» — бу — Ишқ, «Эй дўст..» — бу — Изтироб, бу — Ҳижрон... Бу — Тарих, бу — Бугун, бу — Келажак...

Халқ оғзаки ижодининг илк сарчашмалари — энг қадимги битикларда ҳам дунё ва тириклик унсурларига шундай мурожаатни, ҳудуд замондош инсонга, яъни Дўстга қилингандек муомала қилинаётганини кузатиш мумкин. Қайирмалар ҳам қисқа, аниқ, шу сабаб қадимда тошларга нақш этилган битикларни эслатади.

Бир қарашда китобда ватанпарварлик мавзудаги қайирмалар йўқдек туюлади. Чунки бу ҳақда очик-ойдин гапирилмайди. Аммо синчиқлаб кузатсангиз, маълум бўладики, юрдаги ҳар бир чўчу хас, тошу тупроқ, тоғлару боғлар, қушлару жониворлар қуйланар, тасвирланар экан, буларнинг барчаси замирида шу Ватанга, унинг ҳар заррасига бўлган катта муҳаббат пинҳон эканлигини англайсиз.

Яссавий ҳикматлари қанчалик ҳаётгий бўлса, қайирмалар ҳам шунчалик орифона, мағзи тўқ. Шарқ этикаси, маданияти тараққиётида панд-насихат, дидактиканинг аҳамияти катта. Шу маънода «Эй дўст..»да учрайдиган дидактика ҳам китобхонга оғир ботмайди, осон ҳазм бўлади.

Сўзнинг маъно қатламлари, ҳарорати, тадрижий манзаралари мунгазам ўзгариб туради, янгиланади, чексиз равишда такомиллашиб боради. Румий, Бедил, Хайём маснавийлари, рубоийлари, ғазаллари асрлар оша яшаб келатганлигининг сири, Румиёна, Бедилона, Хайёмона фалсафа касб этганлигининг асрори уларда миллий ва умуминсоний руҳнинг қуюқлиги, халқ фалсафаси, миллий ва шарқона фалсафанинг қучқиллиги билан изоҳланади. Ақл ва туйғу, услуб ва шаклнинг уйғунлиги улғу алломалар фалсафасининг осон қабул қилинишини таъминлаган. «Эй дўст..»нинг ўзига хослигини инobatта олиб, қайирмаларни ҳам Азимона фалсафа маҳсули дейишимиз мумкин. Виз илғаб-илғаманган, халқ дилида, тилида юрган фалсафанинг бойитилиб, қайирмалар шаклида тақдим этилиши шоирнинг тирак тафаккуридан далолат беради.

«Эй дўст..» адабиётимизда халқ фалсафаси ва адабий тафаккурининг замонавий синтези сифатида ўзига хос ўрин тутишига шубҳа йўқ.



Светлана ВАСИЛЕНКО

ЖАРАНГДОР ИСМ

Қисса

(Охири. Боши ўтган сонда)

Бутун тун давомида қора-қизил, овозсиз, бетаъсир, эсда қолмайдиган қисқа-қисқа тушлар кўриб чиқди. Фақат тонга яқин осойиш топиб, ширин уйқуга кетишти. Тушида ўзининг почтасини кўрди. Қандайдир мажлис бўлаётганмиш, ҳамма йиғилган, кимнидир қутишяпти. Мажлисни олиб борувчи эса йўқ. Бу одам жуда зерикарли, ҳаммани эзиб юборишини бари билади. Ҳамма зериккан, Натка ҳам. Ва ногоҳ Сашка кириб келипти. Куёшда қорайган, чиройли, ораста, сочлари калта қирқилган (Натка сочлари калта қирқилган эркакларни яхши кўрар эди), ёрқин тусдаги костюм кийган, ўзига ишонч мужассам юзларида. Бамайлихотир кулимсиб кириб келганмиш. Ва эрталабки почталарни тарқатиш ва фойдаланилмаётган имкониятлар ҳақида гапира кетганмиш. Ва Наткага бир қараб қўйганмиш. Шунда Натка аста-секин тушуниб етганмишки, Саша уни севади, у Сашани севади. У Наткага бошқа қарамасликка уринди. Ногоҳ уларнинг нигоҳлари (ҳатто юраклари ҳам! Ҳар қалай Наткага шундай туюларди.) яна тўқнашиб кетганда уларнинг юраклари муҳаббатдан тўлиқиб кетди. Нақадар ғаройиб аниқлик: севишимни у билади! У мени севишини мен биламан! Ҳар иккимиз “ўзимиз” ҳақимизда биламиз. Ана шу аниқлик боис унинг онги тинчланиб, уйқуга кетишти. Мажлисда. Мажлис давом этаётган маҳал! Сашканинг қафти елкасига тегиб уйғониб кетишти. Қараса, қоронғу тушиб қолган. Почтахона қоп-қоронғу. Иккови тик туришарди. Ажралишлари мумкин эмасди. Бир-бирига қўллари тегмаслиги мумкин эмас, вужудлари қовушмаслиги мумкин эмас. Ораларида роҳатбахш илиқлик. Қизлар, почтачи қизлар шекилли, секин қулишяпти. Илиқликка халақит беришарди. Илиқлик қаёққадир суринди. Чироқни ёқмоқчи бўлишади. Кераги йўқ. Ниҳоят ҳамма кетади. Иккови қолади. Фақат иккови!

Саша тирик (нима учун тирик?) ва қайтиб келгани туфайли ораларида илиқлик ва хурсандчилик. Қаёққадир сим қоқиш керак. Қандайдир бир одамнинг олдида Саша икковлон боришлари керак. Гўё Натка оилали, аммо ўз оиласини эслай олмайди. Ҳозир фақат иккови! Улар ўша одамга телефон қилишнинг ҳам урдасидан чиқмадилар. Кимнингдир хонадонини кўрдилар, хонадонда Юлканинг маст-аласт, қизарган юзи кўзга чалинди. Юля телефон дастагига қичқирар, аммо овози мутлақо эшитилмасди. Бақиравериб, юзи кўкариб кетди, аммо бари бир овози эшитилмади... Илиқлик... Энди, бундан бу ёнга нима қилиш керак, билишмасди. Илиқлик... Натка ана шу илиқлик туфайли уйғониб кетди. У жимгина, кўзларини юмиб, жойидан қимирламай ётаркан, ичида ўрмалаган илиқликка қулоқ тутди. Илиқлик қочиб кетмаслиги учун кўзларини очмаслиги керак. Натка елкаларида Сашанинг нафаси тафтини туйди. Нафас чиқарганда елкалари қизиб кетади, нафас олганда – совуб кетади. Натка қимирламади: илиқликни тўқиб юбормаслик учун! Сашани уйғотиб қўймаслик учун! У ҳам Саша каби нафас ола бошлади. Гўё ягона вужуд нафас олаётгандай. — Нафас ол! Нафас чиқар! — Ол! Чиқар! Йўқ, урдалай олмади. Ўзи ўзидан мулоимгина кулиб қўйди: бунинг ҳарбийча ўнқасига етишга йўл бўлсин? Натка қимирламай ётаверди. Қўли шу қадар ботиб оғриб кетдики, оғриётган қўлидан бошқа нарсани ўйлаш мумкин бўлмай қолди. Шундаям у қимир этмай ётаверди. Бундан ўзича бахтиёрлик туйди: чунки ёнида эркак ухляпти. Унинг уйқусини бузмаслик учун қўлини қимирлатмаслик керак. Қўли ҳар қанча оғрисаям. Саша эса ухлар, унинг ҳар бир нафас олиши ва нафас чиқариши Натканинг елкасини бир куйдирса, бир музлатарди. Бир пайт Натканинг елкалари Сашанинг нафас олиши ўзгарганидан дарак берди. Аранг чидаб ётган Натка

қотиб қолган қўлларини тутқунликдан озод қилди. Бармоқлари эзилиб кетган. Нафақат бармоқлари. Бармоқларидан то елкасига довура эзилиб кетган. Ва ўликдай музлаб қолган бармоқларини Сашканинг лабларига босди. Ва унинг лабларини ҳис қилмади. Балки бармоқларига минглаб игналар санчилгандай бўлди, балки бармоқларини электр токи ургандай туюлиб кетди унга шу топда. Саша уйқу аралаш Натканинг бармоқларини ўпаркан, худди ёш болалардай, бу бармоқларга арз қилди: “Бошим ёрилиб кетади деяпти”. Натка оҳиста кўзларини очди (оҳиста: илиқлик! Миқ этманг! Тепага, пахта! Миқ этманг!)

Ва қаршисида бегона, қип-қизил, қуёшда қорайган юзни; калта, ошоқ, пирпироқ киприкларни; қисилган, тишланган; ўзининг қотиб қолган қўли бармоқлари мисол жонсиз лабларни кўрди. Мутлақо бегона, қошсиз бу юзни кузатаркан, Натка ногоҳ шу пайтгача туюётган илиқлик ўрнини музлик эгаллаётганини пайқайди. Гўё энди фақат нафас ол! Яна нафас ол! Яна нафас ол! Нафас чиқаришнинг эса иложи йўқ. Ўзининг ўликниқидай музлаб қолган, ҳали жонланиб улгурмаган бармоқларини ўшаётган жонсиз лабларни ҳис этиш — даҳшат! Ҳозир бу пирпироқ кўзларни кузатиш — даҳшат! Ҳозир бу пирпироқ киприклар бир-бирларидан ажрайдию, манави юзлари қип-қизил, ғирт бегона эркак кўзларини очди ва уни танимайди!! Саша чинданам кўзларини очди ва шифтдан ниманидир излади. Қаердалигини ҳалиям англаб етгани йўқ. Поездда келяптими. Ё уйда ётиптими? Пешанасини тириштириб, нималарнидир эшлашга уринди, шикоят қилди: “Бошим тарс ёрилай деяпти!” — аччиқланди: “Тагида бирон юз грамм қолгандир ахир!” Ва бирдан ҳаммасини эслаб, бошини бурди. Ва Натка унинг бахтиёр кўзларини кўрди. Қип-қизил, қошсиз юзларини кўрди. (Вой Художон-эй! Юзи худди гўдакниқига ўхшайди!) Қарашлари шунчалар қадрдонки! Ҳаммаси аниқ: Натка нимани ҳис этаётган бўлса, тушларида нималарни кўрган бўлса, Сашка ҳам худди шу нарсаларни ҳис этапти. Натканинг умуртқасини яна нимадир куйдирадиган даражада илитди. Кўзларига қадар илиб кетди. Гўё фақат нафас чиқараяпсан, яна нафас чиқараяпсан, — нафас олмасдан!


— Уйғондингми? — сўради Натка ва кўзларини олиб қочди. — Кўзлар куйдириб борарди. — Тескари ўтирил, — илтимос қилди Натка ва қизил кўйлагини кийиб олди. Вой Худойим-эй! Ахир шундоғам ҳаммаси тушунарлик! Ҳатто уйқудаги тушида аниқ бўлган эди, шундай экан, айтиб ўтириш шартмиди? — Бориб кўрай-чи, қизлар ухлайптими, йўқми?

Қизлар гафлат уйқусида эди. Натка товуқни қиздирганга қадар Саша ваннахонада ювинди. Сашанинг бурун қоққани, томоқ қириб туфлангани эшитилиб турарди. Илгари бунақа товушларни кўрарга кўзи, эшитгани қулоғи йўқ эди. Энди шундоғам қадрдонки бу товушлар! Саша кранларни вағиллатиб очиб-ёпар, шовқин-сурон билан шашиллаб ювинарди. Натка Костяни эслаб кетди. У кранни шовқинсиз очарди. Иложи борича шарпасиз кириб-чиқишга ҳаракат қиларди. Ванна тагига мочалка кўярди —

оқаётган сув шовилламаслиги учун. Шовиллаб — кўшни хонадаги қизларнинг уйқусини бузиб қўймаслик учун. Саша эса... Саша бу қизларнинг уйқусига ҳам, ва ҳатто ётоқхона комендант кампирига ҳам тушуриб қўйди. Уйда эркак бор! Тушунарлими? Хўжайин!

Улар дастурхон атрофида ўтиришипти. Саша Натканинг онаси бериб юборгандан қолганининг таъминотида давом этапти. Бошни созлаш керак-ку ахир! Қисирлатиб товуқ суякларини чайнаяпти. Сашанинг оппоқ тишлари бақувват! Бақувват тишлари билан суякларни тезда саранжомлади. Бирон бир тишига ҳатто плomba ҳам қўйилмаган. Ана шунақанги бақувват унинг тишлари. Натка эса унга нимадир демоқчи, ўша “нимадир” дилида айланар, аммо тилига чиқара олмас эди. У ўзича бу жумлани бир неча бор такрорлади. Керакли жойга керакли нуқта, вергулларни қўйди, ўзини чоғлади. Унинг бутун вужуди айни дамда ана шу жумлага айланди. Бу жумла эса айни дамда Натканинг столида, унинг ўрнида ўтирарди: “Энди мен сенинг ўйнашингманми, Саша?!” Ва бу жумла, агар уни ҳозир овоз чиқариб айтса, ораларидаги сукунатни бузадигандай, хонани, нафақат хонани, балки бутун дунёни остин-устун қилиб юборадигандай туюларди. Айтса, Саша товуқ суягини ғажиждан тақа-тақ тўхтайдди. Диққат билан Наткага тикилади ва нимадир дейди. Ва хона тагин остин-устун бўлиб кетади. Портлаш юз беради. Аммо у ҳали ҳеч нарсани сезгани йўқ, бамайлихотир оппоқ, бақувват тишлари билан суяк чайнаяпти. У жудаям очиққан. Майли, есин, тўйсин, кейин айтади. Қизиқ, жудаям қизиқда, Натканинг жумласи унга қандай таъсир этишини олдиндан билиш жуда қизиқ. Натка ўз ўрнини билмоқчи, холос. Йўқ нарсдан умид қилиб юришни истамайди. Ҳаммасига дарҳол аниқлик киритилгани яхши. Аммо юрагининг туб-тубида: “Мен сенга уйланаман!” деган жавобни эшитишни истайдди. Бундай нарса мутлақо ижобат бўлмаслигини, орада Юлька борлигини яхши билади. Тушида ҳаммаси аниқ ва равшан эди. Аслида эса... бу нарса Сашанинг хаёлига ҳам келмайди. Шундай эса-да, юрагининг қат-қатларида: “Менга эрга тегишга розимисан?” — деган сўровини кутарди Сашанинг. Ва ниҳоят Саша мойли кўлларини сочиққа артаётганда Натка кўзларини қисиб (қаранг-а, электр чироғи ёниқ. Ким уни ёқиб қўйди экан, ёруғи кўзни қамаштиряпти. Шундоғам атроф ёп-ёруғ. Ҳозир бу лампочка чил-чил бўлади.), гўё лоқайд бир оҳангда сўради: “Саша, биз энди ўйнашлармизми, а?!” Жумла нуқта-вергулсиз чиқди, тез айтиш каби. Ўзича тайёрланганда тантанали, жуда зўр туюлган эди. Мана, ҳаммаси жойида: ҳеч нарса портламади, чироқ ҳам милтираб липилляпти. Саша нарво қилмай мойли кўлларини сочиққа артишда давом этарди. Ҳар бир бармоғини алоҳида, алоҳида, бирма-бир, бирма-бир. Эскигина сочиқнинг янгироқ жойларини ҳафсала билан излаб, топиб, бармоқларини обдон артар эди. (“Яхшиямки, кўкиш момик салфеткаларга тегмапти”, хаёлидан ўтди Натканинг).

— Қўйсанг-чи! Бунақа нарсаларни эсиндан чиқар, — деди Саша ва кўкиш момик салфеткани олиб лабларига босди.



Шундагина Натканинг вужудида нимадир портлаб кетди. Аммо зоҳиран хотиржам ва лоқайд бир оҳангда аввалроқ, ошхонада тайёрлаган навбатдаги жумласини тилига чиқарди:

— Сен ўшанда Юлька билан нима ишлар қилганингни эсимдан чиқарганим йўқ, — дея иккинчи, бир вақтлар Юлькага тегишли бўлган кроватга ишора қилди Натка. Кроватда тўшак, ёнинчиқ, ётоқхона қону-қоидаларига мос тарзда учбурчак шаклда тартибга олинган ёстиқ, бир бурчи шифтга ўқталган ёстиқнинг жилди... — Мен ўшанда уйғоқ эдим. Ҳаммасини эшитиб ётгандим...

Саша жим. Натка унга қарамас, демак унинг юзида қандай жилвалар аён бўлаётганидан беҳабар эди. У милтираган чироққа тикилганча кўзларини қисди: “Нега айтдим? Керакмиди шу?” Ва ҳозир тарсаки тортиб юборишларини кутди, аммо тарсаки ўрнига қўйидаги жумлани эшитди:

— Қизиқсан-а, Натка! Сенга мен билан бирга бўлиш ёқадими? Ёқади. Менга ҳам сен билан бўлиш ёқади. Бўлди. Гулдур-гун! Ҳаммасини эсимиздан чиқарамиз. Бугун қайси кун? Якшанбами? Мен сендан сўраяман, якшанбами бугун?

Милтираган чироқ нурлари зулматга шўнғиб кетди.

— Якшанба, — деди Натка, кўзларини очиб.

Саша жиддий, фикрларини жамлаган, гугурт донаси билан тишлари орасидаги гўшт қолдиқларини тозаларди. Оппоғ-а, бунинг тишлари!

— Кетдик бирон жойга, — Сашка гугурт қолдиғини кулдонга ташлади. — Маданият боғиғами.

Ва Натка айтган жумлаларини ўзидан йироққа ҳайдади. Йўқ, у ҳеч нарса айтмади. Илқлик бор эди. Илқлик ҳануз бор. Жумла эса... айтишга ҳозирланган эди... аммо... айтмади, вассалом. Ва у енгил тортиди.

— Кетдик.

Кўчада кўеш чарақларди, осмон мусаффо. Шамол кўйлагининг этакларини кўтаргани туфайли Натканинг уятчан кулгиси. Якшанба, дам олиш куни. Одамлар бошлари оққан томонга ҳордиқ чиқариш ниятида шошишяпти. Уларга қараб ҳавасинг келади, баъзан жудаям ҳавасинг келиб кетади. Бутун дунё ғам-ташвишларини ўзларидан соқит қилиб, дўкондан озиқ-овқат оладилар, кейин озиқ-овқатларини кўтариб пляжга боришади. Ўшалар қатори Натка ҳам дунё ташвишларидан ўзини озод этмоқчи бўлди. Ана шу озодлик уни метрода ҳам тарк этмади. “Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади!” Ва салқин, намхуш ҳавосини доим ўзида сақлаб турадиган метро поезди навбатдаги станция томон физиллаб жўнайди. Натка қарши сўрида ўтирганча ўзига кўз қисаётган йигитга кулимсираб қўяди. Йигитнинг ёнидаги қиз эса унга кўз қисаётган Сашага, ёки футболкасидаги Элвисга ишшайгандай бўлади. Қиз билан йигит қўл ушлашиб олишган, қиз йигитнинг кўлини қаттиқ сиқди шекилли, юзи оқариб кетди. Натка аланглади. Йўқ, бунақалар бошқа йўқ, атрофда нукул ёлғиз қизлар, ёлғиз аёллар. Жуфтлик фақат мана булар ва ўзлари. Натка хурсанд бўлиб кетди. Доимо Натка йўл юрган пайтлари атрофида нукул жуфтликлар бўларди ва (одат бўйича йигит чиройли,

қиз эса исқирт) ўшанинг йигити унга, — ёлғиз қизга! — кўз қисарди... Ҳа, ташвишлардан ўзни шу тахлит озод қилиш бу — салкам бахт!

Кейинги бекатда ёнларига бир кампир келди. Саша ўрнини берди, кампир ўтирганча миннатдорчилик билдира кетди. Кампирнинг кўлларида қачонлардир оппоқ бўлган, энди ранги ўчиб кетган кўлқоп, бармоқ учлари ўрни тешилиб қолган, тешиқдан оппоқ бармоқлар — бунақаси фақат ўликларда бўлади! — чиқиб турипти. Бунақа бармоқли кўлларни йиғиб, ўликнинг кўкрагига йиғиштириб қўйишади. Кўрсаткич бармоқ бинг билан ўралган, қорайиб кетган бинг устидан “зеленка” сурилган. Аввал бармоққа “зеленка” суриб, кейин бинг билан ўраб, кейин кўлқоп кийиш ўрнига ҳаммаси тескари бажарилган.

— Сизга минг бора ташаккур! — деди кампир бингли бармоғини Сашага нуқиб. Кампирнинг овози жуда майин эди, худди қўшиқ куйлаётгандай. Гаширғанда ажин босган бўйни чўзилар ва таранглашар, гапдан тўхтаганда бўйинини яна ажин босарди. Наткага у тошбақани эслатди: мана ҳозир бўйинини чўзади, тишсиз озини очади-да...

— Э, олижаноб йигитча, ҳа, сиз мен билан баҳслашманг...

Кампирнинг кўкрагида қандайдир ҳошияли латта осиелиқ. Ифлос тортанакка ўхшаб кетади. Кампир атрофдагиларга беписанд қараб қўяркан, ўша латтасини тинмай тўғирларди. Қачонлардир бу латта ғоят қимматбаҳо бўлган, энди эса исқирт бир матоҳга айланган, холос.

— Сиз менга бир неча унутилмас лаҳзаларни ҳада этдингиз, — деди кампир.

Кампирнинг кўйлаги қизил кимхобдан, жудаям уवादаси чиқиб кетган. “Буям ўтган асрдан қолган”, хаёлидан ўтди Натканинг.

— Мен сиздан шунчалар миннатдорманки, — дерди кампир, ўзининг майин, қўшиқ куйлаётгандай овози билан, тошбақаникидай узун бўйинини янада чўзиб. Кампирнинг бошида айвонлари кенг қора шляпа. Шляпа тепасида гаширғанда силкиниб турувчи ифлослиги аниқ кўриниб турган пат, кампирнинг сочлари ҳам ана шу пат рангида, гўё пат ана шу сочларнинг юлиб олинган бир бўлағига ўхшарди.

Ногоҳ Натка англаб қолди. Жинни-ку бу кампир! Ва ёрдам сўрамоқчидай теварагига аланглади. Атрофдагилар аллақачон ҳаммасини англаб етишган, бепарво кулимсирашганча кампирни кузатишарди. — Ўзларининг кампирдан устун эканликларини ҳис этиб, бундан ўзларича қониқиб! — Саша ҳам куларди, бош силкиб кампирнинг гапларини маъқуллаган бўлар, хо-холаб кулиб юборишдан ўзини тийиб, юзини бошқа ёқларга ўтирар... Ва Натка ҳам — эл қатори! — кулимсирашга шошилди.

Кампир бирдан Сашани ёқтирмай қолди ва вагоннинг бир бурчига қараганча нимадир дея ўдағайлади. Ҳарфлар, сўзлар тушунарли бўлса-да, гаплар мутлақо тушунарсиз эди. Кампир бурчакдаги кимгадир кўрсаткич бармоғи билан ўқталди. Кейин шу бармоғи билан ўша кимнидир ўзига томон имлади. Хохолаб кулди. Кулгиси жинниларникига ўхшамасди. Худди қўшиқ куйлаётгандай

оҳангдор, майин. Кейин ўксиди, кейин йиғлаб юборди. Кейин яна ўша бурчакдаги кимгадир беписанд қараб қўйди.

Қандайдир ичиб олган эркак камширға далда берди:
— Адабини бериб қўй уни! Есин таъзирини!

Камшир гапдан тўхтаганда шляпасадаги қора тўр сирғалиб юзига тушди.

— Бало камшир экан! — ҳайратини яширолмади ҳалиги эркак.

Камшир уни нафратомуз бошдан-оёқ кузатди-да, жимгина вагондан тушиб кетди. Эшик ёпилиб, поезд юра бошлаганда вагондагилар баравар хохолаб кулиб юборишди. Бир-бирига камшир қараган бурчакни кўрсатишар ва кўзлари ёшланиб, маза қилиб кулишарди. Ҳаммаси тўқ, хотиржам, қориндан бошқа ғами йўқ...

Жинни ким ўзи???

Камширми, ё булар?

Наткани ваҳима босди. Юраги музлаб бораётганини ҳис этди. Кейин музлик вужудини қамради. Бармоқлари учигача музлаб кетди. Бақирмоқчи, жим бўл ҳамманг, калтафаҳмлар, дея ҳайқирмоқчи бўлди, аммо одамлар билан бирга қулаётган Сашага кўзи тушганда у ҳам — эл қатори! — кула бошлади. Кейин қулаётганлар билан олдинма-кейин ташқарига чиқди. Саша унинг муздай қўлларидан тутганча эскалатор томонга югургилади. Наткага ҳаво етишмасди. Қачон қўллари росмана музлаб қотиб қоладию, Саша уларни қўйиб юборади, кейин ҳолдан тойган Натка зинапояга ўтириб олади. Саша эса қўйиб юбормас, тортқилаб югургилар, қизил чирокдан ҳам югуриб ўтдилар, кўприкдан ҳам югуриб ўтдилар. Кўприкки, катта, кенг, узун, темир арқонларда осилиб туришги. Нафаси бўғизга тикилган Натка жон ҳолатда қичқирди: “Саша, мен ўлиб қоламан!” Шамол унинг қизил қўйлаги этакларини кўтарди, овозини учириб олиб кетиб қолди. Саша эса тинимсиз сўрар, тинимсиз сўрайверарди: “Энди исидингми?” Яна югурар, Наткани югуртирарди. Ва ниҳоят пешанасига муздай тер силқиб чиқиб, баданига илиқлик югурди. Ва терлаган, исиб кетган қўлини Сашанинг қўлидан силқиб тортиб олди. Улар ҳансираганча тўхташди.

— Мени нега тортқилаб югурдинг?

— Метрода сен кўқариб, музлаб қолдинг-ку...

— Нима қилти шунга?

— Сен ахир эргалаб ҳеч нарса емадинг...

— Мени нега судрадинг, деяшман?

— Сени қизисин, дедим.

— Тентак.

— Кремплин кийимда жиққа хўл бўлиб кетдим.

— Баттар бўл! Нега киювдинг буни?

— Дазмолламаслик учун.

Нафаслари анча ростланиб, икковлон парк томон юрдилар.

— Юр. Кафега кирайлик, сен тамадди қилиб олишинг керак. Лўладан бир сих... Бир стакан — шампан? Нима дединг?

— Шампанинг совуқ.

— Ароқ?

— Мен ароқ ичмайман.

— Унда коньяк. Коньяк даволайди. Ҳамма касалликларни даволайди.

— Кофе. Кофе ичаман.

Натка кофе ичди. Кофе томоғини куйдирди. Баданига иссиқлик югурди. Аммо бу иссиқлик эргалабки илиқликдан бошқача эди. Эргалабкени тўқиб қўйишдан кўрққанди, кофеники эса бир зумда тарқайди. Буниси вақтинчалик, шу сабабли ёқимсиз.

— Нонга хантал суртиб берайми?

— Сурт.

Натка Сашанинг вилка ёрдамида нонга хантал суртишини томоша қилди. (Кўнгина кафелардаги каби бу ерда ҳам пичоқ йўқ эди). Хантал вилканинг тишлари орасидан тушиб борар, Натка хантални нонга вилканинг ушлагич томони билан суриш кераклигини ўргатмоқчи бўлдию, эринди. Жимгина Сашанинг машғулотини кузатди. Барча кафелардагидай, бу ерда ҳам вилканинг ушлагич томони тишлари томондан-да ифлослиги аниқ, Саша тўғри қилишги.

Саша нимадир деди, Натка англамади. Қайтариб сўради-да, унинг лабларига тикилиб, фикрини жамлашга уринди. Сашанинг лаблари яна алланималарни сўзлади, Натка яна англамади. Ногоҳ Натка Саша билан айни шу дамда — жисман бирга бўлишни! — истаётганини англаб етдию, оҳ тортиб юборди. Саша буни сезмадиям. Сашанинг лаблари аччиқланиб, бурилиб кетди. У Наткага нима бўлаётганини хаёлига ҳам келтирмаганди. У нималарнидир учинчи бор сўради. Натка тушундики, Саша, овқат ейсанми, дея сўрайшги. Натка рад жавобини берди ва англадики, шунчалар жиддий, зарур нарсаларни амалга ошириш керак бўлган бир фурсатда иккови арзимаган нарсалар билан банд бўлиб ўтиришишги. Айни дамда Натканинг бутун вужуди Сашага талпинаётганди. Вужуд бир нарсани истаса, унинг амрини амалга оширмаслик азоб! Балки Саша сезгандир! Сезиб улгургандир, у ҳамон арзимаган, мутлақо арзимайдиган...

— Еб ол, кейин от ўйинга борамиз, хўпми?


Натка маъқуллаб бош ирғади. Ва умуман нега келишди ўзи паркка? Натка лўла-кабоб еганча, Сашанинг гапларини тингларди. Саша бугунги куни мақтарди: буюртма бўйича, иссиқ эмас, шабада эсяпти, ёмғир ёғишям мумкин. Омадлари бор экан.

Натка чекди. Саша аччиқланди. Натка эса унинг юзига қараб тутун пуфлади. Саша хафа бўлиб юзини ўгирди. Официантка жимгина келиб, Наткага ёзувни кўрсатди: “Чекиш таъқиқланади!” Ва Натка официант аёл кўз ўнгида сигаретасини ўчириб, овқат қолдиғи устига ташлади. Устидан кўк пиёз билан босди. Вужудининг бояги истаги энди ўтиб бўлган, энди Сашани, официант аёлни мазах қилгиси келарди. Зинапояда навбат кутиб турган одамларни итариб, суриб, пичоғи йўқ, вилкалари ифлос бу кафедан қочиб чиққиси келарди...

Саша эса гўё ҳеч нарса юз бермагандай бемалол хуштак чалиб борарди. (Ҳақиқатан ҳам бирон нарса юз бердими ўзи?)

— Бу болаларники-ку! - деди Саша.

...— Мен шунда учини хоҳлайман!
...Саша патта сотиб олди ва Натка қулоқлари юлинган



оппоқ отчалардан бирига ўтирди. Атрофда шод-хуррам болачалар қийқиришади, четда ота-оналар уларни қузатишяпти, кулишяпти. Сашанинг юзи ташвишли, жиддий, чунки ота-оналар Натканинг устидан кула бошлашган. Кулгинга тикилиб ўл баринг! Менга нима?! Наткаям болалар қатори қийқириб юборди, афтидан шу пайтгача имиллаб турган от ўйин тезроқ айлана бошлаган эди. Натка яна ғам-ташвишлардан хаёлан халос бўла бошлади, лекин бу хаёлий озодлик эрталабки кофе иссиқлиги каби вақтинчалик эканини ҳам Натка юрагининг бир бурчи билан ҳис этиб турарди. Энди бу вақтинча озодлик умрини иложи борича узайтириш учун улар от ўйиндан ҳалганчакка югурдилар, музқаймоқ едилар, кассаларга югурдилар, навбатда туриб, арзимаган нарсалар ҳақида хангома қилдилар. Болалар каби шўх-шодон қийқирдилар. Элвис ўлди. Элвис эгилавериб, букилавериб, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Элвис тамом бўлди. Саша билан бирга кулавериб, томоқлари хириллаб қолди, афтлари буришиб-тиришиб кетди... Ва яна югур, яна ҳалганчакка осил. Кимнидир турт, кимдир сени туртсин, навбатда тур, яна патта ол, кейингисига... яна қийқир. Маза. Ма-за!!

Вагончада Натка олдинги ўриндикда ўтирди. Маррага яқинлашганларида бошқа бир вагончага урилдилар. Ва Натка қорини темир панжарага уриб, букланиб қолди.

— Этиб келдинг, — деди сариқ майкали йигит, вагончани янги марра сари тўғриларкан.

— Менинг орқамдан ўтир, деб айтган эдим-ку сенга, — дея тўғриллади Саша.

Натка эса нафас ололмасди. Нафас олса, от ўйинга қўшилиб, дунё чирширак бўлиб кетадигандай эди. Гўё электр таблода чиройли қилиб ёзиб қўйишгандай: “Этиб келдинг! Этиб келдинг! Этиб келдинг!” Ёзув ҳам от ўйин билан қўшилиб чирширак бўлиб айланаётгандай эди. Кейин ёзув хира тортиб, туманлар аро йўқолди...

Натка ўтлоқда бир пас эгилиб-букилиб ўтириб нафасини ростлади.

— Бўлди, — деди Саша, — бошқа учмаймиз.

— Учамиз! Мен учини хоҳлайман.

— Унда секинроқ, тинчроғини тонайлик.

Ва улар улкан чархпалакка ўтирдилар. Аста-секин энг баланд нуқтага кўтарилганларида Натка олағовур пастликка қаради. Ва хаёлидан ўткиздики, одамлар (эркаклар ва аёллар) тунда фақат икковлари учун қоронғуда содир бўлган ҳолатни энди ҳамманинг кўз ўнгига қушпа-қундузи давом эттирмоқдалар: мастона ҳолат, хаёлан кўкларда сайр қилишинг, роҳатбахш бош айланиши, ёнингдаги юзининг туманлараро гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиши, қичқириқ ва ниҳоят — ўзингни яна ерда, одатдаги ҳаёт бағрида ҳис этишинг. Аммо нимадир ўз ўрнига тушмаяпти. Баландлик ҳам чегараланган, чархпалак темир занжирлар билан тутилган. Учиб кетолмайсан. Ва ўша (Саша) ҳам узоқда, юзи кўринмаяпти. (Мана у, ёнингда, фақат ияги кўриниб турипти.) Қичқириқ ўрнига қийқириқ. Айланишяпти, айланишяпти, ўйлашадик... Натка яна зерика бошлади ва тенадан туриб бақиргиси келди: “Нима қиялмасизлар ўзи?! Бўлди! Бас!” Овози барча

қийқириқларни, шов-шувларни босиб кетиши учун майинг, кўйлаётгандай эшитилиши керак... Чархпалак тўхтади, олдин Саша, кейин Натка тушди. Автодромга патта олиш учун навбатда турганларида Натка негадир безовта бўлаверди. Бир-бирига тўқнашиб, ур-сур қилиб ҳайдаётган автомобилчиларга бамайлихотир тикилиш учун нимадир халақит берарди: кимнингдир кулгиси, кимнингдир нигоҳи, кимнингдир қўйлаги. Натка атрофга алаңлади, излади ва ногоҳ тушуниб етди: бу кимхоб қўйлакли қиз, у ён тарафда, салгина олдинда, қайрилиб қараганиям йўқ. (Бу қўйлакни қаердадир кўрган?) Ва ниҳоят навбатда турганлар ҳаракатланишганда ўша қиз яна салгина ён тарафдан салгина олдинга ўтиб қолаверди. (Қаердан келиб қолди у? У ахир йўқ эди-ку!) Натканинг қочиб жўнагиси келди, фақат тезроқ, у кўриб қолмасидан. Аммо негадир қочмасди, жойида турар ва ниманидир кутарди. Биларди, ҳа, биларди. Кассага етганда ўша қиз ўтирилди ва нафратли қисик кўзларини Наткага тикди. Ва ниҳоят Натка аллақачон англаб етган нарсаси энди содир бўлганидан хўрсинди: “Юлька!” Сашанинг ранги оқариб кетганиниям кўрди. Юлька эса ҳамон беписанд, нафратли илжайиш билан тикилиб турарди. Ва бирдан деди:

— Ўзингни қаёққа уряясиз? Мен сиздан олдинда турирман-ку! Навбатим бор, манави холалар айтсин, ишонмасангиз. Буфетдаги овқат туғаб қоладигандай ўзларини уради-я, товба!

Ва Саша қулиб юборди. Шунақаям маза қилиб кулдики. Эчкичани эчки деб ўйлапти. Бу Юля эмас экан. Ўша мўғулча юз, ўша қисик кўзлар, лекин бошқа. Йўқ, бу Юля эмас, ўн тўрт ёшлардаги бир қизалоқ. Қўйлагиям ўзи! Аммо бу бор-йўғи бир эчкича эди. Сашанинг эчкиси эмас. Саша кулар, қизча ажабланиб унга қараб-қараб қўяркан, елка қисди: “Бунча ўзини йиғиштириб ололмай қолди бу?” Елка қисиллари ҳам Юлянинг ўзи эди.

Автодромда бу қизчанинг қизил автомобили нуқул Натканингга тўқнашиб кетаверди. Кўзлари қисик бу қиз атайлаб, ғанига тегиш учун шунақа қилаверди. Наткани юргани қўймади. Қадамма-қадам таъқиб қилиб, урилар, зolim бир табассум ила Натка томон ҳайдарди. Бу қизча ҳали жудаям ёш, аммо унинг мана бу беписанд ишчайиши кайфиятга жуда ёмон таъсир қиларди. Нега у Наткадан нафратланипти? Гўё бу аслида Юля, шунинг учун ҳам Наткадан нафратланишга ҳаққи бор. Уриляпти, уриляпти. Вой Худойим-эй, қачон тамом бўлади бу азоб?! Қун давомида (тун ва қун давомида) биринчи бор Натканинг миясига урилди: “Нима қилиб қўйдик? Биз Саша иккимиз нима қилиб қўйдик?!” Кеча (ва бутун ҳам) Юля жуда узоқдадай туюлган эди. Шунинг учун унинг юзини ҳам, кўзини ҳам ҳатто тасаввурига сиғдира олмаган, Юлянинг атипти жарангдор исми бор эди, холос. Мана энди, Юлянинг юзи, Юлянинг кўзлари, Юлянинг захарли кулишлари... Қара Юлькага, келяпти, уряпти, уряпти...

Қун эса ҳали давом этарди. Иккови дарахтзор оралаб боряпти, қизалоқ эса улардан сал олдинда. Баъзан ўтирилгача захарли ишшайиб, уларга қараб қўяди. Саша эса ҳамон ўзини босиб ололмасди: “Э, юракни чиқариб юборди-ку бу!” Шунақа қувноқ-да ўзи бу Саша. Қизча эса ҳамон қайрилиб қарашни канда қилмасди. У бир

ўзи эди. Натка ундан қўрқаётгани унга қизиқ туюлаётганди. Натканинг қўрқиб кетгани юзига шу даражада қалқиб чиқдимикан?

— “Қўнгилочар автоматлар хонаси”, — ўқиди Саша.
— Кирамизми?

Қанча пул сарфлади экан шу ёғига?

“Мотопойга. 15 тийин. Йўл четига чиқиб кетсангиз, авария содир бўлади. Авариядан сўнг “газ”ни қўйиб юборинг. Мотоциклини йўл ўртасига чиқариб, бошқатдан ҳайданг. Букилган ва байрам тангаларини ташламанг”.

Қизиқ, бояги қиз орқаларидан кирдимикан? Улар қаёққа киришаётганини кузатаётгандай бўлди.

— Ҳайдаймизми?

Ҳа-а, ана у! Кегли ўйнапти. Юлькага жудаям ўхшаркан!

Мен уни кузатаётганимни сезди-да, кўзларини қисди. Кичкинагина қизча шунча нафратни қаердан олди экан?

— Буларнинг пулни майдалаб берадиган жойи қаерда экан?

“Иложи борича камроқ аварияга учраб, кўпроқ бошқаларни қувиб ўтишга ҳаракат қилинг”.

— Сенга айнан шу керак эди. Агар кўп очко йиғолсанг мен сенга машина ҳайдашни ўргатаман.

Юльга ўргатганмидинг ўзи?

— Ҳей, хаёлинг қаёқда? Қаёққа қараяпсан?

Мен бутун қаёққа қараб кетяпман ўзи?

“Тўқайдаги қамишлар орасида паррандалар юрипти: фозлар, ўрдаклар, тустовуқлар. Осмонни қушлар чағир-чуғури эгаллаб олган”.

— Ҳа-а, сен шу ердამисан. Ҳозир.

“Яхшилаб нишонга олинг-да, отинг. Агар ўқ тегса, ярадор қуш оҳ урадию, кўздан йўқолади”.

Сенга айнан шуниси маъқул. Ўзи қисилган кўзларингни баттар қисяпсан, қисяпсан. Бу тарзда ҳеч нарсани кўра олмайсан-ку! Ў-ў! Зўрсан! Яхши отар экансан. Бошини мўлжалга ол. Бир, икки. Зўр!

“Ўлчагич отишмангиз натижасини кўрсатади. Ўқ еган фоз учун — 400 очко, қолган қушлар учун — 200 очкодан”.

Фозларни ур!

Ҳалиги қизча ўз милтигини Наткага тўғриламоқчи бўлди. Шунчаки қўрқитмоқчи эди, холос. Қўрқитмоқчилиги ишшайишидан сезилиб турарди. Аммо милтиқни Натка томонга ўгиролмади. Милтиқлар бурилмайдиган қилиб ўрнатилган экан. Қизчанинг кўзлари иложсизликдан ғазабга тўлди. У ахир бор-йўғи қўрқитмоқчи эди, холос. Милтиқ эса...

Ўшанда улар почтага ишга эндигина жойлашган эдилар. Почтальон бўлганларига ҳали икки ой ҳам тўлмаган эди. Эрталаб хат-хабарларни тарқатиб келишгандан сўнг Юля тушлик қилгани кетди. Натка бошини столга тираганча ухлаб қолди. Бу қадар эрта тушлик қилиб ўрганмаган эди. Эски почтальон хотинлар шу ерда, тарқатиш бўлимида тушлик қилишарди. Ойлик бериладиган кунлари эса ароқ, аччиқ-чучук ва бошқа заҳираларни олиб келиб, хонани ичидан беркитиб, — мижозлардан халос бўлиш учун! — чойишда картошка қайнатиб, стол устига газеталардан дастурхон ясаб,

тушлик қилишарди. Баъзан қўшиқлар ҳам айтишарди. Бундай кунлари бошлиқлардан, телеграфдан ҳеч ким уларни безовта қилмасди. Бундай кунлари почтальонлар оҳиста, “норасмий равишда” тарқатиладиган пенсиялардан “уриб қолганлари” ҳисобига байрам қилишарди... Кимдир унинг номини ҳадеб такрорлайверганигами, Натка уйғониб кетди. Бу Валька экан. Валька улар билан ётоқхонада тўртовлон бир хонада яшашарди. Улар билан бирга барабар ишга жойлашган эди. Тенгқур эдилар (ҳаммаси ўн саккизда). Валька куни билан папирос тутатадиган, тунлари узлуксиз ароқ ичадиган, эркакларни етаклаб келадиган ва уни хонадан ҳайдаб юборадиган ёмон қизлар ҳақида ҳикоя қиларди. Валька улар, яъни Натка, Юлька, Ниналарни ёмонлаётган эди: чекувчилар, ичувчилар, эркакларни етаклаб келиб Валькани қувиб солувчилар...

Тўғри, папирос эмас, сигарет чекишади. Ичишадиям, аммо ҳар куни эмас, онда-сонда. Ва ароқ ҳам эмас. Сираям ароқ ичишмаган. (Иш ҳақи бор-йўғи 67 сўм 50 тийин). Эркаклар ҳам бўлган, уларни болалар деб аташарди. Гўё ҳаммаси ростдай, аммо ҳаммаси тескарисига рост! Ифлос ҳақиқат эди бу, ҳақиқий ҳақиқат эмас!

Почтальон хотинлар Наткани илғашмади — стол ортида баланд ёпинчиқлар бор.

— Худойим, ўзинг кечир, ишқилиб...

— Бу ерда ўзларини фаришталардай тутишади. Биз билан ичишмайди, ароқ ичмаймиз, дейишади.

Ичмайди-я!

— Ювошнинг йўғони чиқади, деганлари шу-да!

— Демак, ҳаммасининг қизлиги кетган?! Шундайми? Ё покми ҳали? — қизиқиш жуда кучли.

— Топшириб бўлишган, — деди Валька.

— Наткаямми?

— Наткаям, — таъкидлади Валька.


— Айтган эдим-а, ўзинг кечир, Худойим, биз эса уларни...

— Москвага эр излаб келишган улар...

— Унда-а, бирон бир касаликка чалиниб ҳам улгуришгандир...

Туриш керак, кўзголиш керак. Мана, ўзини фариштадай кўрсатиб юрган махлуқлардан бири ўридан турди ва ҳангомачилар жойларида музлаб қолишди. Поклигини топшириб бўлган Натка ўтирганларга, Валькага фариштамисол назар солди. Валька! О, Валька! Ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Бир муддат ачиниб ҳам кетди унга. Нега қизарасан, айтадиганингни айтиб бўлдинг. Бундай олганда ҳаммаси тўғри, яна нега қизарасан?

Натка кўчага чиққанча, ошхонага югурди, Юлькага ҳаммасини айтиш учун. Икковлон югуриб қайтиб келишди. Юльканинг ранглари ғазабдан оқариб кетган: “Қани у?! Ўлдираман! Ароқ ичар эканмизми? Ўлдираман! Қани Валька?!” Нимагадир Юлькани ароқ ичади, деган гап ғазаблантириб юборган эди. Улар почтахонага учиб киришди. Юлька почтальон хотинларга ўқталди: “Валька қани?!” Улар қўрқа-писа бир-бирига қараб олишди. Фақат Людмила, уларнинг бошлиғи, — басавлат, лавлаги юзли, лаблари намланиб турадиган бақувват хотин



қўлларини белига тираганча ўдағайлади: “Э, ўпкангни бос! Кимни қўрқитмоқчи бўляпсан сен?! Валечканинг боши оғриб қолипти, жавоб бердик, уйга кетди. Тушундингми?”

— Ўлдираман Валечкаларингни! Эшитдиларингни? Ўлдираман!

— Э, қўрқитма! Оғзим бор деб бақираверасанми? Сен бу ерда бошқачароқларга дуч келдинг.

Бу ердагиларнинг ўзлари истаган одамни ўлдиради! Керак бўлса, қўрқитмоқчи бўлганинг, тартибни бузганинг учун милицияга тушасан. Қасқа югурияпсанлар? Ишга келмади деб ёзиб қўяман табелга. — Людмила ўшқирганча қолаверди.

Улар автобусга югуришди. Автобус анча вақт келмади. Юлька эса чидамас, янаги бекатга қадар югуриб кетавергиси келарди. У чидолмаяпти. Бўш автобусда ўтиролмади, юзи ғазабдан қўқариб борарди. Автобусдан тушганча яна югуришди. Эшикнинг қулфи очилмади. (Ҳамиша шунақа, шошганда лаббай топилмас). Қўнғироқ тугмачасини босишди, эшикни қўл билан уришди, оёқ билан тешишди. Ичкарида кимдир бор, эшикнинг олдига келади, кетади. Ниҳоят улар эшик қулфини танга ёрдамида очишди. Юлька ичкарига отилиб кирди.

— Нега эшикни очмадинг?!

— Ухлаётган эдим, бошим...

— Оғриятими? Ухлаётганмидинг? Ундай бўлса, уйғон! Мен ҳозир сени ўлдираман!!! Бохабар бўл!

Валька кроватда ўтирганча, Юлькага қарамай нималарнидир шивирларди.

— Нима деб вишилляпсан? — Юля туфлисини ечди. Баланд платформали қизил туфли. — Сотқинларни кўргани кўзим йўқ, билдингми?! Чақимчиларни ёмон кўраман, тушундингми?!

Натка эса кузатиб турарди. Юлянинг қўзлари ғазабдан қисилиб кетган, бировни аяйдиган ҳолатда эмасди у ҳозир. Ифлос туфлисининг ифлос томони билан Вальканинг юзига тушираркан, оғзига келган сўз билан Валькани ҳақоратларди. Ҳар хил лойлар Вальканинг пешонасидан настга оқиб туша бошлади. Юлька унинг бошига тушира кетди. Валька қаршилиқ кўрсатмасди. Ниҳоят қўллари билан юзини яширди. Юлька унинг қўлларига урди.

— “Қари ўғри “айғоқчини” бўғинти”. Айғоқчи бу — чақимчи! Тушундингми?! Ҳей, нега индамайсан, тушундингми деяпман?!

Ва бошига туширди.

— “У эса ногоҳ қўлларини биз томон чўзди...” Покдомон қиз!

Ур тишларига!

— Вой, онаси ўпмаган қиз-ей!

— “Йиллар ўтар, асрлар ўтар, юлдузлар ҳам йўқликка кетар...” Ароқ ичар эканизми? Ма!

— “Ва ўшанда ҳазуринга келишар...”

Тарел! Турел!

— “Бу ердан сенинг ўлигинг чиқади”.

Натка Юляни ушлаб ажратди. Ажратмаса Валькани ўлдириб қўярди. Нуқул бошига урди ўзим! Кейин Валькага: “ювиниб, бу ердан қорасини ўчиришни”

маслаҳат берди. Юля нариги ёпиқ хонадан қичқирди: «Йўқол! Калтак изларини йўқот!» Валька қочиб чиқиб кетди. Юля ичкари хонадан кўриниш берди. Қўзларида бояги ғазабнинг охириги излари сўниб борарди.

“Биринчи бор ўқ узганингиздан кейин овчи ўйинга қўшилади. У сизнинг рақибингиз. У бехато отади. Сизнинг ҳисобингиздан”.

Кейин уларни Вальканинг йигити ўлгудай дўшослади. Натка мушт зарбидан эшик томон отилиб кетди, бошининг орқаси эшик тутқичига урилди. Боши ёрилиб, тутқич бошининг ичига кириб бораётганини ҳис қилди... ҳозир миясига етади, шекилли... Хонага ўша йигитнинг онаси ҳаллослаб югуриб кирди (улар учинчи каватда яшашарди) ва бақирди: “Бузуқилар! Қаерданам сенларни бу ерга жойлаштиришди. Бошимизга битган бало бўлдиларинг!...” Кейин жим бўлиб қолишди ва... “кечи-иур! Ке-ечу-ир!” Булар кимдан нимага ва нима учун бу тарзда кечирим сўрашаётган экан, дея ҳайрон бўлди Натка. Овозлари худди қисқа тўлқинлардан тез ўтиб кетгандай ҳолат.

Хотин ногоҳ ер билан битга бўлиб ётган Наткани кўриб қолиб, бир лаҳза жимиган, кейин ўғлига ўқталган эди: «Кечирим сўра! Тез кечирим сўра! Буни кечир! Кечир!»

Ва... ҳаммаси тамом.

Юлька бизларни ўлдиради, Саша!

«Рақибингизни нишонга олиб, тепкини босинг. Ўқингиз тегса, рақибингиз қулайди”.

У иккимизниям ўлдиради, Саша! У сотқинларни кечирмайди!

“Бошқарув аппаратида пулемёт тепкисини босинг. Ўқингиз тегса, самолёт портлайди”.

Оббо, нималар бўляпти?!

Саша, кетдик бу ердан.

— Натка, юр, рақс тушамиз. Бу ерда рақс майдончаси бор, — деди Саша.

Негайм улар бу боққа келишди, а?

— Дунёдаги энг мохир раққоса сенсан-ку, Натка!

Ҳа, нима қипти? Борса-чи?! Рақс тушса, тушаверса, бор аламларини, дардларини тўқиб, рақса тушаверса, балки энгил тортармиди! Мана бу Юлькалар бу ерда учиб турсин, Натка эса рақс тушади... тушаверади...

— Бўпти, кетдик, — дея Натка эргашди.

Улар дарахтлар оралаб, рақс майдончасига бордилар. Рақс майдончаси уларнинг шаҳарчасидаги ёниб кетган рақс майдончасига ўхшар экан. Ўшанда Натка беш ёшда бўлган: ундан фақат фотосурат қолган: Натка оппоқ иштончада уч оёқли велосипедчада ўтирипти. Оқ панамаси пешанасини босиб қолган. Унинг ортида эса, — клуб, худди мана бу рақс майдончасига ўхшаган.

Зерикарли бир куй чалинаётган экан. Натканинг фиғони фалакка чиқиб кетди... Одамлар эса шу куйга ҳам рақс тушардилар. Э, жуда кўп одамлар... Улар чиройли кийинишган, чиройли рақс тушишаётган бўлишса-да, Наткага уларнинг нимасидир ёқмасди. Ҳа,

уларнинг кўзлари жуда сергак, улар нуқул бошқаларнинг қўл ҳаракатларини кузатишарди, тўхтамай кузатаверишарди. Ўзинг рақс тушайсан-ку, нега бошқани кузатасан? Муסיқа тўхтаганда бу қўллар ўзларича сўзсиз рақс тушишда давом этишарди, юзлаб одамларнинг икки юзлаб қўллари шарпадек кўриниб, йўқолади. Рақс майдончасида сокинлик, ҳеч кимнинг овози эшитилмайди, кўзлар ғоятда сергак, безовта, бир-бирининг кўзларига эмас, нуқул қўлларига тикилишади...

— Ана холос! Гунгларнинг рақсхонасига келиб қолишмиз-ку, — хурсанд бўлиб кетди Саша. — Ажойиб кун бўлди-да бу кун!

Гунглар яна рақс туша бошлашди. Улар мусиқани эшитишмасди. Мусиқа тўлқин бўлиб уларнинг баданларига урилар, улар буни ҳис қилишарди... Ва яна мусиқа тўхтади. Яна ҳамма ёқ сув сепгандай жим. Натка гунгларни автобусларда, йўлларда кўп кўрган. Доимо улар нималардир ҳақида тинмай сўхбатлашардилар. Метрода одамлар жим юрадилар, автобусда жим юрадилар, булар эса бир-бирига интилиб метродаям, автобусдаям нималар ҳақидадир сўхбатлашаверар эдилар. Натка ўзини кар ва соқов ҳолатда тасаввур этди: йўлда кетяпти, автобуслар овозини эшитмайди. Ҳеч нарса эшитмайди... Ҳаёт тугади дегани-ку бу! Даҳшат-ку бу! Илгари бир марта шунақа бўлмаса-да, шунга ўхшаш бир ҳолат бўлганди, ва ўшанда у Юляга, Юлькага югурганди. Бошқа борадиган ҳеч кими йўқ! Бутун бошли Москвада бор-йўғи иккита гунг бор: Натка ва Юля. Уни Юлькадан бошқа ҳеч ким тушунмайди.

Нима қилиб қўйдим мен?!

— Сен рақс тушасанми? — сўради Саша.

Натканинг рақс тушишини кузатиш оғир, дерди Юля. Юля, мен рақс тушмайман.

— Э йўқ, бу даврада рақс тушиб бўларканми.

Улар дарахтлар орасидаги йўлдан боришяпти. Натка йўлкадаги барглари босган ўз қадамлари товушини эшитиб боряпти. Ҳар бир баргда электр чироқларнинг шуъласи ўйнаб, шу туфайли барглар ёмғирдан сўнг хўл бўлиб тургандай туюларди.

— Роса маза қилдик, а бугун? Тентак кун бўлди ўзиям! — Саша бошини Наткага бурди

— Ҳа, тентак кун! — тасдиқлади Натка.

— Кўп нарсалар хотирамизда қоладиган бўлди, — деди Саша. Йўл-йўлакай у нималарнидир эслаб нуқул куларди. Наткага қарарди-да, яна кулаверарди. У ногоҳ тўхтаб, ўтирилди. — Натка, мен сенга уйланаман.

Тунги чироқлар ёғдуси барглар оралаб, гоҳ у ердан, гоҳ бу ердан мўралар, Сашанинг тантанавор, кўкиш тусда, худди ўликникидай қотиб қолган, бахтиёр юзи шу ёғдулар орасида гоҳ ялтираб кўриниб қолар, гоҳ қоронғулик қўйнига сингарди.

“У бугун кун бўйи шу алфозда, ўликникидай кўкиш, қотиб қолган бахтиёр юзини намоён қилиб юрипти, — хаёлидан ўткизди Натка, — Аҳмоқона алфозда!” Ва ўзининг аччиқ кулисини, ғайритабиий, чинқириққа ўхшаш овозини эшитди:

— Ҳатто мендан сўраб ҳам ўтирмайсанми?

— Йўқ, сўрамайман, — кулди Саша. — Уйланаман, вассалом.

Сашанинг—куёвнинг тантанавор юзи жиддийлашди. Улар йўлда давом этдилар. Саша кўкимтир қўллари билан ҳавони кесиб-кесиб гашида давом этди. — Биринчидан: Юля келгандан ажралишга ариза бераман. Иккинчидан: онамнинг олдига қатъий шарт қўяман: ё сени ҳам уйимизга рўйхатга қўяди, ё уйни алмаштирамиз. Учинчидан: сенга уйланаман.

Ажралиш, алмаштириш, уйланиш...

— Юлька бизларни ўлдирди, — Натка ўзининг кулги аралаш овозини эшитди. Ҳа, кулги аралаш.

Бу ибора боягина унинг вужудини титратиб, куйдириб, ўртаб юбораётганди. Шу иборани эслаганда ҳатто нафас олиши тўхтаб қолаётганди. Энди эса бу иборани нотабиий чинқириққа ўхшаш овозда, худди болаликдагидай... Уч-тўрт бола уйда ўйнаб ўтириб, бир нарсани синдириб қўйсанг, шунда қаттиқ қўрқиб кетгандек, айтсанг: “Онам энди бизни ўлдирди!” Ва бу гапингга ўзинг ҳам ишонмасанг. Фақат шу гап билан айбдор укаларингни қўрқитмоқчи бўлсанг. Ҳа. Худди ўшанақа ҳолатда гапираётганди Натка.

— Ўлдирилмайди, — деди Саша ишонч билан. — У мени жудаям қаттиқ севади, лекин ҳаммасини тўғри тушунади.

“Худди кинодагидай гапиради-я”, — хаёлидан ўтказди Натка.

— Бугун сен қанчалар гўзал эканингни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан. Сен ҳеч қачон бунчалар чирой очмаган эдинг. Кун бўйи сенга қараб роҳатланияпман!

Кинодагидай, ҳа, худди кинодагидай!

— Кун бўйи сендан бошқа ҳеч кимни кўрганим йўқ.


Мен эса — фақат Юлкани, фақат Юлкани... ва сенинг елкангни...

Ва Натканинг вужудида ёнида кетаётган — мана бу бегона, ўзига ишонган, юзига бахтиёрлик инган, кечагина оғиз кўпиртириб, Юлканинг оёқлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирган — одамга нисбатан нафрати кучайиб кетди... Сен нималар деясан?! Бугун менинг оёқларим қанақа?!

— Қисқаси, ҳозир таксистдан бир шиша оқидан сотиб оламиз ва меникига...

Натка қичқириб юборди: “Бормайман! Сеникига бормайман!”

Саша эса уни билагидан оғритар даражада қисимлаб тутганча, ўликникидай кўкимтир лабларини яқинлаштириб, худди Юлькадай кўзларини қисиб, шивирлади: “Борасан”. — Билақларини баттарроқ оғритиб қисди. “Борасан”. У қўлини кўтарар-кўтармас тўхтаган тақсига Наткани салкам итариб киритди. (Худди кинодагидай: У “бормайман”, деб қичқиради, шу заҳоти тақси тўхтайд-ю...) Тақсида ҳам у Натканинг билагини қўйиб юбормади. Аксинча, тобора қаттиқроқ қисарди. Натка жимгина йўлга тикилиб ўтирарди. У билагидаги оғриқни унутди. Сашка шивирлади: “Қўшни камширлардан қўрқасанми? Биз тинчгина ўтиб кетамиз, улар товуклар мисол, аллақачон ухлаб қолишан. Мабодо, битта-яримгаси дуч келиб қолса,..



омончилик бўлсин, ҳалиям унча кеч эмас. Нега жимсан?”
Натка унинг тошдай қаттиқ, сергак вужудини ҳис этди.
Қўзгудан унинг қатъий, олдиндаги бўшлиққа тикилган
сергак қўзларига қўзлари тушди. Ҳа, бу ўша, бир сониягина
юзгага қалқиб чиқадиган эркак нигоҳи эди. Сонияки,
кейинги сонияда нима бўлишини англаб етасан. Сонияки,
бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлаб олишга-да улгурмайсан...

Икковлон узун даҳлиз бўйлаб оҳиста ўтишди. Барча
хоналардан сасиган кампирлар ҳиди, кўнгилни айнитар
даражадаги бузилган, туриб қолган овқатлар, яна бир
ёқимсиз нарсалар ҳиди анқийди. Сашанинг хонасида ҳам
шу ҳид. Ҳид эшикларнинг, деразаларнинг тирқишларидан
ичкарига уфтуриб турарди. Ўлимтик ҳиди! Кўчадаги
тунги чироқларнинг ичкарига ураётган кўкимтир ўлимса
ёруғи хонани ёритарди. Ва ёруғлиққа қўшилиб ўлимтик
ҳиди ҳам хонага тинмай оқиб кирарди.

— Бу лаҳзани мен кун бўйи кутдим, — шивирлади
Саша. — Эрталабданоқ. Кафеда ўтирган пайтимизданоқ...

Саша ўликниқидай кўкимтир лабларини чўзди...
Натканинг қўзлари девордаги Юлянинг кўкимтир юзига
тушди. Юля кўкимтир тишларини гижирлатиб, қуларди.
Юля қора итни кучоқлаб олган, ит эса қизиб кетгани
туфайли тилларини осилтириб, тез-тез нафас оляпти.
Фотосуратдаги кўшакнинг ўлимтик анқиган оғзидан
сўлақлари оқяпти... Сашанинг ботмон тошдай оғир
вужуди Натканинг вужудини шу қадар сиқувга олганки,
ҳатто нафас олиш мумкин бўлмай қолди... Ва ниҳоят
Сашанинг юзи роҳатдан ларзага тушиб, қўзлари юмилиб,
Натканинг вужудини озодликка чиқарди-да, шифтга қараб
ётди (дунёнинг нелигини англаб етган қиёфадаги ўликни
тобутга шу тахлит ётқизиб қўйишади). Ва ниҳоят Натка
нафас олишга имкон топди-ю, баданига ёпишган сассиқ
алаф ҳидидан бўғилиб кетди. Устидаги Юлянинг
ёпинчиғини очиб, Юлянинг кароватидан пастга тушди.
Шу кароватда Юля шу тахлит сиқувга олинади.
Юлянинг қўйлаги устидан осилган ўз қўйлагини олди-да,
сочларини тарари. Юлянинг тароғи билан!

— Қаёққа? Ёт!

— Иложим йўқ! Кетишим керак! Бу ернинг ҳидига
чидай олмаяпман!

— Ўрганиб кетасан! Ёт!

— Қўлингни торт! Тегма менга, деяпман!
Эшитдингми?

— ...

— Саша, мени қузатма, — деди у, ҳозиргина
қирқилган кўкат ҳиди анқийган кўчага чиққанларида.

— Тинчликми?! Сенга нима бўлди?!

— Саша, мен метрода кетаман, тўғри ётоқхонагача.
Метрода ухлаб оларман, — дея Сашани кўндиришга уринди.
— Тўғри, мен дам олишим керак. Мен чарчадим (шундай,
сўзларни чўзиб, гап уқтиришни ҳам қойиллатар эканман-а!
Кетиш, кетиш керак!) Эртага учрашамиз, кечкурун ўт.
Тўққизларда.

— Чинданми? — Саша ишонқирамай қўзларини қисди
(худди Юлькадай).

— Чиндан!

Қўзларингни каттароқ оч! Ўзингни содда қизалоқдай
тут. Оҳиста ўпиб қўй-да, қўл силки. Худди кинодагидай.

— Эртагача!

— Эртагача. Ярим соатлардан кейин қўнғироқ
қиламан, етиб борганингни билишим керак!

У худди Юлькадай, кароватда чордона қуриб ўтириб
олди. Қаршисида Юлянинг каровати. Ногоҳ кечадан бери
ичида тўпланиб қолган дардларини, ҳамма-ҳаммасини
Юлькага тўкиб солгиси келди

Ана у, қаршисидаги кароватда ўтирипти, ана, ҳатто
кароватда унинг ўтирган излари ҳам сақланиб қолган,
худди ҳозиргина ўрнидан тургандай. Улар доим шу тарзда,
кароватларига чордона қуриб ўтириб олганча
сухбатлашардилар.

— Ҳаммасига ўзинг айбдорсан! — деди Натка
қизишиб, худди ҳозир уни Юля тўхтатиб қоладигандай.
— Нега кетдинг?! Мен сендан сўраяпман, нега?! Нега
мени Москвага олиб келдинг?! Мен аллақачонлар эрга
теккан бўлардим. Болаларим чопқиллашиб юришган
бўларди. Чиройли болалар! Бу ерда эса... мен кимман?!
Нега мени бу ерга олиб келдинг ўзи?! А?! Ҳаммасига
ўзинг айбдорсан, сен атайлаб кетгансан, атайлаб
қолгансан, атайлаб Сашани жўнатиб юборгансан!
Костяни эслайсанми? Ўшанда менинг Костям билан
кетган бўлардинг!.. Сенга Саша нима керак? Ахир сен
уни севмайсан-ку! Ўзинг айтгансан! Мен эса севдим,
бугун тонгда Сашани севдим. Боққа бормаганимизда-
ку... Агар сен бўлмаганингда!.. Ҳа, севдим! Ва нима
учун ўзи ҳамма нарса сенга, сенга, ва яна сенга
бўлавериши ...керак? Сен...

— Натка, сени телефонга чақиршияти.

— Етдингми?

— Етдим! Етиб келдим.

*Рус тилидан Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
таржимаси
(“Юность” журнали, 1988 йил, 11-сон).*





Муяссар
САЙФУЛЛОҲ қизи

Бахт тўғни ямаб яшадим

ДУНЁ

Оҳ, дунё, басир дунё,
Оҳ, олатасир дунё,
Билганимдан зиёда,
Айладинг асир дунё.

Оҳ, дунё, ханжар дунё,
Ханжарин санчар дунё.
Яхшини еб тўймаган,
Оч дунё, аждар дунё.

Оҳ, дунё, сарсон дунё,
Қўли мангу қон дунё,
Юрагимни қон қилиб,
Жилмаяр ёлгон дунё.

Ю РАК

Хувиллайди бўм-бўш юрагим,
Синовларда синдимни шаштим.
Дўст-душманга кўринмасин деб,
Бахт тўғни ямаб яшадим.

Ҳисларимни қамаб яшадим,
Курашларда қайнаб яшадим.
Роҳат олмоқ учун ҳар гулдан,
Юрагимни қийнаб яшадим.

Мардлардан дўст танлаб яшадим.
Номардлардан пўст ташлаб яшадим.
Бировларнинг кўнгли ўссин деб,
Ўз кўнглимни гашлаб яшадим.

Фаним уруш эълон қилса ҳам,
Мен бир нурни сезиб яшадим.
У ҳайқирди, мен жим, Худо деб,
Ҳақ йўлида ўзиб яшадим.

ЁМҒИР

Магина онага

Сел каби ёғилдинг,
Бешафқат ёмғир.
Ёки кўзларимнинг,
ёши сенмидинг.

Тўкилдинг кафтимга
Дона-доналаб.
Наҳот қисматимга
Шериксан ўзинг.

Не учун ёмғирдек
Ёғилдинг қалбга.
Ё сен ҳам Осмонга тенгмидинг —
Ёмғир...

ҚИРҚҚИЗ ТОҒИ

Қирққиз тоғи баланд тоғ,
Унда вафо гули бор.
Бориб зиёрат қилиб,
Шу гулни узгин, дилдор.

Қирққиз тоғи сервиқор,
Виқорида сеҳри бор.
Ҳатто тоғ қиррасида,
Табиатнинг меҳри бор.

Қирққиз тоғи чаманзор,
Борганга бахт бўлар ёр.
Шу чаманга кирганинг
Исми бўлар вафодор.

Қирққиз тоғи мафтункор,
Тоғдан бошланар баҳор.
Баҳорни кўрмоқ бўлсанг,
Энг баланд тоғларга бор.




АДИБА ҲАМРО қизи

Гулдор сўзаналар — кўнги гүлзоринг

Мен кўнги гүл сўровдим
Оқди булутлар
Кўз ёшларин
Заминга тўкиб.
Мен кўнги гүл сўровдим
Муздади суккут,
Қорлар эриб кетди,
Тоғлар кўккариб.
Мен кўнги гүл сўровдим,
Боқди жилмайиб
Дунёлар жоғонфидо
Юзларин очиб.
Мен кўнги гүл сўровдим
Муҳаббат ийиб -
Бахтнинг кўйлагини
Тикди энтикиб.
Мен кўнги гүл сўровдим
Кўнги гүллар - тобут
Қалқидилар
Дардларни кўтариб.
Мен кўнги гүл сўровдим
Ҳаммадан, аммо-
Менинг кўнги гүл ётибди
Кўксимга ботиб.

Очилгай гўзал лола
Чети синиқ ниёла.
Боши эгик, қадди дол,
Боқади маънос ва лол.
Қип-қизилдир либоси
Кўз яинайди рангидан.
Лек ичи тўла ҳасрат -
Юраклари саргайган.
Танаси мисли қуёш
Нур сочади сариқ, оқ.
Сугорар уни кўз ёш
Ишқдан қуйиб қорайган.



* * *

Кўзим тумморидан тўкдим, зангори
Сариқ қийиқчага тикканим ҳасрат.
Гулдор сўзаналар — кўнгул гулзори.
Бисёрдир жилолар, савлатдир иффат.

Лоларанг исуриқ тутатдим бугун,
Тезралар-сойларга балқизан офтоб.
Сокинлик қўйнига ёйилар узун,
Тутатиқ айланар мисоли сароб.

Минг дардга даво деб тутун ғурмалар...
Тикканим бир ёнда, игнани суқиб
Чашми гирёнимга сургум сурмалар...
Ойдин тонг кулади малҳамим бўлиб!
Гулдор сўзаналар — кўнгул гулзори!

* * *

Рухлар дунёсини кемирган Соғинч,
Телба бу юракка топил бир илинж:
Бу дардисар гамларни Соғ ва Ич!

* * *

Йиғламоқда олча дарахти
Қон оқмоқда кўзларидан
Ёна ва ёна.
Не учун заминга тўкилмай
Тугилиб бормоқда ҳасрати
Дил-шода.
Ушладим баландроқ шохини
Бошин эгиб берди дарахт
Оҳиста.
Ачиқ ҳасрат териб қувондим,
Очилди унинг ҳам қовоғи
Аста.

ФИКР

КУЛГУГА КЎМАН КЕРАК

Буюк форс-тожик шоири Абдурахмон Жомий ўзининг «Баҳористон» асарида Анварийнинг бир ғазалини келтириб ўтади. Муаллиф Анварийнинг ғоят донишманд шоир бўлганлигини таъкидлаб, унинг бошқа шоирларга насихат тарзида ёзган ғазалини шарҳлайди. Бу ғазалда ҳажв қилишдан инсон кўнглига етиши мумкин бўлган азиятлар ҳажв ёзиб пушаймон бўлган шоир тилидан баён этилган.

Ўзининг ҳаётий тамойилларини старлича аниқлаб олмаган, аниқ бир мақсади йўқ, донолар насихатига қулоқ солмайдиган, ўзгалар тақдирига нописанд қарайдиган киши гумроҳ, яъни тўғри йўлини топа олмаган киши дейилади. Иккинчидан, ижодкорни ҳажв ёзишига ҳирс, ғазаб ва шаҳват каби нафе қувватлари ундаб туради. Бу уч салбий қувват шарқ ахлоқи ва шеърятда уч ит деб мазаммат қилинган кўп кузатилади. Шоир ўзининг бу уч итдан халос бўлганлигини мамнунлик билан тан олиб, ўз тавбасини изҳор этган ва Худога шукрона келтирган.

Анварий талқинига кўра ҳажв, беғазаб, беғараз ва беозор бўлмоғи керак. Бу уч тамойил ҳамма замонларда ҳам ҳажвий асарлардан талаб этиладиган қоида ҳисобланади. Агар бу тамойиллардан бири кам бўлса, ҳажвия эшитувчи томонидан салбий кутиб олинади. Агар ҳажвий йўсиндаги гап замини ғазабга асосланган бўлса, тингловчи ёки кулгу қилинган томон албатта кўнглида рад этади. Шу боис ҳам ислом минтақаси доирасида кулги ва ҳажвийётга

жуда нозик донишмандлик талаблари қўйилган.

Бундан кўринадики, бизнинг миллий қизиқчилик санъатимиз ҳам ўзига хос, ўзига мос узоқ тарихий йўлни босиб ўтган. Бироқ биз уларнинг айримларинигина биламиз. Баъзилари ҳақида узоқ-юлуқ эшитганмиз, холос. Назаримда, қизиқчилик санъати тарихини жонлантириш керак. Бунинг учун энг аввало «Кулгу музейи» ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Уни жиҳозлашда комик мавзуда ижод қиладиган рассомлар ва дизайнерлар салоҳиятидан унумли фойдаланиш мумкин. Шунингдек, кулгу билан боғлиқ барча меросимизни бир жойга тўплашимиз зарур.

Кулгу музейига ташриф буюрган ҳар бир киши албатта кулиб, яйрасин. Музейга келган ҳар бир киши кулгининг ҳаётбахш қудрати неларга қодир эканлигини англаб етсин. Шунингдек бу ерга машҳур комиклар, кулгу шинавандалари, санъатсевар ҳомийлар амалий ёрдам берилса, у янада моддий мустаҳкамланиб, келгусида ўзига хос маърифат масканига айланиб, бошқа музейлар билан рақобат қилиш салоҳиятига эга бўлади.

Кулгу музейи кулгитерапия вазифасини бажаради. Аммо у ортиқча бачканачилик, майнавозчиликдан холи, беғуборлик, беғаразлик деган ахлоқий тамойиллар асосида фаолият олиб борувчи ижодий уй даражасига кўтарилади.

Шерали ҲОЖИЕВ,
илмий тадқиқотчи.



Ўтамиш ҳожи ибн
Муҳаммад ДУСТИЙ

Ўтамиш ҳожи тарихи

Достони Жонибекхон

Чун ҳазрати Жонибекхони машҳур алайҳир раҳма отаси тахтинда хон бўлди, уларнинг адолати, валояти, қаромати машҳур турур. Дашт вилоятинда улар бикин одил ва зобит подшоҳ кечкани йўқ турур. Отасининг тамом давлатини ҳукм қилур эрди.

Андин сўнг Малик Ашраф теган Табриз ҳокими эрди, шайтон ани йўлдин чиқариб, ўз қизини олди. Анинг қисаси ул тариқа эрдиким, бир соҳибжамол қизи бор эрди. Бу бадбахт анга ошиқ бўлди, ҳеч турлик ороми-қарори қолмади. Табриз уламолариндин сўрдиким: «Бир кимарса дарахт тикса, тақи анинг меваси етилса, ўзим у есин ё ўзгагаму берсин?» Уламолар айдилар: «Ўзи ҳам еса бўлур ё ўзга кишига ҳам берса бўлур». Бу бадбахт худ мақсади ўз қизи бўлғондур. Бу сўз бирла турур, тақи ўз қизини олур. Табриз уламолари хонга арзадошт қилди-ларким: «Бу киши биздин бир мағлата (чалкаштириш) бирлан бир масала эшитди. Биз анинг ғаразини билмайин зоҳирини ҳукм қилдик. Мунунг ғарази худ қизинда бўлғондур. Ҳоло қизини олди, бу худ кофир бўлди. Бизлар ҳам кофирга банд бўлур турурбиз. Буқун подшоҳи ислом сиз турурсиз. Эмди сизга вожиб турурким, ани му-сулмонларнинг бошиндин даф қилғайсиз». Айтурлар, хон икинду (аср) намозин ўқуб масжидда ўлтуруб эрдиким, арзадошт келди. Филҳол олимларни йиғиб сўрдиким: «Сизлар бу сўзга не айтурсиз?» Улар ҳам айдилар: «Балли, сизга вожиб турур, бу кофирни муслмонлар бошиндин даф қилғайсиз». Бу сўзни эшитдиким, масжиддин яна уйга бормади. Уч кун ул масжидда ўлтуруб ярогин қилиб отланди. Тақи бориб Малик Ашрафни ўлтуруб, Табриз ва Ироқ вилоятларини олди. Муддати ўттиз йил подшоҳлик сурди. Андин сўнг Оллоҳ таоло раҳматинга восил бўлди. Инна лиллаҳи ва инна илайҳи роҷиъуна.

Достони Бердибекхон

Ўғли Бердибекхон отаси тахтинда хон бўлди. Бу Бердибек баса беақл ва бемулоҳаза киши эрди. Ўзининг қариндошларини, тақи ўғлонларини менга хонлик талашур, деб ўлтурур эрди. Айтурлар, Қонгли Тўлабой теган қавму қариндоши кўп кучлук эрди, бу хоннинг оталиғи эрди. Ҳар не айтса, анинг сўзиндин чиқмас эрди. Анинг бир ўғли бор эрди, Самаи отлиғ. Алл отғучи (мерган) эрди. Ул Самаи Жонибекхон замонида қароқчилик қилур эрди. Анинг жиҳатидин хон алайҳир раҳма ани ўлтуруб эрди. Тўлабой ул ўғлининг аччиғидин бу кенгашни хонга берур, айтур эрди: «Сен ҳоло йигит турурсен. Бу маҳалдақи туғғон ўғлинг тенг ўсар, сен кундин кунга қарирсен. Ул йигит бўлур. Тонгла сен қариғондин сўнг хонлиғингни талашиб олғай. Ҳоло буларни ўлтура турғил.

Қачон қарий бошласанг, андин сўнг қўйғайсен». Ул бедавлат ҳам мунунг сўзига кириб ўлтурур эрди. Бу сабабдин анга Керкин Кўтанхон терлар. Анинг замонинда тафриқалиқ (тарқоқлик) бисёр бўлди. Ўнг қўлни Қиёт Мамай олиб эл-қун бирла Қиримга кетди. Сўл қўлни Қиёт Жир Қутли ўғли Тенгизбуғо Сир дарёси бўйинга олиб кетди. Хон ўз ичкилари (яқинлари ва мулозимлари) бирла Саройда бўлди. Уч йил Сарой шаҳринда подшоҳ бўлди. Андин сўнг вафот бўлди.

Той Тўғлибегимки машҳур турур, Ўзбекхоннинг заифаси, Жонибекхоннинг онаси эрди, ул маҳалда ул ҳаёт эрди. Сойинхон наслидин ҳеч киши қолмади. Бегими мазкур айдики: «Эмди хонлик билла юрт Шайбонхон наслига тегар».

Достони Хизрхон


Ул маҳалда Шайбонхон наслидин Манкутой ўғли Хизр ўғлон терлар эрди, Сойинхон салғон Манкутойнинг юрти Оққўл теганда бўлур эрди. Ўзга ўғлонлардин айрилиб юртинда бўлмоқининг жиҳатин юқорида зикр қилиб турурбиз.

Алқисса бегими мазкур (яъни Той Тўғлибегим) Хизр ўғлонни ундатиб элтиб, Сойинхон тахтинда Сарой вилоятинда хон қилди. Бу сўз мунда мавқуф бўлсун, биз келдик Қиёт Жир Қутли ўғли Тенгизбуғонинг эшикиндақи ўғлонларининг ҳикоятларига ва Тенгизбуғони ўлтуруб Қора Нўғой хон бўлғон ҳикоятларига.

Ул маҳалдақи Ўзбекхон алайҳирраҳма ғазаб қилиб Йўжикхоннинг ўзга заифасиндин бўлғон ўн етти ўғулнинг набираларин эл-қунлари билан Қиёт Исатойғақи қўшун берди, Исатойи мазкур ўлғандин сўнг ўғли Тенгизбуғога қолди. Бу Тенгизбуғо баса беадаб, золим киши эрди. Бу ўғлонларки анинг подшоҳлиғи наслидин эрди, буларга бисёр жафолар ва беадаблик қилур эрди. Нетакки, отаси Жир Қутли (қабри) устинга иморат солур бўлди, ўзга кишин аралашдурмай, иморатнинг тамом ишин буларга буюрди. Ҳаттоки, сув ташинғон, кирпич қуйғон ва кирпич ташинғон булар эрди. Гоҳисининг орқаси яғир бўлур эрди, гоҳисининг тўши яғир бўлур эрди, гоҳисининг оёғи тўғрулиб жафолар етишиб эрди, терлар. Ва Оллоҳу аълам!

Ва тақи ҳар сабоҳ келиб бу ўғлонлар эшиқда қўрлар эрди. Ҳар гоҳки суҳбат тутсалар, Тенгизбуғо ўз қўлиғақи аёқ (қадаҳ) келур эрди, созандалар ўтак (мадҳ) қуйин қўбсалар (чалсалар) эрди. Ҳаминки ўрда ичиндақи ўтак қуйин қўбсай бошласа, билур эди, ул замонки бек қўлиға аёқ келди.

Бу ўғлонлар бўрқларин солиб (бош кийимларини ечиб) юкунуб турарлар эрди, ул замонга тегруки, аёқни



ичкай, тақи ўтақ қўбсамоқ бас бўлғай. Андин сўнг бўр-қларини кияр эрди.

Айтгурлар, бир маҳалда киш чилласи эрди, бу бадбахт суҳбат тутуб эрди. Ногоҳ ўтақ овози келди. Бу ўғлонлар кундаки дастурча бўрқларини солиб юкундилар. Кун совуқ эрди. Хусайн ўғлон теган Темур Қутлуг ва Ўрусхон оталарининг қариндошларидин бўлур эрди, кулоқи ушуди (совуқ қотди) тақи ёрусиндин кўпраки тушди. Андин сўнг анга Чиноқ Хусайн терлар эрди.

Бу ҳикоятлар, бу сўзларки эмди зикр қилгум турур, ҳазрати хони мағфур ва марҳум табаллоху сороху ва жаалал жанната мисвоҳа - ҳазрати Элбарехондин эшитиб турурмен. Улар қари сўзни яхши билур эрди.

Бердибекхоннинг подшоҳлиқидин уч йил ўтди. Тўртинчи йил куз бошиндин хон хаста бўлур эрди. Тенгизбуғо Сир бўйинда қишлаб эрди. Хоннинг хасталиқ хабари муттасил келур эрди. Кун сабоҳ вақти эрди. Бу ўғлонлар бек эшикинда қўлаб эрдилар. Тенгизбуғо ул кун саҳар вақтидин қўнуб суҳбат тутуб эрди. Созандалари ябо куйини қўбсаб, йировлари (оқинлари) йирлар эрдилар ва гавго ва нишотлари (хурсандчиликлари) бор эди. Сабоҳий кунлари совуқ эрди. Бир куранг (бўз) от минган, бўри териси тўнни жўра кийган киши ўрдага яқин келиб тушди. Тақи отин кириб (усту ёпиқ) арабасинга боғлади, ўқ-садоқини араба устига қўйиб ўрдага инди. Қўбсай тўғон созандалари, йирлай тўғон йировлари барчаси бас бўлди. Муддати мадид (анча муддат) бу эл мажлисидин ун чиқмади. Андин сўнг яна созандалар қўбсай бошладилар ва суҳбат даркард (қизгин) бўлди. Бу ташқариғи ўғлонлар бу ҳолатни мулоҳаза қилиб фикр қилур эрдиларким: «Ие, бу келган киши не киши бўлғай экан, бу эл-мажлисида бу тариқа мутаҳаййир (ҳайрон) бўлдилар», - тею. Бу ўғлонлар орасинда икки киши бор эрди. Бириси оқил ва доно эрди, анинг отин Букри Аҳмад терлар эрди. Баъзилар айтурлар, Соғиши ортуқ (доничман) Сайчи ўғлон терлар эрди. Яна бириси аш, отқучи, баҳодир эрди, андонгим ул замонда ҳамтоси (унга тенг келадиган киши) йўқ эрди. Анинг отин Қора Нўғой терлар эди. Сўнгкида суҳбат даркард бўлди, оз фурсатдин сўнг Қора Нўғойга ундакчи келдиким: «Бек сизни чорлайдур», - теб. Бу қўнуб бек қошига инди. Бироз фурсат яна хомуш (жим) бўлдилар. Андин сўнг яна суҳбат даркард бўлди.

Букри Хожа Аҳмади мазкур бу ўғлонларга айдиким: «Кўрдингизму? Бердибекхон ўлубтурур. Ул келган киши хоннинг ўлган хабарин келтирди. Буларнинг бир ош пишим хомуш бўлур мутаҳаййир бўлғони ул сабабдин эрди. Қора Нўғойни чорлаб олғони ул турур: ани хон кўтарурлар, тақи тонглақи кўрунишда барчамизни қирарлар. Бизнинг ишимиз мушкул бўлди. Букун ахшом бирла бир иш қила олақ - олдуқ, қила олмасак тонгла барча ўлумга борғу турурбиз». Чун булар доим синаб эрдилар, мунунг кенгаши ўзга бўлмас эрди. Барчаси айдилар: «Сиз не турлик маслаҳат кўрсангиз, андоғ қилоли». Хожа Аҳмади мазкур айдилар: «Маслаҳат ул турур: Нўғой мундин кеч отланур. Уйининг ёри (ярим) йўлига етканда тутуб отдин йиқиб, мазбут (маҳкам) боғлаб пичоқни бўғзинга қўйиб, бу хабарни сўроли. Агар ростин айтиб бизнинг бирла иттифоқ қилур бўлса, биз ҳам ани хон кўтарали. Ва агар ростин айтмаса, анда-ўқ ўлтурали ва текмамиз (ҳар биримиз) бир ёнға қочоли», - теди эрса, барчаси бу сўзни маъқул қўриб, ахду шарт қилдилар.

Чун намозшом яқин бўлди эрса, Нўғой бек мажлисиндин қайтиб отланди. Бу ўғлонлар ҳам бирга отландилар. Кўрдиларким, кундакидин чехраси, таври-тариқаси ўзгача бўлур эрди. Кунда кўрунишдин қайтиб эвга борғунча ўйнай-қула борур эрди. Букун ҳеч кишига сўз-ун қотмай беиттифоқ борур эрди. Эвларининг ёри йўлига етдилар эрса, қоронғу бўлди. Филҳол жиловлаб отдин

йиқиб мазбут боғладилар. Нўғойи мазкур айди: «Менинг гуноҳим не турур, мундоғ қила турурсиз?» Хожа Аҳмад айди: «Сендин бир сўз сўрарбиз. Агар ростин айтсанг, бизнинг бирла иттифоқ қилсанг, сени хон кўтарали, тақи ахду вафо ва шарт қилоли. Сенинг навкарчилигинингдин бўйун тўлғамағайбиз. Агар ростин айтмасанг, таҳқиқ (аниқ) билгилки, сени бу ерда ўлтираминиз». Айди: «Не сўрарсиз - сўрунг!» Хожа Аҳмад теди: «Ростин айтгил, ул келган киши не айди? Ва тақи сени чорлаб бек не айди?» Айди: «Ул келган киши не айтғонин билмон. Мени чорлаб ҳеч сўз айтмади», - теди эрса, Хожа Аҳмади мазкур айди: «Эй бадбахт, сен айтмасанг, мен айттайин. Ул кишики келди, хоннинг ўлганини айта келди. Тақи сени чорлаб олғони ул эрдиким, сенга айдиким: «Сени хон кўтарали, вали рози бўлғилким, қариндошларингни ўлтурали. Агар ўлтурмасанг, улар сендин улур турур, сенинг хонлиқингга бўйун сунмасдур». Сен ҳам ул ишқа рози бўлдуңг. Эмди андоғ қилмағил. Бу кишидин не хўрлиқлар кўрмадик эрди. Сен бизнинг ичимизда хон бўлур, бизга бош бўлсанг, ани ўлтуриб андин ўчимизни олмоқ осон турур. Менинг бу сўзумни қабул қилгил. Сени хон кўтарали. Кўтариб сенга навкар бўлурға не чоқли ахду шарт тесанг ичали. Бизнинг ўларимизга сабаб бўлур, қиёматта теғру ёмон отни бетингга олма!», - теди эрса, ул тақи айди: «Андоғ бўлса, қўлум-оёқимни бўшатинг. Сизга ростин айттайин». Қўл-оёқин бўшатдилар эрса, қўнуб ўлтуриб Хожа Аҳмади мазкурға кўп таҳсинлар қилди. Айди: «Бу сўзларни фаросат бирла айдинг, ҳеч хилофи йўқ турур ва барчаси рост эрди. Эмди сиз мени хонланурға яхши ахду шарт қилсангиз, маслаҳатингиздан чиқмайин». Булар тақи ахду шарт қилдилар. Нўғой айди: «Тонглақи кўрунишга борурбиз, ул мени чорлаб олмоқ турур. Андин сўнг сизларни чорлатур. Сизлар эвга киргач, қатиндақи кишилар бирла бўлдуңг, мен ўзи бирла бўлайин».

Тонгласи кўрунишга бордилар, ул айтқонча Нўғойни чорлаб олдилар. Бир замондин сўнг буларни чорлай киши келди. Булар ҳам яроғланиб келиб эдилар. Барчаси кўнгли (дадил) юриб эшикдан киргач, қўл тебратдилар. Нўғой Тенгизбуғо била тўрда ёнаша ўлтуриб эрди. Филҳол боса олғоч бошин кесдилар. Бўйда (ханжар) бирла санчиб ташқари олиб чиқдилар, тақи чорлатдилар: «Ўзга кишига ўлум йўқ турур. Ерлик ерингиздан тебранмангиз», - тею. Халқ ерлик ерида қарор топқондин сўнг Нўғойни оқ кийизга солиб, барча иттифоқ бирла хон қилдилар.

Манқутой ўғли Хизрхон бирла Қора Нўғой иккиси бир ой ичинда хон бўлдилар. Вали Хизрхон Сарой ичинда Сойинхон тахтида хон бўлди, Қора Нўғой Сир бўйинда сўл қўл ичинда хон бўлди.

Эмди келдик Хизрхон ҳикоятига. Ул маҳалдақи, Той Тўғлибегим Хизрхонни чорлаб элтиб Сарой тахтиндақи хон қилди, Ўзбекхон бирла Жонибекхондин қолғон олтун термани (ўтовни) ўрға (шоҳона ўтов) солди. Айтурлар, бегим сочини қораға бўяди ва хонға тегарға майл қилди. Хоннинг ҳам олурға майли бор эрди. Вали наймандин Қутлугбуғо олтиг беги бор эрди, ул рози бўлмади. Айди: «Ул Ўзбекка, Жонибекка ихтиёр бўла келган киши турур. Сен бир тури ўган киши турурсен. Сендин син (айб?) топар. Олмоғил». Анинг сўзига кириб олмади. Чун бегим олмасин тўйди эрса, бурунқидин иззату ҳурматни кам қила бошлади. Хон ҳам анга ўжашиб (ўчакишиб) олтун термани бузуб қозоқларинга улаштурур бўлди эрса, эшитиб хонға бегим киши юборди, айди: «Андоғ қилмасунлар. Хон бўлғон кишига олтун-кумуш топилмас нарса дағулдур (эмасдур). Аммо бурунқи яхши кишилар ясагон иморатни бузмасинлар». Анинг сўзига кирмайин бузуб улаштурди. Бегим тақи анга аччиқ қилиб бекларининг ичкисини (яъни ўзига тобе бекларини) йиғиб, хонни қувалади. Хон қайтиб яна Оққўлга келди.

Бегими мазкур бир кишини Келдибекдур, теб хон кўтарди. Ўзга беклар анга «ёлгон Келдибек» терлар. Барча халойиқлар айдилар: «Келдибеки Бердибек ўлтуруб эди. Ул нечук тирилди?»,- теб ал анга бўйун сунмадилар эри. Буовул наслидин бўлур эрди, Бозорчи отлиғ, ани хон кўтардилар. Ул маҳалда улур беклардин Сижуд Алибек бор эрди. Бу Бозорчиға бўйун сунмас теб, бегим ани чорлатиб келтуруб ўлтурди. Алибекининг Барчин отлиғ ўғли бор эрди. Ул қочиб қўнғирот Ноғодой ўғли Оқ Хусайинки, Хоразм вилоятининг ҳокими эрди, Барчин анга еган (жиян) бўлур эрди, анинг қошиға келди эрса, бегимнинг бу ношойиства ҳаракатларидин ҳаросон бўлур (қўркувға тушиб) бегимдин ўрой гардон бўлдилар (яъни юз ўтирдилар). Бу аснода Оқ Хусайин Хизрхонға элчи юборди, айди: «Ул заифа шайтон йўлиға кириб мунунгтек ҳаракатлар қила турур. Биз - худ андин ўрой-гардон бўлдуқ. Сиз агар бош бўлур ҳиммат тутсангиз, устунга юрурбиз». Ул ҳам аччиғелиғ (адоватли) киши эрди. Оқ Хусайин Хоразм лашкарин тамом иттифоқ қилиб Оққўлга бориб, Хизрхони мазкурни хон кўтариб, Сарой вилояти устунга юриди. Сарой устунда уруш бўлди. Бозорчи, тақи бегим қўлга тушдилар. Бегимни бир қорқуям (ёпиқ чана)ға миндуруб, өзини мазбут қилдилар. Тақи бир амлак (асов) айғир отни екиб (қўшиб) бош солиғға (боши оққан томонға) қўя бердилар. Бу амлак от аробани олиб қочиб ёлларға, қочуларға уруб эрди, то бегим ҳалок бўлди. Ўзбеклар Той Туғлибегимни Хизрхон ўлтуруб турур терлар. Кайфияти (тафсилоти) бу турур.

Ани ўлтуруб Хизрхон иккинчи навбатки хон бўлди, бир йил-ярим подшоҳлик қилиб эрди. Бурот отлиғ бир ёмон ўғли бор эрди. Отасининг хонлиқига чидамай, гофиллиқда ани санчиб ўлтурди ва ўзи хон бўлди. Икки-уч кун кечмай ани ҳам ўлтурдилар. Андин сўнг бузукдук воқеъ бўлди. Ҳар киши бир тарафда бош кўтарди. Сарой шаҳри бузулди. Элниг қўши Қирим вилоятиға Қиёт Мамай қошиға кетди. Бу сўз мунда тамом бўлди, яна келдуқ Қора Нўғой ҳикоятига.

Қора Нўғой Сир бўйида уч йил подшоҳлик қилди. Туркистон вилоятлариға ҳукм қилур эрди. Уч йилдин сўнг вафот тоқди. Иниси Туғли Темур теган хон бўлди. Фаҳри салотни (султонлар фаҳри) ҳазрати Дўст Султондақи дафтарда айтиб эрди: Бу Туғли Темур улур подшоҳ бўлди, Самарқанду Бухороға ҳукм қилур эрди. Аммо муддати подшоҳлиқи маълум эрмас.

Достони Ўрусхон

Андин сўнг Бодик ўғлон ўғли Ўрус хон бўлди. Бу Ўрусхон улур подшоҳ бўлди. Тамоми Туркистон вилоятлариға ҳукм қилур эрди. Тўхтамышхон биле Темур Қутлихонға ул маҳалда хонлиқ тегмайду эрди. Бу хони мазкурнинг хизматинда бўлур эрдилар. Чун инояти азалий бирла фарри подшоҳий (подшоҳлик шавкати) Тўхтамыш ўғлоннинг зотинда пайдо эрди, хоннинг навқарлари тақи ўзга халойиқлари ихтиёр бу ўғлони мазкурға бердилар. Бу бошдин хони мазкур ёмон айланиб, Тўхтамыш ўғлонға қасд қилур бўлди.

Хитой Бобоалибий теган ҳожитархонли Абдулкаримхоннинг улур беги ва ноиб киши эрди. Хони мазкур ўлгандин сўнг Макка тавоф қилиб, ҳожи бўлур келди. Андин сўнг султон Фозий Султон хизматлариға келди. Чун ҳазрати султон қари сўзға бисёр қобил эрдилар, улар сўрдиларки: «Тўхтамышхонни Ўрусхон эшикидин чиқвонду эр, терлар. Ул не тариқа бўлғондур?»,- теб сўрди эрса, ҳожийи мазкур ҳам бу тариқа ҳикоят қилдилар. Фақир улардин эшитиб турурмен. Улар айди: Ул маҳалда Ўрусхон Тўхтамыш ўғлонға қасд қилур бўлди, андин бурунроқ Кенага Қуғон ўғли Дарвишак Мирзони Чифатой подшоҳлариға элчи юбориб эрди...

Сир ёқалаб хон ўрдасинға келур эрдилар. Кун совуқ эрди. Урик Темур Мирзодин сўнроқ келур эрди. Ноғох Сирнинг ёқасинға қўзи тушди. Қамшининг тубинда кўрди,

бир яланг терлик кийган йигит сувдин чиқиб юз тубан тушуб, икки буқулиб қалтирай ётиб эрди. Кўнглида айдиқим: «Мунга худ бир иш тушган киши турур»,- теб йўртиб Мирзонинг сўнгитидин етди, тақи айди: «Мирзом, иноятинг бўлса, хон ёрлиқи бирла хизматинг қилиб келиб эрдим. Эсон-омон эл ичинга индингиз. Ўрдаға яқин келдингиз. Мен хонға кўруниш қилур киши эмасмен. Мени эмгатиб элтиб неткайсиз? Мен мундин - ўқ уйимни истасам бўлғайму?»,- тебди эрса, ул Мирзо ҳам ижозат берди. Қайтиб бояқи ерга келди. Отин йироқда боғлаб, ўзи яёғ бўлур келди. Ул кишининг қошиға келди, кўрдики, юз тубан тушуб қалтирай ётур эрди, оёқидан ёмон яраси бор. Бу сўрдики: «Не кишисен?» Айди: «Не сўрарсен? Мен бир эмгаклик (жафоқаш) қулмен». Бу айди: «Мен эмгаклик эканингни кўра турурмен, отинг айтғил». Айди: «Мен Тўхтамыш ўғлонмен. Бурун ҳам бўлса сезиб юрур эрдим. Саҳар вақти эрди, хоннинг кишилари келиб уйимни босдилар. Отқилаша (отипа-отипа) чиқдим, кўрдимки, киши кўчур. Дарё яқин эрди, ўзумни дарёға солдим. Сувға тушканда отдилар. Бу ёмон захм... Тебранур қочқи мажолим йўқтур». Урик Темур айди: «Менинг истегим... Бошим, молим сенинг йўлингда қўяйин. Худойи таоло сенга давлат берса, мени унутмағил». Тўхтамыш: «Ҳар қачон Худойи таоло давлат берса, сени давлатимға шерик қилиб, сенинг сўзингни, ўйингни ва ўтунингни (ўтинчингни) ўзга қилмағаймен»,- теб оит ичди. Урик Темур филҳол эғниндақи кўрпа тўнин чиқариб (Тўхтамышни) мазбут қулғади, тақи олиб юриган озукиндин олинда қўйди. Тақи «Мени келмас, теб кўнглунгни ёмон қилмағил. Менки тирикдурмен, албатта сенга келурмен. Сени ушбу ердин топайин»,- теб отланди.

Тақи Урик Темур уйига келди. Ўз уруғлариндин бир неча кишилар билан иттифоқ қилиб, от ва яроғ олиб келдилар. Тақи ўғлони мазкурни (Тўхтамышни) Темурбек (Амир Темур) қошиға олиб қочдилар. Темурбек ул маҳалда янги хуруж қилиб, Бухоро ва Самарқандни олиб эрди. Буларки келдилар, бисёр яхши кўра олди. Жарроҳлар келтурдилар. Оёқиндақи бошоқни (ўқ учини) олдуруб, кўп турлик дорулар қилдуурди, то бир ойдин сўнг яхши бўлди.

Ул киши бек (Амир Темур) хизматида бўлдилар. Ёзки очилди, бек бир неча киши кўчди. Хон (Ўрусхон) яйлоғға чиқиб бора турғонда, эл сўнгитидин келиб йилқи қувдилар. Қувғин етиб урушиб, буларни босдилар. Яна бек қошиға қайтиб келдилар. Алқисса, Тўхтамыш ўғлон қоқоқлаб юруб хоннинг элидин йилқи сура эрди ва эл чопар эрди. Ва ширин, барин, аргун, қишқоқ Тўхтамыш ўғлоннинг ота-оналаридин бойри эллари эрди. Бу ўғлони мазкур қоқоқлаб юруб бу тариқа ишлар қила бошлади, бу эллардин даъволик йигитлар бориб анга навқар бўлиб мадад бера бошладилар. Ва Ўрусхон ҳам бу элларға бисёр жафо қила бошлади. Булар ҳам Тўхтамыш ўғлонға киши юбордилар: «Сендин сабаб хон бизға ғазаб қилиб молимизни ола турур. Бошимизнинг ҳам хатари бор. Бир турлик бизнинг фикримизни қилмасанг, сенинг ёқанг - бизнинг алимиз (қўлимиз) турур, қиёмат кунни бўлса»,- тедилар. Ўғлон бу сўзни эшитди эрса, қўнгли паризшон бўлур. келган кишиға айди: «Бу йил яйлоғға чиқарбиз, элнинг сўнгитини ола кўчинг. Фалон сувнинг бўйида ёйлангиз (яъни ёзги қароргоҳ қуригиз), тақи яроғингизни қилиб турунгиз. Ишоллох, ўлмасам, ўзумни еткурғум турур сизларға». Ёзки келди, хон яйлоғға кўчди. Бу эл тақи эл сўнгитидин кўчар эрдилар. Яйлоғғаки етдилар, ҳар эл бир сувнинг бўйиға кетдилар. Бу эллар булжол қилгон (махсус белгиланган) сувнинг бўйиға келиб ёйладилар. Халойиқлар қимиз ичиб, айш-ишратға машғул эрдилар. Бу аснода Тўхтамыш ўғлон бу элнинг ичинга кириб келди. Чун булжол (махсус буйруқ) бирла яроғларин қилиб эрдилар, ҳар қадхудо (оила боқлиғи) бир талаганға (усти ёпиқ араваға) икки от екиб ўғул-қизларин миндирғач, қочдилар Эдил дарёси тарафиға. Икки кундин сўнг Ўрусхонға хабар келди. Тўхтамыш ўғлон келиб ширин, барин, аргун, қишқоқ ва тақи сойир (ўзга) эл-



ларни олиб Эдил дарёсига ёвушди (яқинлашди), теб. Хон қошидақи кишилар билан филхал отланғач атроф жонибга киши чоғтуруб, ўзи бу эллар сўнгини қувғин солди. Хоннинг эллари яйлоғга тарқаб эрди. Отларнинг семирган маҳали эрди. Хон қаттиғ илғади. Йироқдақи элларнинг черики (аскарлари) хонга етиша олмади. Яқиндақи эллар ҳам отлари семизлаб қолди. Буларга (қочоқларга) яқин еткан маҳалда хоннинг қошида киши оз қолди, икки юз киши, кўп бўлса уч юз киши бўлғай эрди. Кун уёғиб (ботиб) бора турғонда бу қочғон элнинг қоровули хоннинг черики чағини кўриб қолдилар. Булар кенгаш қилдилар: «Элларнинг отларининг бўйни қотиб кела турур. Оз-кўп темас, ҳар қачон етса бизга тегар (ташланар). Биз - худ ўлум кишиси турур-биз, аҳду аёлимиз устида ўларбиз. Бўлмаса тухмимиз (уруғимиз) қурумасин. Отга боруртек ўғлонлар била Жалолиддин султонни тақи Яхшихожани сайлаб чиқариб, икки йўл билур кишини уларга тайин қилоли. Ун эшитилур чоқли ерда ўрқуннинг (бош қароргоҳнинг) ёнинда олиб юрусинлар. Агар ёғийни биз боссақ, суронимиздин билиб бизнинг ортимиздин келгайлар. Агар ёғий бизни босса, суронимиздин маълум бўлғуси турур, турмай қоча кўрсинлар»,- теб иттифоқ қилдилар. Жалолиддин султон бошлиғ Яхшихожани - Урик Темурнинг улғу ўғли эрди- яна бир неча отга боруртек ўғлонларни сайлаб чиқардилар. Жалолиддин султон ул маҳалда ўн икки ёшинда эрди. Яхшихожа ҳам ул қадар эрди.

Булар бу кеча ўрқуннинг ёнинда ун эшитилур чоқли ерда борур эрдилар. Туниунг бир пахши (қисми) ўтқанда хон буларнинг сўнгидин қувиб етди. Кўчларин (аёлларини) олинга солиб, сўнгидин ясол ясаб борур эрдилар. Хон айди: «Бу киши биздин кўп турур. Ногоҳ тонг отиб, бизнинг озлиқимизни кўрса, ёмон турур. Кеча бирла- ўқ шовқун солиб тегади. Озги-кўлгиғимизни билмас, қочар». Тақи сурон солиб тегдилар. Бир тўлғашибки чиқдилар, Урик Темурнинг оти йиғилди, фарёд қилиб айтур эрди: «Эй номард Тўхтамиш! Сўзимиз андоғму эрди? Қайтиб тўлганса, мен қолдим!» Ул аснода ул ўғлонлар отларининг бошин тортиб, бир ерда туруб қулоқ солур эрдилар. Яхшихожа отасининг унин таниди, Жалолиддин султонга айди: «Кўрдингму? Ул менин отам турур, ани тушурдилар, Дамбадам сенин отангни ҳам тушурдилар. Оталаримиздин айрилиб биз ёш ўғлонлар не кун кўргаймиз? Биз ҳам бирга ўлганимиз яхшироқ дегуғму эмасми?»- тебди эрса, Оллоҳ таолонинг нусрати бирла Жалолиддин султон тақи ўғлонлар кўлға (асосий лашкарга) тофа келиб (от чоғтириб келиб) ҳар бириси бир шермард йигит бизин сурон солиб бир йўла от солдилар. Хон кишилари кўрқуб тизгинларин тортидилар. Тўхтамиш ўғлон ёғийга қайта салғоч келибки тегдилар, Урик Тимури кўтариб олғач кетдилар. Хон кишисининг отларининг бўйни қотиб келиб эрди, кўп кишисини шундоқ - ўқ олдилар. Вали сўнгинда қўли (асосий кучлари) бор, теб яхши қува олмадилар. Тушқан кишини шул ерда ўқлаш қилдилар (яъни отиб ўлдирдилар) ва от-яроғин олиб сўнгинча юрий бордилар. Хоннинг кўлға тушмаган кишилари овлоқ чиқиб йиғилдилар. Кўрарлар ҳеч ерда хон йўқ. Буларнинг бириси айди: «Мен хон қошида эрдим. Хонни икки киши келиб тутғонин кўрдим. Андин сўнг не бўлғонин билмадим». Қайтиб уруш еринга келдилар, хоннинг ўлукин тоңдилар. Филхал хоннинг майитин олиб, қайта эвларига қочдилар. Улар ҳам (яъни Тўхтамиш одамлари) сўнгтимиздин хон етар, теб ул ёнга қочдилар. Ўрусхоннинг ўлганининг кайфияти (тафсилоти) бу эрди.

Ўзбеклар айтурлар: «Жалолиддин ўғлон эканинда бир бўлак ўғлонларни бошлаб, отаси бирла Ўрусхон уруша турғонда кўндалангдин от солиб, Ўрусхонни босиб ўлтурди»,- теюрлар. Жихати бу турур.

Тўхтамиш ўғлон Ўрусхоннинг ўлганин билмай қочиб, Кўкадой Йисбуғо теган яхши ўтлоғли-сувлоғли ерлар бў-

лур, ул ерга бордилар. Ул аснода Шайбонхон набираларидин Илфокхоннинг ўғли Қонбой ўз элининг ичинда хон бўлб, Кўкадойни ёйлаб эрди, анинг қошига келди. Ул тақи анга беҳурматлик қилиб Танг қолида (Дон дарёси қуйилишида) ўрун берди. Тўхтамиш бир неча кун юригандин сўнг иноқлариндин Қонбойга айтурди: «Эрқлик киши хон - ўз отам-оғам турур. Мен уларнинг қиличин чопарга йўбонмен (бурчлиман). Қора киши Мамай халқ-улусни тамом олиб турур. Хон (Қонбой) бизга бош бўла борсалар, анинг (Мамайнинг) устига юрсақ. Тангри таоло ани бизга берса, худ азамат улғу хон бўлур эрдилар. Бизлар ҳам отли-тўнли бўлур эрдук». Қонбой ҳам бу сўзни эшитиб, бошда отланурни ўхшатиб эрди. Сўнгига қайта кенгаш этиб, отланурни бартараф қилди. «Шайбонийники эгри кенгаш»,- теб Қонбойга бу сўздин лақаб қолди.

Чун Тўхтамиш ўғлон Қонбойи мазкурдин ноумид бўлди эрса, ижозат тилаб кетар бўлди. Ул маҳалдақи Араб ўғлон, ҳазрати Ёдгорхоннинг учунчи отаси (аждоди) турур, Қонбой билан икки уя ўғлонлари (яъни яқин қариндошлари) эрдилар, бисёр мунғым-молвор (бой-бадавлат) эрди. Ул Тўхтамиш ўғлонин чорлаб эвга тушурди. Отлар-қўйлар кўп ўлтуруб, яхши меҳмондорликлар қилғондин сўнг айди: «Холо ого бўлб элимизга бош бўлб турғон кишимиз - Қонбой эрди. Бу бошлаб отланғай, теб умидвор эрдук. Бу қодбахт эгри борди, отланмади. Бу чоқли от отониб (ном қозониб) турғонда мунунг ёсосини бузуб кетмакин, ўзумга ўхшата олмаймак. Сени илғари ҳам эшитқанмен, умидлик, яхши киши кўруна турурсен. Тангри таоло ишингни ўнгдур қилғай. Бир йўли мендин сенга ҳиммат - мадад ул турур: йилқимни суриб, олинга солайин. Соғар биёларим менга қолса, етар. Отдин, байталдин ҳар не йўлунга ярач чоқли бўлса, олиб кетил»,- теб илқисин келтуруб олинга солди. Айтурлар, Тўхтамишга дўнон, бешлик отдин ва байталдин бошқа олтмиш тўрт таналиғ от тутдилар.

Достони Тўхтамишхон

Тўхтамишхон ўғлон андин отланиб Эдил дарёсига келди. Сарой шаҳринда хон-султон йўқ эрди. Келиб Саройни олди. Тақи одина (жума) масжидинда иттифоқ қилиб хутба ўқуб хон бўлди. Отланиб Қиёт Мамай устунга юриди. Мамай ҳам азим лашкар била қаршу келди. Қаттиғ уруш бўлди. Мамайнинг лашкари босилди, ўзи ҳам кўлға тушди, ўлтурдилар. Эл-қуни кўчуриб, Эдил дарёсининг бўйинга келтурдилар. Бу қаррат Тўхтамишхон Сарой шаҳринда Сойинхон тахтинда улғу подшоҳ бўлди.

Жонибекхондин қолғон навкар-элларнинг кўпи Мамайда эрди. Мамайни ўлтуруб эл-қуни ва навкар-савдарин олиб Сарой вилоятингаки келди, Дашт вилоятиндақи ҳар қайда сарқаш бўлб бош кўтариб юрган кишилар чорасиз бўлб, ўзлари келиб мутеъ бўлб навкар бўлдилар. Қонбойи мазкур ҳам келди. Анга: «Ўзунг берган ўрнунгдур»,- теб Танг қолида ўрун берди. Аммо Араб ўғлонга туруб кўришди. Ўнг қўлдин юришиб, ўзинга ёнаша ўлтуртуб ёриш сундурди. Ул мажлисда жатба йирлар (қўшиқчилар) айтурлар:

*Сен Кўкадайда хон бўлдинг,
Кўрачкинг кўйдурдинг
(Кўкрагингни иширддинг),
Биз сенга кўп тўнғайиб бош урдук,
Кетимиздан нега келдинг, Қонбой?-*

теб йирлар эрди.

Алқиса, кўп турлик иноятлар ва суюрғоллар Араб ўғлонга қилиб ҳукм қилдиким: «Шайбонхонга тааллуқ эл-қун бари сенга йиғилсунлар. Ва ҳар қайда хожасиндин қочғон қул, ясоғдин қочғон эл бўлса...»



Мўмин ҲОШИМҲОНОВ

МАШРАБ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИГА ДОИР ЯНГИ МУЛОҲАЗАЛАР

Қозоқ ёзувчиси Мухтор Авезов умри қаймоғини «Абай йўли» романига бағишлагани каби мен ҳам умрим мазмунини Машраб ҳаёти, фаолияти ва илмий меросини ўрганиш деб биламан.

Ҳозир Машраб ҳақида мўлжаллаган беш жилдлик тадқиқот ишимнинг учинчи жилдини тугаллаш арафасидаман. Бу тадқиқотларда Машраб дунёқарши маҳсули бўлган ғазалиёти, «Мабдаи нур», «Кимё» асарлари, янги топилаётган шеърлари адабий-бадий, социологик ва фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилинади.

Зиммамдаги иш нечоғли мураккаб ва масъулиятли эканлигини ҳис қилиб турибман. Битта масъулият ҳушёр торттиради: бирорта Машраб ғазалини ёки тадқиқотчилар фикрини такрорлаб ёзишдан чўчиб тураман ва шу ҳолат рўй бермаслигига ишонаман.

Машрабнинг фидойи тадқиқотчилари асарларини синчиклаб ўрганиб, Машраб ижодини, у қолдирган ижтимоий-маънавий мероснинг нақадар аҳамиятли эканлигини, беором ва соҳир қалб Машраб қувваи ҳофизаси юксаклигини англаб бормоқдаман.

Машраб тадқиқотчилари Исматуллоҳ Абдуллоҳ, Абдурашид Абдуғафуров, Жалолиддин Юсуповларнинг хизматларини таъкидлаганим ҳолда, айниқса заҳматқаш хатирчилик, унвон талабида бўлмаган Ж.Юсуповнинг бугунги кунда шоирнинг юзлаб шеърларини топиб халқимизга туҳфа қилаётганидан мамнунлигимни изҳор қилмоқчиман. Ж.Юсупов саъй-ҳаракати туфайли «Янги аср авлоди» нашриётидан Машраб янги шеърый мажмуаси чоп этилиш арафасида.

Машраб Наманган фарзанди, унинг ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш, Афғонистондаги


қабрини зиёрат қилиб, илмий меросини қайта тиклаш ва халққа етказиш долзарб ишдир.

Шуни ишонч билан айта оламанки, Машраб 1640 йилда эмас, 1653 йил Наманган шаҳар Мадрохлик маҳалласида туғилиб, 58 ёшида Қундузда қатл қилинган. Унинг бўш биринчи қабри Балх шаҳрининг «Жавонмарди қассоб» деган қабристониди, унинг иккинчи қабри-хоки, жасади жойлашган қабр эса Тоҳар вилояти Ишканмиш қишлоғида жойлашган. Маҳмудхон Қатағонийнинг вазири Масъуд туш кўриб, тушида Машраб уни хокини Ишканмишга кўчиришини айтгандан сўнг, 3 кун дор, 3 кун қабрда тургандан сўнг, 7-кун бу вазифани адо этган, яъни хок иккинчи қабрга кўчирилган.

Биз бу йил Машраб таваллудининг 352 йиллигини нишонлашимиз, вафотининг эса 294 йил бўлишини қайд қилишимиз керак эди.

1. Зиёвуддин Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкираи қаландарон» асарининг энг сўнги хотима қисмида шундай хабар берилган: «Алқисса, рамазони шарифни ўн еттинчи кун ва вақти намози жумъадан сўнг Шоҳ Машрабни Мансурвор сиёсат дорига тортмушлар. Андоғ маълум бўлурки, қатли ом муддатинда таваллудларидин эллик етти сана кечуб эрди. Охирул охир девонаи Мажзуб Шоҳи Қаландар валлиюллоҳ Машраб шаҳиди аъло тариқин топуб Мансур мақомига етуштилар»¹.

Жалолиддин Юсупов куйидаги фикрни илгари суради: «Яна далил шуки, Исҳоқ Боғистоний ўзининг «Тазкираи қаландарон» асарида «Ҳазрати Шоҳ Машраб мавтлари айёминда умрларидан 58 сана кечуб эрди», дейдилар. Филология фанлари номзоди Муҳсин Зокиров далил келтирган ушбу тазкирани кўрган эмасман. Ҳолибо, бу фикр тўғри кўринади...



Раҳимбобонинг Балх ҳукмдори Маҳмудбий Қатағон амрига кўра Қундузда дорга осиб ўлдирилганлиги ҳамма манбаларда бирдек аниқ кўрсатилган. 1711 йил! 58 ёшида қатл этилганлиги аниқ бўлгандан кейин, муқаррар тасдиқ шулким, у 1653 йилда Наманганда туғилган. Бундан чиқадики, шох Машрабнинг ҳаёт йўли шундай: 1653-1711².

3. Нарпайлик ўқитувчи Хайриддин Бегматнинг ҳали сиёҳи қуримаган «Девонаи Машраб» китобининг «Сўнг сўз»ида ёзувчи шундай дейди: «Олимлар қаламидаги «Ёши етмиш бирга кирган бандаи радди фалак» мисрасини мен учрата олмадим. Чамаси у мисра Машраб қаламига мансуб эмас. Шоир ёшини эллик саккиз сана деб белгилаган Зиёвуддин Исҳоқ сўзлари ҳақиқатга яқиндир»³.

Кўплаб олимларнинг ва тадқиқотчиларнинг, хусусан, Абдурашид Абдуғафуров ва Исмагуллох Абдуллохнинг Машраб 71 ёшда қатл қилинган деган иқтибосни келтиришини ўйлаб кўрайлик, 71 ёшга кирган мункиллаган чолни эмас, айни куч-қувватга тўлиб, подшоҳни танқид қила олган Машрабни 58 ёшида қатл этишган. Исҳоқ Боғистоний 1 йилга адашган. У «эллик етти сана» деб ишлатган. Балки у она қорнидалигини қўймай ҳисоблагандир.

Хулоса шуки: биз Машрабнинг 2008 йил 22 май куни 355 йиллик юбилей санасини нишонласак бўлади. 2011 йил унинг вафотига 300 йил тўлади.

Машрабнинг онаси Салимбиби Ҳоварий тахаллусли шоира, синглиси Моҳибадр – (тўлин ой) Маҳваш тахаллусли шоирадир.

Адабиётшунос Муҳсин Зокиров тадқиқотига кўра, оталари мулла Вали илмли, саводли, асли етти хазинанинг бири бўлган аравада ўтин етказиб берувчи – хезимкаш-ўтинчи ўтган.

Жалололиддин Юсуповнинг тахминича, Машраб Ҳазрат Алининг фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайн – Ҳусайндан тарқалган – саййид (саййидсан, хожасан, мағрури насаб бўлма) авлодига бориб тақалади: Намангандан сўнг Самарқанд, «мен Бухоро шахрига келдимки, илм савдо қилай» деб, Бухоро, сўнгра Дағбигда Маҳдуми Аъзам қабрлари зиёрати ва шундан

сўнг, Офоқхожа хонадонига—Қашқарга йўл олган.

Машраб ғазалларининг бирида ўзини гулшан боғининг сайроқи булбулига ўхшатади, шомдан саҳаргача фиғон чекувчи, ҳофизларга хуш ёқувчи асарга қиёслайди. У еру осмонни ўз ҳарорати билан куйдирувчи қуёшга менгзайди.

Мажнун Аллоҳга ошиқ, унинг жамолини кўришга иштиёқманд, Лайли-чи, у ҳам айни чоғда маъшуқа сифатида Мажнун дийдори учун ошиқ, Шам-нур сочиб турувчи, ёруелик тарқатувчидир, дилсизлик, яъни бедиллик эса мақсадсизлик, муродсизликдир.

Васл-бахрамандликдир, кеча-кундуз, шому саҳар бедор бўлиб, санам васлини кўриш ошиқ истагининг рўёбга чиқишидир. Рустами дostonдек мақсадга эришиш, ишқ йўлида подшоҳ бўлиш, Ҳамзадек паҳлавон бўлмоқ, шеърятда пирлар ҳидоятига сазоворлик, ошиқи нуқтадонлик ва мўътабарлик унга—Машрабгагина хосдир.

*Гулшани боғи даҳр аро булбули нағмагар ўлум,
Бир бутти бебадал учун ошиқи дарбадар ўзум.*

*Кунонга дам-бадам бориб навҳау зорлар қилиб,
Шому саҳар фиғон этиб, Ҳофизи хуш асар ўзум.*

*Ё шахри меҳрибонмусан, ё маҳи осмонмусан,
Ер билан кўкни куйдируб кавкабаю қамар ўзум.*

*Жоми майи луб ичиб, Мажмуни бенаво бўлуб,
Позу карашмалар қилиб, Лайлию ишвагар ўзум.*

*Шамъи жамолинг ўртади жоню дилимни, эй санам,
Болу паримни куйдируб, бедили навҳагар ўзум.*

*Васлингни истаб, эй санам, кечаю кундуз мудом,
Саҳарда бедор ўл дединг, ки, дояи саҳар ўзум.*

*Хисрави комрон бўлуб, Рустами Дoston бўлуб,
Бир зўр паҳлавон бўлуб, Ҳамзаи раҳнагар ўзум.*

*Ошиқи нуқтадон манам, пири ҳидояхон манам,
Шухрати шеър бобида Машраби мўътабар ўзум.*



¹ Исҳоқ Боғистоний. Тазкираи қаландарон. «Шарқ юлдузи», 1990, 8-сон, 158-бет

² Жалололиддин Юсупов. Уни девонаи Машраб дерлар. «Ёзувчи», 1998, 5 август.

³ Хайриддин Бегмат. Девонаи Машраб, «Шарқ», Тошкент, 2005, 272-бет.

Солиҳа ОЛИМОВА

ДАРГОҲ

Қатра

Саҳарги салқин, ёқимли шамол очик деразанинг ҳарир пардаларини тортқилайди. Бошимни ёстиқдан қўтариб, дераза орқали тонгиги ғира-шира манзарасини кузатаман. Ва юрагим гўмуриб кетади. Кенг ҳовлининг этагида райҳонлар тартиб билан қад ростлаган. Кейинги қаторларда эса нозик, ранг-баранг печакчуллар эпкиндан аста чайқалади. Гуллар ортида сершоҳ олма дарахтлари тарвақайлаб турибди. Айниқса Наманган олмасининг кирмизи мевадор шохлари ларзон.

Райҳон ва олма бўйлари қоришиб уйни, ҳовлини, йўқ-йўқ, бутун дунёни хуш исларга тўлдириб юборган.

Муаттар бўйлардан бошим айланади. Қатор қилиб солинган ўринларда болаларим ухлаб ётибди. Уларни уйғотиб юбормаслик учун оёқ учига юриб ҳовлига чиқаман. Тонг ҳавосидан бағримни тўлдириб нафас оламан. Боғ ўртасидан тўлиб оқаётган ариқнинг муздек сувига юз-қўлимни юваман. Ариқнинг икки четини тўлдириб, девордай ўсган ялпизлар гуллаб ётибди. Унинг ўткир хиди димоққа урилади. Кўчани сув селиб, суғуриш ҳаёлида, шошилиб дарвоза очаман. Аммо кўшни қиз Мадина мендан олдин сувларни сениб, суғуриб қўйганлигини кўраман. Бу юмушни у шундай амалга оширганки — кўча ўткинчиси бир-бирига рўбарў турган икки дарвозадан қай бирига бу савобли иш тегишли эканлигини ажратиш ҳам ололмасди.

Миннатдор ҳолда қизгинага бахт тилаб ҳовлига қайтиб кирдим. Кечкурун қизларим суғуриб-сидирган ҳовли ҳам ораста эди.

Ариқнинг нариги томонидан ёввойи ўрмонзорларни эслатадиган боққа бир қур кўз ташладим: малиназор, ундан нарироқда қулупнай майдони, майдон этагида эса анжир, анор, пилос, хурмо ва бодом дарахтлари аралашиб, бўй кўрсатиб турибди. Тонгнинг зангоолуд кўриниши ичра боғ янада ўзгача, афсонавий тус олган гўё...

Шаҳдам қадамлар билан малиналар оралаб қулупнайзорга ўтаман. Ерга бағир бериб, ўсиб ётган ям-яшил, себарга шохларига бурканган, қип-қизил қулупнайлар товланиб кўзга ташланади. Ва бутун атрофни бу тансиқ меванинг хуш хиди тутиб кетган.

Кўзимга кўринган энг чиройли мевани узмоқ учун қўл узатдим. Шу чоғ бошим узра ёйилиб ўсган бодом дарахти устида булбул «чаҳ-чаҳ»лаб юборди.

Ох, бу шундайин овозки...

Хониш жарангидан бутун вужудим баргдек титради гўё. Кўзларимдан тирқираб ёшлар оқди. Ҳаяжондан қалтираб, дарахт шохларига жовдираб тикиламан. Миттигина хонандани топтоқ истайман. Ва ниҳоят бодомнинг тик ўсган энг баланд шохига сайраётган булбулчани кўзларим илғади.

Балки бу ўша!

Ҳаяжоним янада ортди.

Ҳар гал у сайраганида онам кўзларимдан етаклаб олиб келар эди. Қўшни чўчитиб юбормаслик учун ярим овозда гапирардик. Кўзларимиз билан уни излардик. Хонишини тинглаб, соатлаб бунда қолиб кетардик.

Онамнинг айтишича, эллик йилдан кўпроқ умр кўраётган бу дарахт булбул учун ҳам қадрдон Ватан бўлиб қолган. Унинг уяси шунда. Ҳар вақт бола очиб, учирма қила-

ди. «Булбулчаларни кўрқитиб қўймай, деб бу майдонда ишлаётган чоғим кетмонни оҳиста ишлатаман», деган эди ўшанда онам пичирлаб.

Бошим узра булбулнинг «чаҳ-чаҳ»и ажаб оҳангларда янграб турибди. Оёғим остида эса ял-ял ёниб турган қулупнайзор хуш бўй тарағи. Бирдамгина кўзларимни юшиб жаннатни тасаввур қилмоқ истайман. «Жаннат бўлса, шунчалик бўлар», — деган ўй ҳаёлимдан ўтади. Ва шу заҳотиёқ, жаннатмакон боғ яратиб, ўзи тупроқ аро ётган онамни ўйлаб тирноқларимгача зирқираган оғриқни туяман. Дийдаларимдан оққан шапқатор ёш юзларимни юшиб, кўксимга тушаверади.

— Ох, бевафо дунё-я. Бевафо дунё!

Бўғзимдан аламли нола отилиб чиқади. Кеча болаларим билан бегона ўтларни юлиб марза четига тўплаган ғарам устига беҳол чўкаман. Бу дақиқада булбул овози ҳам тиниб қолди.

Чўчитдимми?

Ёки менинг аламларимни англадимми?

Ва ёки қулоқларим том битиб қолгандир, балки.

Кўзларимни бир нуқтага тиккан кўйи анча абгор ҳолда турдим. Ўтган ҳафта кўшни холалар билан бўлган суҳбат ёдимга тушди:

— Сиз асло ғам еманг. Улар Худо хоҳласа биҳиштдалар. Даштда тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилдилар. Уч қизни улғайтириб, орзу ҳавас қилдилар. Хайҳотдек томорқани бир ўзиналари бўстон қилиб қўйдилар. Албатта, охираглари обод уларнинг!

Ўриной холани гапларини Тошбиби хола ҳам қувватлайди:

— Одам рихлат қилгандан кейин экиб кетган дарахтларининг ҳар бир куртаги ўз боғбони ҳаққига дуо ўқиб турармиш.

— Эҳ, қизим-а, қизим. Шаҳардаги тирикчилигиндан, ишингдан орғиб, чоп-чоп қилиб, бувагинангни ҳовлию боғларини боридан ҳам зиёда қилиб қўяётганингни кўриб, руҳлари шод бўлиб турибди, ҳозир.

Шу сўзларни айта туриб Биҳожал хола кўзларига ёш олиб давом этган эди:

— Ўзлариниям, даргоҳлариниям азиз тутдинг. Дуониям олдинг-а. Кам бўлмайсан, Худо хоҳласа...

Кўшни холаларимнинг гапларини эслаш жонимга оро киргандек бўлди.

Яратганининг ҳаққига дил-дилимдан шукроналар айтдим. Яшилланиб саф тортган хурмо дарахтларига қараб меҳрим товланиб кетди. Уларни шу кўклам ўтқазган эдим. Келгуси баҳорда Бешкент олмаси, қандак ўрик қўчатларини ҳам эмақчиман.

Анчагина жимиб қолган булбул яна сайрай бошлади.

— Аяжон! Дадам келдилар! — деб чопқиллаб келган қизларим қуш навосидан ҳайратда қолишди. Уларнинг қоп-қора қош-кўзлари, қалта қилиб қирқилган, ярашиқли сочлари, либослари ўтиришган бўй-бастларига муҳаббат ила термулар эканман, ўзимни яна биҳишт ичра тасаввур қилдим.

Сайроқи қушчани излаб «қани-қани»лаётган шодон қизларим кўзларидан тутиб, булбулни мароқ билан кўрсата бошладим...





Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ

Гулхан каби ловуллаб ёндим



ДИМ

Агар кетсам хор бўлмай кетай,
Ватан, сенга зор бўлмай кетай.
Гўзал дунё тор бўлмай кетай,
Гул бўлай, муз, қор бўлмай кетай.

Изларимни изласин болам,
Чўкка тушиб, тизласин болам.
“Отажон” деб, кўксига уриб,
Бўзтўрғайдай бўзласин болам.

Тизма тоғлар оромим олди,
Кўклам гулдан поёндоз солди.
Ёзганларим, турфа машқларим
Ўқувчимга, элимга қолди.

Гулхан каби ловуллаб ёндим,
Фарзандларим меҳридан қондим.
Чўл ўрнидан яратиб бўстон,
Меҳнатимга мукофот олдим.

Бу дунёда ким қолар абад,
Келган бир кун кетади албат.
Мендан битта из қолармикан,
Кўнглимда шу хавотир фақат...

МАНГУ ҚОЛГИН

Хурмо дарахтларин барги оч-қизил
Кузнинг бўёғидан суриб олибди.
Ҳаётбахш куйларим, қалбларда тизил,
Дилда шегр куртаги бўртиб қолибди.

Борлиқ куз сувига чайқаб олмиш юз,
Боғлар ипга тизган мева шодасин.
Қишнинг нафасини сезаётир куз —
Сипқориб ичмоқда шарбат, бодасин.

Қаламим чизолмас кузни мукамал,
Куз бу табиатнинг тилло фасли-да.
Тийрамоҳ шоирга бермоқ керак гал,
Кузнинг ўйчанлиги бир шегр аслида...

Устаси фаранглар талашар амал,
Хўжайин оёғин ўпгудек бўлиб.
Бир-бирин кўзига чўп ташлаб ҳар гал,
Яна бир-бирига ёлғондан кулиб.

Мансаб ўриндиғин эгаллаш учун
Кўп йиллик дўстини уч пулга сотар.
Талқон каби эзар, ўяди кўзин,
Ўқ бўлса, шубҳасиз, бир-бирин отар.

Билки, сени сотган — ўзгани сотар,
Сотқиннинг ғояси — амал ғояси.
Амал илинжида юрган кимса — ғар,
У асли одаммас, одам сояси.

Инсонсан, ўзага мағзава тўкма,
Ҳалол меҳнат ила яратгин бўстон.
Амал ўткинчи-қу, унга тиз чўкма,
Юксақда бўлгин эй, Ҳазрати Инсон!

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК ДЎСТИМ

Эллик йиллик содиқ сирдошим қалам,
Менинг дарддошим ҳам содиқ ёрдамчим.
Илҳом келган чоғда йитади алам,
Ўзанидан ошиб-тошар қувончим.

Эрк куйини ҳар тонг бирга куйлаймиз,
Оғир кечмиш баъзан хаёлим олар.
Бахтиёр кунлардан жўшиб сўйлаймиз,
Юрагимда ажиб ҳислар уйғонар.

У кунлар... қўлимдан тушмади қалам,
Гарчанд юрагимда бисёрдир оҳим.
Ногоҳ “халқ душмани” бўлганда отам,
Қоғоз ва қаламим бўлди сирдошим.

Нимжон бармоқларим изғирин тилди,
Дунёда кўп экан инсон учун ғам.
Ўшанда адолат ногоҳ енилди,
Тарк этмади мени қоғоз ва қалам.

Қалам кўзларимга бахш этди зиё,
Тоғларнинг оқ сочин қоғоз айладим.
Замона ўзгарди, ёришиди дунё,
Менинг қувончимга шерик қаламим.

ЁҒДУ

Эллик йил шеърят наҳрида суздим,
Изландим, интилдим, жавоҳир тердим.
Мен ажиб гуллардан саралаб уздим,
Боримни қўшқўллаб халқимга бердим.

Менинг китобимга тўлди сандиқлар,
Гул қайчиси билан тиконин кесдим.
Дилни ўртар ўтмиш солган чандиқлар,
Аммо ижод асли бахтлигин сездим.

Дунёга келдим, бир зум тинмадим,
Мисли оқар дарё, тинмайин оқдим.
Ҳар тонг недир битдим, ҳеч эринмадим,
Нурли келажакка мен чанқоқ боқдим.

Сехрлаб қўйганди гўр ўсмир чоғим
Назмнинг дил тортар оппоқ гуллари.
Гуллар дасталадим, тўлди қучоғим,
Мени лол этарди шегр булбуллари.

Мен дунёга келдим, шукрона ҳазор,
Умрим асли менинг улкан бойлигим.
Бу ёруғ оламда не шодлигим бор —
Барисидан азиз икки байт шеърим.

ТИЛСИМЛИ ДУНЁ

Оташқалб шоирлар, жўшқин бўлингиз,
Асло дард кўрмасин қадоқ қўлингиз.
Мен азал сизларга ҳавас-ла боқдим,
Доим ойдин бўлсин равон йўлингиз.

Кузнинг қозонида олтин қайнайди,
Сайроқи булбуллар қалам қайрайди.
Заминни қоплаган хазонлар олтин,
Тилла либос кийган замин яйрайди.

Шабада тебратар дарахтлар шохин,
Бағридан учирар сўнги япроғин.
Қайдадир келёттир қишининг нафаси,
Тингламоқ чоғидир тийрамоқ оҳин.

Сарғайган япроқлар шовуллаб оқар,
Яланғоч дарахтлар бағримни ёқар.
Байни саҳрода қолган жонсарак —
Хурмодай фалакка жовдираб боқар.

Баҳор, ёз, куз... олтин чўпчак ҳам тамом,
Кузга видо айтай, қишига ассалом.
Тилсимли дунё бу, аслида, дўстим,
Унинг синоати аён-ноаён...

ЧИНОР

Тарихда эллик йил заррага тенгдир,
Бугун олмос юрак куйга айланди.
Қирқ газ мато ўзбек тўнига енгдир,
Халқимнинг қалбига дилим бойланди.

Нақадар гўзалсан, сирли шеърият,
Юрак хаста эди, ўн беш ой ётдим,
Менга олтин қанот бўлди хуррият,
Дард билан курашиб тош бўлиб қотдим.

Тоғ бургути эдим, кўп эди дўстим,
Бугун сирдошдайин қоғоз ва қалам.
Суякка беармон ёпишди эгим,
Хаста юрак қийнаб қўяр дамо дам.

Ўн беш ой чалқанча... айтишга осон,
Улфат дўстларимдан топмадим бирин.
Замин қаттиқ бўлди, йироқда осмон,
Остона ютади кўзимнинг нурын.

Умиди сўнмаган асло бўлмас кам,
Мен шеър қанотида эркин кезаман.
Лочин фарзандларим, бўлингиз бардам,
Мен ҳали ўзимни чинор сезаман...

ОЛТИН БЕШИК

Ватаним, ўзингсан олтин бешигим,
Авайлаб, йўргақлаб ўзинг белаёсан.
Ёш олтимшига бориб, оқарди сочим,
Ҳамон авайлайсан, омад тилайсан.

Полапон чоғимда тутдинг қўлимдан,
Совуқ шамоллардан асрадинг ўзинг.
Сўнмас маёқ бўлдинг порлаб йўлимда,
Бало-қазолардан сақладинг ўзинг.

Ўксиниб, хўрсиниб юрган чоғимда
Эзилган бошимни кўкка кўтардинг.
Гуллаган бўстонсан чаман боғимда,
Сен бўлсанг битади жамики дардим.

Ватаним, номингни юракка ўйдим,
Қадрингга ҳамиша, ҳар дам етаман.
Кўёшли масканим жон қадар суйдим,
Бир умр ўзингни тавоб этаман.

* * *

Шеърият нахрида сузиш мушкул иш,
Қирғоғин ялайди ҳасаднинг тили.
Осонмас саралаб оқ гуллар узши,
Доимо безовта шоирнинг дили.

Симириб сув ичсам қонарми чанқоқ,
Лек қўлдан берганга қуш ҳам тўймайди.
Атрофга боқаман, дунё бунча оқ,
Дилим шеър машқ қилгин, шеър, деб қўймайди.

Менинг машқларим тенгсиз бойлигим,
Ўзбегим ўғлиман, камтар Фармонман.
Мен Ватаним дея тинмайин ёздим,
Хаста юрагимга ўзим дармонман...

МЕҲНАТ

Нимага эришсам — меҳнатдан топдим,
Тинмадим, олдинга интилдим мудом.
Риёнинг илдизин аёвсиз чопдим,
Самимийлик эса йўлдошим ҳар он.

Ижод сўқмоқлари равон эмаскан,
Ҳасадга дуч келиб қолдим мен гоҳо.
Ишонган оғайнинг кучоқлаб, бирдан
Ортингга ханжарин
санчаркан ҳатто.

Қирқ газ қанотингни бир қарич атаб,
Камтар битикларинг ерга урарлар.
Имкон туғилсайди, улар атайлаб
Жавзода устингга оқ қор курашлар...

ШОДЛИК ДОЯСИ

Менинг юрагимдан жой олган халқим,
Туронга қалқондай қалбим қояси.
Буюклик кўкида ой бўлган халқим,
Асли эркинликда хурлик дояси.

Ҳайқирдим, куйладим,
созимни чертдим,
Истиқбол қўшиғин такрорлаб
бот-бот.
Дил тори титради, розимни айтдим,
Нурли келажакка ишондим ҳар вақт.

Ҳақиқат эгилар, аммо синмайди,
Бугун йитиб кетган зулм сояси.
Қалам тебратмасам юрак кўнмайди,
Гўзал Ўзбекистон шодлик дояси.


* * *

Оламни чулғади оппоқ-оппоқ қор,
Оқ кўрпа ёпинди тоғлару чўллар.
Қайдадир чорлайди Қорқиз безор,
Момиқ гилам ила қопланган йўллар.

Азим чинорларнинг чанги ювилди,
Кўкўпар бошига кийган оқ қалпоқ.
Оқ ранг билан бирдай оқлик туғилди,
Еру осмон оппоқ, дилу истак оқ.

Оппоқ замин оппоқ қоғозга ўхшар,
Мен унга "Истиқлол" сўзин битаман.
Истиқлол туфайли илҳомим жўшар,
Бир умр шу сўзни айтиб ўтаман...





Абдуқаном ЙЎЛДОШ



БИР ТУН ВА БИР УМР

Хикоялар

КАМПИРНИНГ ДАРДИ

Ўзбековуллик Солиҳа кампир бирич-кетин икки ўғлини уйлантирди, икки қизини чиқарди. Йигирма орти ёшида, бир этак бола билан тул қолганида, уларни боқаман деб ўлиб-тирилиб ишлаганида ўзига ўзи ичган қасамларини адо этгандай бўлди: «Болаларимга ўзим ота бўламан, ўзим она бўламан! — деганди ўшанда у. — Лекин бировнинг қўлига қаратиб қўйдирмайман. Ё насиб, ҳаммасини ўзим уйли-жойли қиламан!»

Солиҳа у пайтлари қадди-қомати келишган, ой деса ойдай жувон эди. Кетма-кет туғилган фарзандлар унинг ҳуснини янада очиб юборган эди. Шу сабаблими, уйининг турумани бузганлар кўп бўлди, орага одам қўйганларнинг-ку, сони бор, саноғи йўқ эди. Аммо жувон негадир уларнинг ҳеч бирига рўйхушлик билдирмади. Жуда қистаб келганларни ҳазил билан енгди:

— Мен энди ўзимга ўзим эрман, бошқа эрни бошимга ураманми?

Аммо Худо шоҳид, жувон фақат болаларини деб бошқа эркакнинг эгагини тутмади. Жувоннинг назарида бошқа эр, ўтай ота болаларига чин оталик қилмайдигандек эди. Нар борса унинг кўзи олдида мулоим бўлар, аммо сал четга чиқса бас, айтайлик, болаларни жеркиб бермаслигига, силтаб ташламаслигига ким кафолат беради? Не қилса ҳам ўз пушти камаридан бўлмаган-да!

Жувоннинг ўжарлиги бора-бора ҳамманинг дамини кесди. Ҳатто «Ё ҳаёт, ё Солиҳа!» деб бел боғлаб чиққанлар ҳам аста-секин шаштидан тушишди.

Жувоннинг фидойилиги эса аллақачон собит бир қатъиятга айланганди. У болаларини эл фарзандидан кам қилмасликка уринар, уларни деб ўзини ўтгаям, чўққаям урар, ишқилиб, болалар ўксимай ўсишсин, сағирликларини билмай улғайишсин деган ният бутун онгио қалбини эгаллаб олган эди.

Ният холис эканми, ниҳоят Солиҳа кампир барча орзуларига эришгандай бўлди.

Аммо ҳаёт аталмиш ва сувдай тез оқиб ўтаётган умр ўз йўлида кўпдан-кўп тошларга, тўсиқларга ҳам дучор бўларканки, уларни енгиб ўтиш осон кечмас экан.

Тўнгич қизи Олия эмизикли боласи билан қайтиб келди. Куёв билан ораларида не ўтган — номаълум, аммо Олияси тушмагур «Уламан саттор, лекин қайтиб у ёққа бормайман!» деб туриб олди. Орага қудалар тушишди, қариндош-уруғлар ҳам ҳаракат қилишди, лекин Олияни кўндириб бўлмади. Бамисоли ўжарлигини онасидан мерос қилиб олган Олия метин қоядай бўйин эгмай тураверди:

— Қайтмайман дедимми — қайтмайман! Мажбурлаб олиб борсаларинг ўзимни ёқиб юбораман!

Сўнгги таҳдид барча сазой-ҳаракатларга нуқта қўйди. Қўлини ювиб қўлтиққа урган қудалару хеш-ақраболар кампирни ҳам, Олияни ҳам тинч қўйишди.

Кейинроқ, орадан ойлар ўтгач, алами сал босилган Олия билан узун тунлари гурунғ қилиш

асносиди кампир ўсмоқчилай-ўсмоқчилай сўраб олиб аниқлаганлари шу бўлдики, афтидан, куёв алламбало чекканми-ей, бунинг устига баъзи кечалари кўрпани ҳўллаб қўйганми-ей... Булар, албатта, кампирнинг тусмоллари эди ва уларни қизининг олдида овоз чиқариб айтиш жуда ўнғайсиз ҳамда ноўрин эди.

Эр зотидан қўнгли қолган экан, Олия нақ икки йилча бировга қайрилиб қарамди. Бу давр ичида у анча тўлишди, салобатли жувонга айланди. Фақат дарди ичида экан шекилли, қон босими хасталигини орттириб олгани ёмон бўлди.

Энди кампир қизининг пишиллаб нафас олишини қўшни хонада ётибоқ эшитар, баъзан эса ҳовли дарвоза очилар-очилмас семириб кетган қизининг ҳарсиллашини эшитган кампир баттар эзиларди.

Олия мактабда кутубхоначи бўлиб ишлар, ҳафтада бир-икки кун эса электрчиқада шаҳарга сут-қатиқ сотгани жўнаб қоларди. Бора-бора шу иши даромадлироқ кўринди шекилли, Олия мактабни бутунлай ташлади. Энди у тонг саҳарда бидонлару сут тўла баклашқалар солинган сумкаларни инқиллаб кўтарганча темир йўл бекати томон жўнар ва чошгоҳга яқин ҳориб-чарчаб, нафаси қисилган ҳолда, ранглари кўкариб кириб келарди.

Олиянинг эркатойи Фарҳоджон кампирнинг бирдан-бир овунчоғи, эрмагига айланиб улгурганди. Сочлари жингалак, кўзлари қоп-қора, тили бийрон бу болақай кампирни сира зериктирмас, аксинча, охирикети йўқ саволлар беравериб чарчатиб қўярди.

Қарқуноқдан булбул ҳам чиқаркан... Солиҳа кампир мутлақо кутмаганда Олия ишнинг кўзини биладиган тadbиркорга айланди-қолди. Жувон кўчанинг нариги тарафидаги эскигина, эгаси кўчиб кетаётган уйни арзон-гаровга сотиб олди-да, эринмасдан, қунт билан таъмирлай бошлади.

Орадан уч ойча вақт ўтиб, қулаб тушай деб турган омонат уй ўрнида каттагина иморат қад ростлади. Ўзиям бештаи-олпитами, катта-катта хоналари бор. Хоналар алоҳида дид билан безатилган. Нарсалар унчалик қиммат эмас, лекин уй эгасининг дидли-фаросатли эканлигидан шоҳидлик бериб турарди. Уй биқинига алоҳида қурилган ҳаммомни кўрганда эса Солиҳа кампир беихтиёр чапак чалиб юборди:

— Буниси зўр бўлибди, қизим!

Бунга жавобан Олия ҳазил қилди:

— Энди бу ерда менинг елкамни ишқалаб қўйишга талабгорлар кўпаяди!

Фаришталар «омин» деб юборишган эканми, чиндан ҳам тез орада Солиҳа кампир, эҳтимолки, асл муҳаббат аталмиш туйғу инсонни соғ-қасалга ажратиб ўтирмаслигига имон келтирди.

Энди Олиянинг, мана шу семириб кетган, касалманд жувоннинг лабларида табассум ўйнаб, кўзларида ўт чақнай бошлади. Энди Олия тонг саҳарда

оғир юкини кўтариб кетаркан, мингирлаб... кўшиқ айтар, дарвозадан ҳам инқиллаб эмас, шўх-шодон ҳолда чопиб кирар, иложини топса учиб кетадигандек бўларди.

Солиҳа кампир қизини бу аҳволда кўриб бир қувонар, бир ичи ачирди. Зеро, кампир бу дунёда ҳеч бир нарса шунчаки, ўз-ўзидан амалга ошиб қолмаслигини яхши биларди. Мана, ўзини олсин. Кенжагойи Нигора бир мумсика тушганки, бу куёвнинг қилиқларини кўрган одамнинг нафаси қайтиб кетади. Ўзиям бир сўмни етти жойидан тугиб қўйса керак. Ана шунинг касрига Нигоранинг ҳеч ранги чиқмайди. Бўлмаса рўзгорнинг асосий қисми унинг гарданида. Нигора уйига нарса ташиб чарчамайди, эри уларни бекитиб. Солиҳа кампирнинг ўзи неча мартаба кўрган, олиб борган нарсаларининг ҳузурини куёвининг қулф-қалитли сандиқлари кўради. Кампир буларни кўриб туриб кўрмаганга олади — дарҳол уйга қайтишга шошади. Шаҳарда, бир хонали каталакдай уйда яшайдиган қизига деб ёз бўйи ҳовлисидан мева-чева йиғади, банка-банка помидор, қулупнай, шафтоли ёпади. Картошка-пиёз, гўштни ҳам аямайди. Ҳатто шу сабабли бир неча марта Олядан аччиқ-тизиқ гаплар ҳам эшитган.

Тўнғич ўғли Азимжон бўйи мегажиннинг қўлида. Уям шаҳарда туради, тўққизинчи қаватда, икки хонали уйда. Бу келин деганлари сариқ темир деса ўзини тўққизинчи қаватдан ташлайдиганлардан. Йиққани — тилла. Учга болали бўлибдиамки, эрига кўядиган талаби битта: «Тилла оберинг!» Нима бало, онаси тиллага бошқоронги бўлганми?

Фақат ойликка яшайдиган Азимжон шўрликнинг бўлари бўлган: кўчадаям кўзи олма-кесак териб юради, гўё у ер-бу ердан лоп этиб олтин қуймасими, тилла узукми чиқиб қоладигандай...

Ҳар қалай, иккинчи ўғли Қодиржондан кампирнинг кўнгли анча тинч. Ўқиб юрган пайти топган хотини билан тинчгина яшашаяпти шекилли, ҳали бирон марта бўлсин бири-бирига қаттиқроқ овозда гапирганини ҳам эшитмади. Қўни-қўшнилари ҳам улар ҳақида оғизларидан бол томиб сўзлашади...

Ниҳоят кампир хавотир ва ожизона илинж билан кутган кун этиб келди — сал-пал ясан-тусан қилган, балки шу сабабли хижолат чекаётган Олия онасига жума кунини сут сотишга бормаслигини айтди.

Солиҳа кампир қизига ажабланиб қаради.

— Тобинг йўқми?

Олия аввалига шоша-пиша бош ирғади, сўнг ўзининг ёлғони ўзига нашъа қилгандай шарақлаб кулиб юборди ва дангалига кўчди:

— Шаҳарга шу-унча қатнаб бир марта театрга тушмабман.

Кампир қизига синчковлик билан тикилди.

— Ҳар қалай, бир ўзинг бормассан...

Олия дув қизариб кетди.

— Исроил ака таклиф қилганди...

Кампир сергак тортди.

— Қайси Исроил?

Олия билагини кўтариб, намоёишкорона тарзда соатига қаради. Мана шу қарашнинг ўзиданоқ соат совға қилинганлигини ва жувон уни бениҳоя қадрлашини тушуниб олса бўларди.

— Электричкада танишиб қолгандик. Ҳозир шошяпман, ойи, кейин ҳаммасини тушунтириб бераман... Яхши қолинг. Фарҳоджонга муздай нарса берманг...

Она — она-да. Бир қизининг бахти очилаётгандай бўлганидан қувонай деса, иккинчи томондан олдиндаги номаълумликдан чўчиди. Илло «Исроил ака»си ўн етти яшар бўз бола эмаслиги равшан. Демак, ё хотини ўлган, ё хотин қўйган...

Солиҳа кампир янглишган экан. Исроил деганлари хотин қўймаган экан, хотини ўлмаган ҳам экан. Кампирнинг қайта-қайта сўровларига дош беролмаган Олия ахири бор ҳақиқатни айтиб берди.

— Ҳа, Исроил акам уйланган, учта боласиям бор, лекин хотинига кўнгли йўқ, агар мен рози бўлсам шаръий никоҳдан ўтмоқчи...

Солиҳа кампир асосий саволни берди:

— Кейин-чи, кейин қаерда яшайди Исроил акам?

Олия онасига ажабланиб қаради. Сўнг бирдан тутилиб қолди ва журъатсиз тарзда мингирлади:

— Қаерда бўларди...

— Демак уйда! — деди жаҳл билан кампир. — Сен ўтирасан бу ерда кути-иб, у бўлса хотинининг қўйнида ётади маза қили-иб. Шунақами?

— ...

— Ҳой қиз, кўзингга қара. Билиб туриб ўзингни ўтга урма! Тегаман десаң хотини ўлган ё хотин қўйган одам кўриб қолганми...

Ким билади, ё чиндан ҳам «хотини ўлган, хотин қўйган» эркаклар куриб қолган эканми, ё бўлмаса бу ерда бошқа гап-сўзлар бўлдим, ишқилиб орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас Олия боласи билан янги уйга кўчмаганга тушиб қолди.

Солиҳа кампир шунча тавалло қилди, лекин Олия ўз айтганида туриб олди.

— Ёш бошинг билан бир ўзинг бир уйда нима қиласан? — дерди кампир гарангсиб.

Бунга жавобан Олия ўзини анқовликка соларди:

— Нега ёлғиз бўларканман? Фарҳоджоним бор-ку!

Кампир уф тортар ва дийдиёсини бошидан бошларди.

Йўқ, ўжар қиз барибир айтганини қилди — янги уйга кўчиб ўтди. Мана шунда кампир юкларни гўё қанот боғлагандай елиб-югуриб, ажиб бир енгиллик билан ташиётган, юзлари нақш олмайди ёнаётган қизини узоқ кузатди ва «Эҳтимол у тўғри қилаётгандир», деган тусмолга ҳам борди.

Фақат кўнглининг туб-тубида бир хавотирли ҳис дамо-дам бошини кўтариб қолиб, изтиробга солар, аммо кампир бу туйғуни енгилга, қайғули ўйларга берилмасликка ўзида куч топа оларди.

Орадан бир ойга яқин вақт ўтди. Олия тобора камнамо бўлиб борарди. Буни энг аввало Азимжон билан Нигора ҳис қилишди. Тўғриси, Олия орттирган уч-тўрт сўмини онасидан яширмас, шундоққина эски шкаф устидаги жомадонга солиб қўяр, бундан бохабар ака-сингил эса у қилиб-бу қилиб, амаллаб оналарини эритишар ва жомадондан анчагина пулни ўзлари билан олиб кетишарди.

Бу уйдан Олиянинг қадами сийраклашгандан кейин ўз-ўзидан пулнинг ҳам чўғи камайди. Солиҳа кампирнинг пенсияси икки кап-қатта одамга урвоқ ҳам бўлмасди. Айниқса, Азимжон ёмон бўғиларди:

— Биламан мен бу Исроил деганини! Синглимнинг пули учун хушомад қилиб юрибди у аблаҳ! Бабник у!.. Анов кун кўрдим, телевизор олди. Ишсиз одамда телевизорга пул нима қилади? Пулни Олядан олган у, Олядан!..

Бунга эрининг олдига қуруқ қўл билан бориш ваҳимасидан адоий тамом бўлган Нигора жўр бўларди:

— Ҳе ўл эркак бўлмай, келиб-келиб есир хотиннинг топганига кўз олайтирасанми...

Солиҳа кампир ҳай-ҳайлаб тобора шиддатли тус олаётган қарғишлар тўфонини тўхтатишга уринарди:

— Бир бечорага тўхмат қилгани уялмайсизларми...

Бундай маҳаллари дунё кўзига қоронғу кўриниб кетадиган Азимжон онасига ўкрайиб қарарди:

— Э, бечора одам бўлса иккита хотинни эплаб юрармиди? Сиз нимани билардингиз!..

Дарҳақиқат, Солиҳа кампир кўп нарсаларни билмаслигини тан оларди. Лекин қизининг ўзини тутиши... бахтиёр чехраси...

— Алдаган! Алдаган у! — дерди фиғони фалакка чиқиб Азимжон онасининг минг андиша ила айтган мулоҳазаларига жавобан. — Олиянинг кўзини кўр қилиб қўйган у!..

Бир кун Солиҳа кампир қизининг дарвозасига деярли кун бўйи тикилиб ўтирди ва ниҳоят кечга яқин олмагина костюм-шим кийган, негадир галстук тақиб олган новчагина, қадди бироз эгик қириқ ёшлардаги эркакнинг шоша-пиша шу уй томон келаётганини кўрди.



Кампир кўзларини қисганча зехн солиб қаради ва негадир эркакнинг олазарак кўзлари ўзига ёқмаётганини ҳис қилди. Худди тилла излаётган Азимжоннинг кўзларига ўхшаркан...

Олиянинг гапига қараганда, Исроил акаси алоҳида келиб кампир билан танишмоқчи, сўнг эса одам юбориб, қизини никоҳга олишга розилик сўрамоқчи бўлиб юрган экан. Шу сабабли кампир бўлғуси куёвини хижолатга солмаслик учун дарҳол дарвозадан узоқлашди...

Куёвнинг мана шу ҳолига сал жиззакироқ эканлигини эшитганида Солиҳа кампир аввалига ишонмади. Унинг назарида бунақанги озгин, бунинг устига ишсиз эркаклар асло асабийлашмасликлари керак эди.

Аммо Олиянинг тўлиб-тошиб гапириб беришича, Исроил акасининг жаҳли бурнининг учиди экан, шу сабабли у... Исроил акасининг олдида ортиқча гап айтишдан чўчиркан, мабодо жаҳлини чиқариб қўйса тамом экан, у одам соатлаб гаплашмай ўтириши ё бўлмаса ҳафталаб келмай қўйиши мумкин экан... Ана шунда Олия ярашиш учун коньяк куйиб бераркан, ўзиям бир-икки қадаҳ ичаркан, чунки Исроил акаси ичимликлардан фақат шуни яхши кўраркан...

Солиҳа кампир тунов куни борганида ҳаммом ёнидаги қопда ўн-ўн бешта бўшаган коньяк идиши турганини эслади ва Азимжон билан Нигоранинг асабларини жизгинак қилаётган пул аслида қаёққа кетаётганини англагандай бўлди. Лекин бу ҳақда оғиз очиб ўтирмади.

Бир куни қутилмаганда қовоғи солиниб кетган Олия ўғлини етаклаб онасининг уйига кириб келди ва ичкари хонага кирганча ўшшайиб ўтираверди. Кампир қизининг Исроил акаси билан яна уришиб қолганлигини англади.

Олия кечга довр хонадан чиқмади. Яйрагандан Фарҳоджон яйради. У ҳовлида бувиси билан роса ўйнади.

Бир пайт ичкаридан Олиянинг чинқиргани эшитилди. Жон-пони чиқиб кетган Солиҳа кампир шу ёққа отилди.

— Нима бўлди, қизим?

Кўзлари чакнаб турган Олия деразага ишора қилди. Кампир энгашиб деразадан ташқарига қаради ва Олиянинг ҳовлиси томон бораётган узун бўйли одамни кўрди. Бу Исроил эди. Кампир шуни айтмоқчи бўлиб ортига ўгирилди. Бироқ Олия аллақачон оёғини кўлига олиб югуриб чиқиб кетган эди...

Шу оқшом Олия ўлиб қолди.

Жувон Исроил акасининг ёнида ўтириб бир-икки қадаҳ коньяк ичган, сўнг у қайданиди олиб келган дондундан анчагина еган. Ниҳоят оғир-оғир нафас ола бошлаган Олия «Бир ҳаммомга тушиб чиқай», деган. Анча маст бўлиб қолган Исроил «Боравер» ишорасини қилган.

Оч қоринга ейилган дон-дун ва ичилган коньяк таъсирида қон босими жуда кўтарилиб кетган, ҳарсиллаб-қийналиб нафас олаётган Олия ҳаммомга киргану куюқ буғ ичида қолган.

Врачларнинг шохидлик беришича, Олия ҳаммомнинг силлик мармар полига сирғаниб чалқанча йиқилган ва орқа миясини зинанинг қиррасига уриб олган... Кўп қон кетган...

Орадан икки соатлар чамаси ўтиб, ҳовлига чиққан, қайт қилиб, анча енгиллашган Исроил ҳаммомга киради ва Олияни ўлиб ётган ҳолида кўради...

Солиҳа кампир адоий тамом бўлди...

Иигирма бешга кирган жувонни тупроққа топшириб қайтишди...

Йиғлаган ҳам йиғлади, йиғламаган ҳам... Кампирнинг назарида...

Кечга яқин, бирдан ҳувиллаб, муздай бўлиб қолган хонада йиғилишди.

Кампир кутганчалик, йиғилганлар Олия ҳақида гаплашишмади. Негадир асосий гаплар сал имо-ишорали, маънодорроқ, тагдорроқ тарзда кечдими, Солиҳа кампир кўп нарсани тушунмади. Ниҳоят айтилаётган гаплар онгига етиб борганида эса... даҳшатга тушди ва яна ихтиёрсиз тарзда ёнида бош эгиб, соме

тарзда ўтирган қадрдонларининг айтиб-айтиб йиғлаганларини эслади.

Исроилнинг отаси:

— Асл келиним-ов... — деб йиғлаганди.

Мана энди чағиркўз, жиккаккина, етмиш ёшлардаги, ўғли сингари қотма бу одам тўғридан-тўғри:

— Фарҳоджонни биз олиб кетамиз. У бизнинг набирамиз. Исроил шу уйда тураверсин, — демоқда.

Майли-да. Бунинг нимаси ёмон? Аммо нега бу гап Азимжонга ёқмади? Мана у очиқдан-очиқ норозилик билан гапирмоқда:

— Фарҳоджонни биз «дом»га олиб кетамиз. У бизнинг фарзандимиздай гап. Бу уйни бўлса қулфлаб, эшик-деразасига тахта қоқиб кетамиз. Бир-икки йилдан кейин ўзимиз қайтиб келиб, шу ерда синглимизнинг чирогини ёқиб ўтираверамиз.

Бу гап ҳам кампирни ийитди. Ўғлининг «Менга ишониб яшаган синглим-ов...» деб йиғлаганини эслади. Лекин нега энди Нигора афтини буриштирмоқда?

— Жиян бизники! Тамом-вассалом! Демак, уй ҳам бизники! Ҳар хил кўчада қолган ишсиз, уйсиз қаланғи-қасангилар учун қурмаган уйни опам!

Солиҳа кампир кенжа қизининг «Мени фарзандидай яхши кўрган опам-ов» деб бўзлаганини эслади.

Бу гап нимагадир Исроилнинг отасига тегиб кетди:

— Ўғлимнинг уй-жойсиз қолганига опангиз сабабчи, қизим. Келиним буларнинг... алоқасини билиб қолиб, ўғлимни уйдан ҳайдаб чиқарди! Шундай экан, ўғлим опангизнинг шаръий эри сифатида шу уйнинг эгаси бўлади-да!

Нигора ўзини тутолмай қолди — бақириб юборди:

— Ёлғон, ўғлингиз опам билан никоҳдан ўтмаган, эрта-индин деб судраб юрганди!

Норасмий куда ҳам бўш келмади:

— Ўтган! Гувоҳларим бор!

— Бекорларни айтибсиз! Топган гувоҳларингиз ҳам ўзларингизга ўхшаган ёлғончилар...

— Йўқ, никоҳдан ўтган, демак, уй бизники!

— Йўқ, уй бизники!..

Томонлар бир-бирларига кекирдакларини чўзганларича адоват билан, гўштларини хомлайин ейишга тайёрдай қарардилар.

Солиҳа кампир кўрқиб кетди. У барча меҳрибонликлару сохта бўзлашлар замирида манави савил қолгур уй турганлигини англаганди...

— Тўхтанглар... Уялмайсизларми...

Аммо жиққамушт бўлаётганлар энди кампирни эшитадиган аҳволда эмасдилар. Улар оғизларидан кўпик сачратганларича бир-бирларига нималарнидир исботламоқчи бўлардилар.

Солиҳа кампир аста сирғалиб ташқарига чиқди. Олиянинг ҳовлисини бир айланиб чиқди, гўё қизи билан, қизи қурган уй билан видолашди. Сўнг аста-секин юриб ўз уйига келди. Таҳорат олди, намоз ўқиди.

Солиҳа кампир тўшакка кўк кийимини ечмасдан ётди. Бир муддат дуо ўқиди. Кампирнинг овози борган сари пасайиб борарди. Ниҳоят у чидай олмади — ўкраб йиғлаб юборди...

Ўзбековуллик Солиҳа кампир узоқ йиғлади...

Орадан икки соатча ўтиб, асло мурасага келолмаган томонлар ниҳоят кампирни эслаб қолишиб, унинг уйига кетганини аниқлашгач эса марҳуманинг уйига фақат ва фақат ўзлари эга бўлишга ҳақли эканликларини биринчи бўлиб айтиш учун шу томонга чопишди.

Бироқ Солиҳа кампир даъвогарлардан биронтасини эшитмади — у аллақачон бу дунёни тарк этган эди...

«Инсон ҳаётида баъзан қутилмаганда бутун турмуш тарзини, уй-фиқрларини, орзу-интилишларини ағдартунтар қилиб ташлайдиган воқеа-ҳодисалар содир бўларкан...»

Ёши қирққа яқинлашиб, ҳаёти бир изга тушиб олган, нисбатан моддий фаровонликка эришган Умаралига биров шундай деса ишонмасди. Зеро эҳтирослар, ёниб-қуйишлар ё бўлмаса кўп ўйлаб-мулоҳаза юригиб ўтирмасдан, серҳиссиёт юрак измида кескин қарор қабул қилишлар фақат ёшликка хос, деб ўйларди у. То шу кунгача шунга ишониб ҳам келганди. Аммо...

МУҲАББАТ ОҚШОМИ

Умарали етмишинчи йилларнинг охирларида бошланғич синфларни рус мактабида ўқиганди. Ота “Келгусида ўғлим амалдор бўлса, тилдан қийналиб юрмасин”, дея шундай йўл тутган.

Бироқ бешинчи синфдан бошлаб Умарали ўзбек мактабига қатнай бошлади — она ўғлининг баъзан уйда ҳам русчалаб чулдираб қолишини сира ҳазм қилолмади.

Шунга қарамасдан, рус ўртоқлари билан ўтказган тўрт йили Умаралининг феъл-атворида ўзининг изини қолдириб улгурди. Чунончи у ўзининг фикрини катталар олдида ҳам бемалол ҳимоя қилаверар, гоҳида ҳаттоки ота-онаси билан ҳам баҳслашиб қолар ва умуман, жуда кўп масалаларда ўз мустақил фикрига, ўз нуқтаи назарига эга бўлишга ҳаракат қиларди.

Буни кўрган сайин онанинг хавотири ошарди.

Йўқ, кейинги йиллар ичида ота-она Умаралини анча қайириб олишди.

Юқори синфларга бориб Умарали — ота-онасини хурсанд қилган ҳолда — бошқа тенгдошлари, ака-укалари қатори бўлиб қолди.

Хуллас, Умарали мактабни битирди, ота-онанинг бир зўр бериши билан институтни ҳам тугаллади ва дипломли мутахассис бўлгач, туман марказидаги қурилиш фирмаларидан бирида ишлаб бошлади.

Иш кўп, балки шу сабабдир Умаралининг бемалол ўйнаб-кулиб юришга, қизлар билан танишишга фурсати йўқ эди. Сал бўш қолди дегунча эса ётиб олиб қандайдир семиз-семиз русча китобларни, журналларни ўқишга тушарди. Буни сезган ота-она тезликда қариндошлардан бирининг қизини Умаралига олиб бериш ташвишига тушиб қолишди.

Умарали бир куни тонг саҳарда шошиб ишга кетаётган бениҳоя жиддий тарзда, ҳаттоки — айтиш мумкинки — қовоғини солган ҳолда объективга қараб турган қизнинг суратига бир муддат тикилди, сўнг норозироқ тарзда:

— Сарик эканми? — деди.

Ўғлига жонсарак тикилиб турган она андак оғринди, сўнг уни жеркиб беришдан ўзини тийиб туrolмади:

— Ўзинг сариксан! Кўрмаяпсанми, туппа-тузук, сулув қиз-ку!

Умарали ўзини оқлаган бўлди:

— Жуда жиддийга ўхшайди.

Она гапни илиб кетди:

— Қиз боланинг жиддий бўлгани яхши-да. Нима, сенга қолса сураткашга қараб тишининг оқини кўрсатиб турсанми?

Умарали яна бир муддат мулоҳаза юритган бўлди, сўнг бепарво қўл силтади:

— Сизга ёққан бўлса майли-да...

Она мамнун бўлди:

— Шундай дейишингни билардим...

Тез орада тўй бўлиб ўтди.

Келин бўлмиш Наргиза чиндан ҳам жиддий қиз экан. Унга ёшлигида яқин қариндошларидан кимдир “Жиддийлик сенга ярашади” деб мактаб қўйган экан, шундан бери Наргиза қовоғини солгани-солган эди...

Умаралининг ҳамон иши кўп эди, аммо шундай бўлса ҳам, у мутолаага вақт топа оларди. Эрини мук тушган ҳолда китоб ўқиётганини кўрган Наргизанинг эса пешонаси тиришар ва аламини баттар қовоқ уйишдан оларди...

Тўнғич фарзанд қиз бўлди. Шукрки, кейинги фарзанд ўғил.

Умр мана шундай осойишта ва сокин тарзда ўтиб бормоқда эди.

Умарали саҳарлаб ишга боради, намозшом маҳал

уйга қайтади, болаларини эркалатади, овқатланади ва ётиб ухлайди. Мабодо фурсат топса, бирон нима ўқийди. Эртага ҳам, индинга ҳам, ундан кейин ҳам — то пенсияга қадар шундай кечиси икки карра икки тўрт янглиғ аниқ ва равшандай эди.

* * *

Умарали ишлайдиган корхона вилоят миқёсида ўтказилган тендерда голиб чиқди ва малайзиялик ишчилар билан биргаликда мелиорация иншоотларини қуриш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ичадиган сувларини пластмасса идишларда олиб келган, бариси бир хилда чиройли махсус кийимлар кийган ишчилар ва уларнинг раҳбарлари ўз она тилларидан ташқари инглиз тилида ҳам бемалол гаплашишар экан.

Тил билмаслик қийин.

Биринчи кунданоқ ишчилар бир-бирларига қўл ишоралари билан нималарнидир тушунтиришга уриниб чарчашди.

Хайрият, кечга бориб “Тошкентдан таржимон келибди”, деган хабар тарқалди.

Буни Умарали ҳам кўрди. Янги “жип” машинасидан бир тепакал, қориндор, элик ёшлардаги, басавлат, кун иссиқлигига қарамасдан қора костюм-шим кийган, энли қизил бўйинбоғ таққан эркак билан йигирма беш ёшлардаги, калта қизил юбка, торгина кофта кийган, яланғоч, оппоқ елкаларига тушиб турган қизғиш сочлари жингалак, каттагина қора кўзойнак тақиб олган дўмбоққина қиз тушиб келишди.

Басавлат эркак хорижий қурилиш фирмасининг раҳбари экан, ёнидаги қиз эса таржимон.

Бир зумда иккаласини хорижлик ишчилар ўраб олишди. Енгил ғала-говур орасида Умарали таржимон қизнинг қўнғироқдек овозда гоҳ русчалаб, гоҳ инглизчалаб гапираётганини эшитди.

“Бу энди камида бир-икки соатга чўзилади”, деган тахминга борган Умарали хорижлик ишчилар учун тайёрлаб қўйилган вагонетка ёнидан ўтиб, қатор экилган дарахтлар ёнидаги майсазорга чўзилди-да, ёнидан китобини олиб ўқий бошлади.

Яхши китобнинг сеҳри бўлади — ўқувчи замон ва маконни унутиб, воқеалар издиҳомига шўнғиб кетади. Умарали ҳам шундай аҳволда эди. Шу сабабли кимдир ўзига гапиргандай бўлганини англаб, то ўзига келгунига қадар гарангсиб, карахт аҳволга тушиб қолди. Умарали учун ҳаммиша ҳам китоб оламида реал воқеликка қайтиши, таъбир жоиз бўлса, осмондаги парку булуллардан қаттиқ заминга қулаб тушиш қийин кечарди. Ҳозир ҳам...

Умарали оғринганини билдирмасликка уринганча бир амаллаб китоб саҳифасидан кўз узди ва ёнига қаради. Ёнида, тўғрироғи шундоққина тепасида бояги таржимон қиз жилмайиб турарди.

— Кечирасиз, халақит бердим шекилли?

Умарали шошиб қақдини ростлади. Сўнг баттар гарангсиб, салом берган бўлди:


— Яхшимисиз...

— Ассалому алайкум. Боя салом бергандим, эшитмадингиз, — деди қиз ширин жилмайиб. Дарҳақиқат, қизнинг овози жуда ёқимли эди.

— Кечирасиз... — деди йигит.

— Ҳечқиси йўқ. — Қиз баайни эски таниши билан гаплашаётгандек бемалол сўзида давом этди: — Мен ҳам китоб ўқиётганимда халақит берганларни ёмон кўраман. Нима ўқияпсиз?

Умарали беихтиёр қўлидаги русча китобнинг муқовасини кўрсатди.



— Войнич. “Сўна”, — деб ўқиди қиз. Сўнг сал жиддий тортиб деди: — Бу китобни биринчи марта ўқиганда роса йилаганман. Сиз-чи?

Умарали ўзига саволомуз тикилиб турган қиздан кўзларини олиб қочди:

— Унчаликмас...

— Эркаларнинг дийдаси қаттиқ бўлади.

— Унчаликмас... — дея такрорлади йигит.

Қиз яна ширингина жилмайди.

— Наҳотки? Мана масалан, сизни олайлик, қайси китобни ўқиганда йилагансиз?

Умарали қизариб кетди, сўнг саволга жавоб беришга уринди:

— Масалан... Достоевскийнинг “Телба”сини ўқиганимда... Князь Мишкин анави касал қизни гапириб берганида...

— Ҳа, ҳа, — деди бирдан ҳаяжонланиб, кўзлари ёнган қиз. — Эсимда, эсимда... Шўрлик Мари... Уни ўқиб мен уч кун йилаганман... Кейин Настя Филипповнани Рогожин ўлдириб қўйганида ҳам...

— Кейин... — журъатсизроқ тарзда давом этди Умарали, — Кумуш заҳарланиб ётганида... қайнотаси кирганида... ўрнидан турмоқчи бўлади... Шу ери таъсир қилган...

Қизнинг юзига олов югургандай бўлди.

— Ҳа, ҳа, даҳшат, мен “Уткан кунлар”ни ўзбекчада ўқиганман... Даҳшат!

— Кейин... — деди сал жонлана бошлаган Умарали, — Драйзернинг “Женни Герхардт” романини ўқиб ҳам...

— Уям даҳшат! — деди ҳаяжондан жойида типирчилаб қолган қиз.

— Кейин, — деди тобора авж ола бошлаган Умарали, — Гоголнинг анави... “Старосветские помещики” повестида чол ўлиб қолганда...

Қиз энди Умаралига ҳайратланиб қаради.

— Ушаниям ўқиганмисиз? Менимча у ўзбекчага таржима қилинмаган...

— Мен ручкасини ўқиганман... Афанавий Иванович билан унинг кампири Пульхерия Ивановна...

Қизнинг ўзига саволомуз тикилиб қолганини кўрган йигит изоҳ берди:

— Тўрт класс русчада ўқиганман...

— Кейин-чи?

— Кейин ўзбекча давом эттирганман.

— Яхши қилган экансиз, — деди қиз маъқуллаб бош ирғаркан, — орада инглизча ҳам ўқиб қўймаган экансиз-да...

Энди анча ўзини босиб олган Умарали ҳазил қилишга ҳам уринди:

— Инглизча ўқимаёй яхши қилган эканман.

— Нега? — дея астойдил ҳайрон бўлиб сўради қиз ингичка қошларини чимирганча.

— Агар мен инглизча билганимда... унда сиз бу ерга таржимон бўлиб келмасдингиз-да...

Бирон жиддий гап эшитаман дея суҳбатдошига диққат билан қулоқ солиб турган қиз бу гапдан кейин қиқирлаб кулиб юборди. Кейин Умаралига савол беришда давом этди:

— “Стоик”ни ўқиганмисиз? “Алхимик”ни-чи?..

Хуллас, Умарали таржимон қиз билан ярим соатча гурунглашиб ўтирди. Мавзу фақат ва фақат китоблар эди. Ким қайси асарни ўқиган, қайси тилда...

Баъзан ўзи ҳаётда шундай бўлади: қизиқишлари, интилишлари муштарак инсонлар ўзлари ҳам мутлақо кутмаган ҳолда бир-бирларини учратиб қоладилару, ҳаяжонланиб-энтикиб, гўё ўз кўзларига, қулоқларига ишонмаётгандай бир-бирларига узоқ термуладилар, узоқ гурунглашадилар; аммо ҳарқанча термулсалар-да, улар бир-бирларига тўймайдилар, ҳар қанча гурунглашсалар-да, кўнгидаги гапларининг мингдан бирини ҳам ифода этолмагандек бўлиб туюлаверади...

Ёноқлари қип-қизариб кетган, кўзлари чақнаётган, энтикиб-шошиб гапирётган, қип-қизил лабларидан табассум аримаётган, иягидаги чуқур кулгичи ҳуснини янада ёчиб юборган қиз...

Умарали энди дунёни унутган, бамисоли китобдаги воқеалар гирдобига ғарқ бўлиб, қаҳрамонлар кулса кулиб, йиғласа йиғлагани каби суҳбатдошининг ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир қўл ишорасини англаб борар ва шу англаш жараёнида ўзини ҳаётида илк бора чинакам бахтли инсон ҳис этмоқда эди...

— Гузалчик!

Шу атрофда янграган овоз боис қиз ногоҳ бошига совуқ сув қуйилгандай бирдан сергак тортиди ва безовталаниб атрофга аланглади. Дарахлардан ўн беш қадамча нарида, офтоб тифида кўзларини қисганча бояги тепакал одам буларга қараб турарди. Афтидан, у тупроқ йўлда юришдан, ялтираб турган туфлисини чанг қилишдан чўчиб тўхтаб қолганди.

— Мен бу ерданман, жаноб, — дея қўл силтади рус тилида гапирган қиз.

Жаноб деганлари норозироқ тарзда бош чайқади ва қўл ишораси билан қизни чақирди.

Ранг-қутги ўчган қиз бир лаҳза ўйланиб қолди, сўнг аста ўгириларкан, изтиробли овозда:

— Ҳозир... — деб шивирлади.

Қиз раҳбари олдига кетиш олдидан Умарали томонга ўгирилиб, маҳзун кулимсиради ва:

— Суҳбатимизни қизиқ жойида узиб қўйишди-да, — деди афсусланиб. — Ҳа, майли, имкон топсак бошқа пайти давом эттирармиз...

— Насиб... — дея шивирлади йигит.

Қиз тез-тез юриб тепакал раҳбари томон кетди.

Шундагина Умарали атрофга аланглаб қаради ва неча-неча ишчилар бўлиқ ва оппоқ сонларини намойиш этгудай даражада калта юбка кийган, таранг кофтаси ҳам қоматини кўз-кўзлаб турган бу қизга ҳирс билан боқиб турганини кўрди.

Қиз раҳбари олдига борди. Тепакал норози тарзда нимадир деб гудранди ва... қизни қўлтиқлаб олганча машина томон юрди.

Бир неча ишчи “вуй-вуй”лаб юборди, баъзилари маънодор тарзда ҳуштак чалиб қўйишди. Бу жуфтликдан кўз узмаган қўйи Умаралининг ёнига келган Расул эскваторчи эса армон ва алам билан уф тортиб қўяркан, бошидан қирғиз қалпоғини олиб, қафтига урди ва:

— Қовуннинг яхшисин ит ейди доим, — дея тўнгиллаб қўйди.

* * *

Инсон яшайпти. Бир қарасангиз, у ўз ҳаётидан розидек.

Тўғри-да, бориға шуқр қилиб, қаноат қилиб кун кўришнинг ўзи ҳам бахт эмасми?

Аммо баъзан кўнгилинг туб-тубида, кўринмас-сезилмас жойда бир армон, бир норозилик туйғуси яшириниб ётган бўлади. Бу армон, бу туйғу эҳтимолки инсон умрининг охирига қадар ўзидан бир нишон бермай ўтиб кетар. Аммо аксинча бўлса-чи...

Ҳар биримиз ҳам Ҳазрати Инсонмиз ахир.

Ҳар биримизда ҳам кўнгил бор, қалб бор... Телба юрак эса ҳар доим ҳам ақлнинг измига қулоқ тугавермайди...

Қиз кетди.

Қизиқ ҳолат: Умарали ногоҳ энг азиз бойлигидан, энг керакли нарасидан айрилиб қолгандек сизди ўзини. Юраги ҳувиллаб қолганди гўё...

Айни пайтда бу юракда буюк бир Армон, буюк бир Соғинч уйғониб келмоқдайди.

Йигитнинг назарида ўзи бир умр интилиб келган, бир умр орзу қилиб келган қиз ҳозиргина шундоқ ёнгинасида турди ва у билан самимий суҳбатлашди...

Қизнинг кулишлари...

Ахир шундай табассумни орзу қилиб ўтмаётганмиди Умарали?

Қизнинг ҳаяжондан бўғриққан юзлари...

Ахир шундай ҳаяжонни энтикиб кутиб ўтмаётганмиди Умарали?..

Умарали шахт билан ўрнидан турди. Ва...

Ва шу заҳоти китоблар оламининг парку булутларга тўла осмондан ҳақиқий ҳаётнинг қаттиқ заминига гурс этиб қулаб тушгандек сизди ўзини...

Қиз қайда-ю, Умарали қайда...

Нима, орсизга салом бердинг, кетидан товон бердинг, деганларидек, зерикиб ўтирган чоғи озгина гурунглашгани боис энди қиз бечорани таъқиб этиши шартми... Қани инсоф, қани диёнат?

Аммо юрак қурғур бу асосли даъволарга қулоқ солай демасди...

Юрак гупириб борарди. Шунчалик гупирардики, тез орада кўкрак қафасига сиғмай, уни ёриб чиқадигандек эди...

Умарали ўзини босиб олиш учун боши оққан томонга қараб кетди.

Қурилиш идораси жойлашган жойдан бир чақиримча кунботар томонга юрган Умарали шинамгина шийпон ёнидан чиқиб қолди. Афтидан, бу ерда деҳқонлар яшаган ва томорқаларини йиғиштириб бўлишгач, хўжаликка кўчиб кетишган эди.

Умарали шийпон ёнидаги гиламдек сатҳга экилган атиргуллар қийғос очилиб ётганини кўрди. Булар сариқ атиргуллар эди.

Умарали бир кучоқ атиргул терди. Қўлига кирган тиканларни ҳам сезмади. Сўнг гулдастани кўтарган кўйи идорага қайтди.

Кўнгил сезади деганлари рост шекилли.

Хорижлик ишчилар учун ўрнатилган вагонетка ёнида таржимон қиз турарди. Бу гал у елкасига бежиримгина қизғиш сумкачасини ҳам осиб олибди.

Умарали индамасдан бориб гулдастани қизга тутди.

Қиз ҳайрон бўлиб совғани олди, сўнг гулларга термулиб қолган кўйи пичирлади:

— Сариқ гуллар... Бу сизга Булгаковнинг “Мастер ва Маргарита”сини эслатмаяптими?

Умарали жавобга оғиз жуфтлаган маҳал таниш овоз эшитилди:

— Гузалчик!

Яна ранг-қути ўчиб кетган қиз Умаралига айбдорона тикилиб, узр сўраган бўлди ва шоша-пиша овоз келган томонга кетаркан, анчайин зардалироқ оҳангда:

— Шу ердан, жаноб, — деди.

Қиз кетди.

Умаралининг назарида, қизнинг у билан суҳбатлашмоқ нияти бордек эди.

* * *

Орадан бир соатга яқин вақт ўтибгина, Умарали яна қиз билан учрашди.

Бу тасодифан рўй берди, деб айтиш мушкул.

Шунчаки, йигит боя китоб ўқиган жойда қаққайиб турганча қизни кутиб турганди.

Буни сезган шекилли, қиз ҳам илдам юриб тўппатўғри шу ерга келди-да, ширингина жилмайган кўйи:

— Яна чақириб қолмасларидан бурун танишиб олсақ яхши бўларди, — деди.

Умарали дарров ўзининг исмини айтди.

Қизнинг исми Гўзал экан.

— Исмингиз жисмингизга мос, — деди Умарали.

Қиз қиқирлаб кулиб юборди.

— Хушомадга уста экансиз.

— Йўғ-э, — деди хижолат чекиб Умарали, — мен ростини айтаяпман.

— Мен ҳали ҳаммасини айтмадим-да. Ўтин бўладиган ёшга киришимга бор-йўғи икки йил қолди.

— Йўғ-э, — деди бу сафар астойдил ҳайратланиб Умарали. — Мен сизни нари борса йигирма-йигирма бирда деб...

— Сал ошириб юборган бўлсангиз ҳам, мақтовингиз учун раҳмат. Ҳар қалай, ҳали табиат мақтов ёқмайдиган аёлни яратмаган... Хуш, энди ўзингиз ҳақида гапириб берарсиз, айрилиқ рамзи бўлган сариқ гулларни ҳада қилган яхши йигит...

Баттар хижолат чеккан Умарали ўзи ҳақида қисқача гапириб берди. Уйланганини, иккита фарзанди борлигини ҳам айтиб ўтди.

Шундан кейин мухтасаргина маълумотни Гўзал берди.

Қиз чет тиллар институтини битирган экан. Уч йил мактабда ишлабди. Турмушга чиқибди. Аммо эри билан муросаси келишмабди.

— Ёмонламайин-у, аммо ўлардай майда, бир сўмнинг устида ўлиб қоладиган хасис одам эди, — деди Гўзал. — Мен ўзим камбағалроқ оилада ўсганман. Лекин бизнинг фақирона дастурхонимиз ҳам уларникининг олдида шоҳона туюларди... Ўлар жойда бўлсаям майлийди. Пулнинг сассигига ухлай олмай чиқадиганлар оиласидан... Олти ой базўр чидадим. Кейин кўч-кўронимни ортиб шаҳарга келдим. Ўқиб юрган пайтимда бир йилча ижарада тургандим. Ўша уйда яшай бошладим. На бир сўм пул бор, на бир таниш-билиш. Бу ёқда қорним қаппайиб бораяпти. Бу аҳволда ким ҳам ишга оларди... Бир бурда нонга зор бўлган кунларим кўп бўлди... Хайрият, тил билишим ёрдам бериб, уйда репетиторлик қила бошладим. Қизли бўлдим. Қизимни бир йил эмизиб, кейин онамга олиб бориб бердим. Ана шундан кейин иш топдим. Бир йилдан бери шу фирмада ишляпман. Таржимонман.

— Хўш, қалай? — деб сўради йигит.

— Чидаса бўлади, — маҳзун кулимсиради Гўзал. — Аммо... ҳар куни пул, пул, пул... Ҳар куни ҳисоб-китоб, ҳисоб-китоб... Худога шукр, яхши маош беришади, бировга қарамлик жойим йўқ... Ота-онамга, ака-укаларимга, сингилларимга ёрдамим тегиб туради... Лекин...

— Лекин умрнинг шундай ўтиб кетаётгани алам қилса керак?

Гўзал Умаралига ажабланиб қаради:

— Буни қаердан билдингиз?

— Мендаям тез-тез шунақа бўлиб туради...

— Ростданми? — кўзлари чақнаб кетди Гўзалнинг.

— Мен бўлсам... ўзимни ўзим сўкиб юрибман... Ҳа, гапингиз тўғри, умр ўтиб кетаяпти... Эртани ўйлашнинг ўзи даҳшат... Ҳар куни пул-пул, пул... Ишқилиб, нима қилиб бўлсаям уч-тўрт сўм ишлаб олиш... Бунинг учун виждонни, иймонни унутиш... Атрофга қарайсан: ҳаммасининг кўзи пулни кўрганда ёнади... Баъзан кечалари уйқум қочиб кетади, ўзимни ўзим ўлдиргиларим келади...

— Гузалчик!

Гўзал сесканиб кетди. Умарали унинг ранг-қути ўчиб кетганини ҳам кўрди.

— Мен шу ердан, жаноб, — деди Гўзал овоз келган томонга ўтирилиб. — Ҳозир бораман. — Сўнг йигитга айбдорона қаради: — Узр, бирон ёрдам керак бўлиб қолганга ўхшайди...

Қиз илдам юриб кетди.

Умарали галати ҳиссиётлар ғалаёнида қолди.

“Нима қилиш керак?”

Афсуски, бу саволнинг жавоби йўқ эди.

* * *

Юрак интилиб-талпиниб турса, одам ҳеч нарса қилолмай қоларкан.

Умарали билан Гўзал орадан ярим соат ўтар-ўтмас яна ўша жойда учрашишди...

Майсазорга ўтиришгач, Умарали журъат қилиб, қалтисроқ савол бера олди:

— Бу жаноб... бу жанобга ёрдам тез-тез керак бўлиб қолаяпти, шекилли?


Гўзал жилмайди.

— Ҳа, бу жаноб бизнес билан машғул бўлмаган вақтлари мени ярим соат кўрмаса тентак бўлиб қолади...

— Яхши кўраркан-да? — деди Умарали алам билан.

— Шунақа деса ҳам бўлади, — кулимсиради Гўзал.

— Бунақа жанобларнинг ҳар мамлакатда биттадан... яхши кўргани бўлади, дейишади...



— Ўйнаши деяверинг, гапни пардалаб нима қиласиз? — истехзоли кулимсиради Ғўзал. — Лекин бу жаноб шу туришига яна ўта виждонли ҳам. Яъни у фақат сотиб олган молига пул тўлайди. Тўлаганда ҳам сахийлик билан. Бу жаноб яна бир нарса ни яхши кўради. Буни принципиал масала деб билади. Яъни мол сотилишга ўз ихтиёри билан рози бўлиши, бу сахий жанобни салкам авлиё сифатида бошига кўтариши керак...

Сўнги жумлаларни айтаётган пайти Ғўзалнинг овози титраб кетди.

Умарали чидаб тура олмади:

— Бу жанобдан садақа кутгандан кўра, борига қаноат қилган яхши эмасми?

Ғўзал бир нуқтага тикилган кўйи ўйланиб қолди. Сўнг оҳиста шивирлади:

— Эртага контрактим тугайди. Шаҳарда иш топиш қийин... Топилган тақдирдаям, берган маоши қаттиқ нонга етади, холос... Менга ота-онам, ака-укаларим, сингилларим кўз тикиб туришибди... Қизим катта бўлаяпти... Бу жаноб менга ҳомийлик қилмоқчи. Чет элдаги қайсидир бир университетда ўқитмоқчи. Кейин дипломат бўлиб ишлашим мумкин бўларкан... Бу жаноб менинг уйимдагиларга ҳам ўша сиз айтган садақадан ҳар ойда бериб туришни ваъда қилган... Айтдим-ку, бу жаноб ҳамма ишни пухта қилади. Рози бўлдингми, тамом, ортга қайтадиган барча кўприклар ёндирилган бўлади...

— Ҳа, — дея алам билан шивирлади Умарали, — маккор одам экан...

— Бу жаноб қиммат ўйинчоқларни қўлга киритишни яхши кўради... Лекин бу жанобда принцип бор: то жонига тегмагунча ўйинчоқни иргитиб юбормайди. Қачонки шира сўриб бўлинади, ана ундан кейин туфлаб ташлаш мумкин...

— Ҳали ёшсиз, чиройлисиз, бирон тенгингиз...

— Бас! — деди қовоғи осилиб кетган Ғўзал жаҳл билан. — Онамнинг гапларини такрорламанг! Мен мустақил ўсган одамман. Тақдиримни ҳам ўзим ҳал қиламан. Контрактим эртага тугайди. Ҳали вақт бор...

Худди шу пайт...

— Гузалчик! — деган овоз келди.

Ранг-кути ўчиб кетган Ғўзал учиб ўрнидан турди-да:

— Мен ҳозир, жаноб! — дея садо берди.

Ана шунда Умарали жувоннинг юзи изтиробдан буришиб кетганини кўрди.

Ғўзал овоз келган томонга бир неча қадам юрган маҳал, туйқусдан Умарали отилиб ўрнидан турди ва:

— Ғўзал, — дея қаттиқ шивирлади. Аёл ажабланиб шу томонга ўтирилди. Умарали гапида давом этди: — Мен сизни яхши кўраман, Ғўзал! Менга турмушга чиқинг, Ғўзал!

Ғўзал... турган жойида қотди-қолди. Сўнг ажабланиб Умаралига тикиларкан:

— Умарали ака, — деди илтижо билан. — Менга раҳм-шафқатнинг кераги йўқ.

Умарали шошиб аёлнинг ёнига борди ва ҳовлиқиб, тез-тез гапира бошлади:

— Ҳеч қанақанги раҳм-шафқат ҳақида гапирманг. Мен сизни яхши кўраман. Боя, китоб ўқиб ўтирган пайтим олдимга келганингизда, менга қулиб қараганингиздаёқ сизни севиб қолганман. Ишонинг, сизни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Ишонинг, мен сизни бир умр излаб келганман. Фақат сизни...

Ранги қув ўчиб кетган Ғўзал даҳшат билан шивирлади:

— Ахир... ахир сизнинг оилангиз бор...

— Ҳа, бор... Бор... Лекин, ишонинг, мен дунёга келиб, ўттиз етти йил яшаб ҳали бировни севган эмасман. Ҳали бирон марта, бирон қизга “Сени яхши кўраман!” деганмасман. Шу ёшга етганимда қисмат менга севгини раво кўрди. Мен сизни яхши кўраман! Сезиб турибман, агар сизга шу гапни айтмасам, кейин бир умр ўзимни

ўзим лаънатлаб, ёмон кўриб ўтаман. Ғўзал! Менга турмушга чиқинг. Мен... оилам билан ажрашаман! Ахир... ахир хотинимни яхши кўрмайман... У ҳам буни билади... Фақат болаларни деб мажбуран яшагандан кўра... Болаларга эса ёрдам бераман... Сизникиларга ҳам... Мен ишлайман... Туну кун ишлайман... Сиз учун! Севгимиз учун!..

Ғўзалнинг кўзларидан шашқатор ёш оқарди...

— Гузалчик!

— Кетманг, Ғўзал, — дея қаттиқ шивирлади Умарали жувоннинг қўлидан маҳкам тутиб. — Кетманг... Мен билан қолинг. Сиз учун жонимни қурбон қилишга ҳам тайёрман. Кетманг...

Эсанкираб қолган Ғўзал шоша-пиша кўз ёшларини артди ва маъюс кулимсиради:

— Ростини айтсам, менга биринчи бор севги изҳор қилишлари... Одам шошиб қоларкан... Сал... ўзимга келиб олай... Кутилмаганда... саратонда ёққан қордай...

— Юрагингизга қулоқ солинг, Ғўзал. Менинг юрагим сизни деб ураяпти...

Ғўзал кафтини пешонасига қўйди.

— Иссиғим чиқиб кетибди... Тўхтанг, сал ўзимга келиб олай...

— Гузалчик!

Жувон сесканиб кетди.

— Мен ҳозир борай, Умарали ака... Кейин сал бемалол гаплашмасак... калаванинг учини ҳам йўқотиб қўйдим-ов...

Ғўзал аста қўлини тортиб олди ва шошиб овоз келган томонга юрди.

* * *

Умарали билан Ғўзалнинг кейинги учрашуви орадан ярим соатлар чамаси вақт ўтиб бўлди.

Атрофга намозшом қоронғулиги босиб келмоқда эди.

Ғўзалнинг... кўзлари чақнар эди.

Табассумга мойил дулоқлардан чиққан биринчи жумла шу бўлди:

— Худди осмонда учиб юргандайман... Севги изҳорини эшитиш... жуда бошқача бўларкан...

— Мен сизга ҳар куни севги изҳор қиламан, Ғўзал, ҳар соатда... — эҳтирос билан шивирлади Умарали жувоннинг қўлларини маҳкам ушлаганча.

— Наҳотки... — уялиб кулимсиради Ғўзал.

Худди шу лаҳзада, ўзларини ҳеч ким кўрмаётганлигига имони комил бўлган Умарали энгашиб Ғўзалнинг қип-қизил лабларига лаб босди.

Жувон қалтираб кетиб, Умаралини аста ўзидан итарди.

Умарали ўзини тортиб, жувонга диққат билан қаради. Ғўзалнинг қоп-қора, узун-узун, куюқ киприклар пана қилаётган кўзлари жиққа ёшга тўлганди...

— Яхши кўраман... — эҳтирос билан шивирлади юраги гупириб уриб кетган Умарали.

Бу сафар Ғўзалнинг ўзи йигитнинг кўксига бош қўйди. Нозик ислардан боши айланиб кетган Умарали аста жувонни кучди...

— Ҳаётимиз қандай бўлади, Умарали ака? — дея аста пичирлади Ғўзал.

Умарали ишонч билан гапиришга тушиб кетди:

— Ҳаммаси яхши бўлади, жоним. Эртага контрактингиз тугайдиган бўлса, анави жанобга бемалол “Ишдан бўшайман” деб айтаверинг. Мен эрталабгача уйга бориб келаман. Уй хотинимга, болаларимга қолади. Мен сиз билан шаҳарга кетаман. Бирга ўқитган курсдошларим бор у ерда. Биронтаси ёрдамида ишга кириб олам. Кейин ишлайвераман, ишлайвераман... Фақат сиз ёнимда бўлсангиз бас...

Тўсатдан Ғўзал аста йигитдан ўзини нари тортиди ва Умаралининг кўзларига диққат билан тикилди:

— Биринчи марта мен савдолашишмаяпти... Биринчи марта “севаман” деган сўзни эшитаяпти... Юрагим сизни деб ураяпти... Ҳали ёшмиз, тўрт мучамиз бут, иккаламиз ҳам ишлаймиз, астойдил ишлаймиз.

Ишқилиб, тирикчилигимиз ўтиб турар... Болаларингизга ёрдам бериб тураемиз...

— Сизнинг уйингиздагиларга ҳам, жоним...
— Қийналиб қолмасикинмиз?
— Асло... Энг муҳими — мен сизни севаман. Қолган барча ишлар иккинчи даражали...

Гўзал уялинқираб бош эгди:
— Яхши кўриб қолиш... яхши кўриб қолиш галати бўларкан... Ичингни бир нима қиздириб туради...

— Жоним...
— Азизим...

Эҳтиросли сўзлар ўтли бўсаларга қоришиб кетди.

Умарали жувоннинг қўлларини маҳкам тутди ва гўе телба мисоли ҳеч насани ўйламай, ҳеч нарсани режаламай... боя ўзи кўрган, гул териб келган шийпон томон бошлади. Оёқлари чалишиб кетаётган жувон итаокорона тарзда унга эргашди.

Шийпон икки вужуднинг эҳтирос тунига, муҳаббат тунига гувоҳ бўлди.

Умарали Гўзални эркалаб, унинг қулоқлари ишқ изҳорини айтиб чарчамасди... Жувон унинг оғушида тўлғанарди...

Фақат бир марта, қайдадир яқин бир жойдан “Гузалчик!” деган нидо янграган чоқ икковлон бир зум қотиб қолишди. Сўнг жувон Умаралини янада маҳкамроқ кучди:

— Бу дунёда мен учун фақат сиз борсиз. Бошқа ҳаммаси бекор... У энди барибир мени кечирмайди. Бунақа катта ҳамёнлар ўзлари кўз тиккан молга бировнинг қўл теккизишини кўтара олмайдилар...

— Жоним...
— Азизим...

Икковлон эрта саҳар палла, майсазорни қоплаган муздай шамбнамлардан уст-боши нам аҳволда идорага қайтиб келишди.

Улар оёқ учиди юриб Гўзал ётадиган вагонетка ёнига боришди.

Тўғридаги, раҳбар учун мўлжалланган вагон чироғи ёниқ эди.

Улар қисқа муддатга хайрлашиш олдидан бир-бирларидан узоқ бўсалар олдилар.

Фурсат оз эди.

Шу сабабли Умарали режасини шивирлаган кўйи қисқача баён этди:

— Ҳозир мен кетаман. Уйга бориб анави масалаларни ҳал қиламан. Кўпи билан икки-уч соатда етиб келаман. Кийим-бошларимни ҳам олиб келаман. Сўнг дарров шаҳарга бирга кетамиз.

— Контрактим тугайди. Энди мен “жип”га чиқолмайман.

— “Жип”и бошидан қолсин. Автобусда кетамиз, жоним...

— Хўп бўлади, азизим...

— Унда мен чоғдим... Икки соатга хайр, жоним.

— Сизнинг йўлингизга кўз тикиб ўтирмаман, азизим...

— Жоним...

— Азизим...

* * *

Умарали илтимос қилиб бирга ишлайдиган танишининг “Жигулиси”ни олдию, машинани учириб йўлга тушди.

Умаралининг оғзи қулоғида. У юрагида янграётган муҳаббат мусиқасидан маст эди.

Фақат ўзи яшайдиган кўчага бурилган маҳаллагина Умаралининг юраги бир симиллаб оғриб кетди.

Ҳар қалай, уйда умид билан бир ёстиққа бош қўйган хотини кутиб ўтирибди. Уртада иккита шириндан-ширин фарзанд...

Аммо шу заҳоти бу ўйларини Гўзалнинг гўзал чехраси ювиб ўтиб кетди.

“Наргиза тушунади, — дея ўзини ўзи ишонтиришга урина бошлади Умарали. — Менимча, одатига кўра

гапларимни ҳам жиддийлик билан, қовоғини солиб эшитади. Кейин балки жиддийлик билан, овоз чиқармай йиғи-сиғи қилар... Бир томондан шуниси ҳам яхши — кўни-қўшнилар эшитмайди...”

Умарали янглишмаган эди — Наргиза уни худди бир соат олдин кўргандай совуқ жиддийлик билан, ҳаттоки тонг саҳарда кириб келаётганига ҳам ажабланмасдан кутиб олди.

Гапни нимадан бошлашни билмаётган Умарали айвонда иккиланиб туриб қолди-да, кейин:

— Болалар қалай? — деб сўради.

— Яхши, ухлашяпти, — деб жавоб қайтарди Наргиза.

“Нақадар совуққон оҳанг! — дея ўзининг асабларини ўзи ўйнай бошлади Умарали. — Мабодо мен ўлиб қолсам ҳам бунинг бир туки қилт этмайди. Ахир, шундай хотин билан яшаб бўладими?..”

— Наргиза... — дея чайналди Умарали.

— Овқат бор, иситайинми?

— Йўқ, овқат емайман. Мен...

Умарали тил учиди турган гапларни айтишга журъат қилолмай бир лаҳза иккиланиб қолди. Худди шу сонияда у кўксига бош қўйиб турган Гўзални, унинг жон олар табассумини эсладию, жон ҳолатда, томдан тараша тушгандек тезгина:

— Мен биттасини яхши кўриб қолдим, — деди.

Уйга кираётган жойида бу гапни эшитган Наргиза таққа тўхтади ва ўгирилиб, эрига ҳайрон бўлиб қаради.

— Ичганмисиз?

— Йўқ, — деди гаши келиб Умарали. — Ичмаслигимни биласан-ку.

— Унда ҳозир нима дедингиз?

Умаралининг жон-пони чиқиб кетди.

— Эшитмадингми? Биттасини яхши кўриб қолдим, дедим.

Наргиза эрига бир муддат анграйиб тикилиб қолди. “Ҳозир чинқиради, сўнг юмма талайди”, деган ўй ўтди Умаралининг кўнглидан.

Йўқ, хотин бундай қилмади, балки эрига жиддият ила тикилиб турди-турди-да, сўнг:

— Шунга мен нима қилай? — деди.

Умаралининг жон-пони чиқиб кетди.

— Менам суюнчи бер деб айтаётганим йўқ...

Хуллас, биттасини яхши кўриб қолдим. Гапни бир жойга қўйдик. Икки соатдан кейин шаҳарга кетаяпмиз. Лекин сен кўрқма. Болаларга қарашиб тураман... Кейинроқ келиб ариза бериб кетаман... Уй сенга қолади. Нарсаларам... Мен бир-иккита кийимимни олиб кетсам бўлди... Онамга ҳар хил гап-сўз қилиб юрма, ҳурматини жойига қўй...

— Онангизнинг ҳам хабари борми?

— Э, қанақа галчасан! Тўғри... қурилишдан келаяпман-ку... Хуллас, гап шу. Биттасини яхши кўриб қолдим... Гапни бир жойга қўйдик...

— Унда бу ерда нима қилиб турибсиз?

Хотинининг бу саволи Умаралининг асабларини яна жунбушга келтирди.

— Ҳов, турганим йўқ, шу гапларни сенга айтиш учун келдим. Ҳозир кетаман.

Наргиза каловлиниб турган эрига бир муддат қаттиқ тикилди, сўнг оҳиста:


— Майли, бораверинг, — деди. — Оқ йўл. Фақат уч талоғимни бериб кетинг.

Масаланинг бу қадар осон ҳал бўлганидан баттар довлараб қолган Умарали хотини фикрини ўзгартириб қолишидан чўчигандай жон ҳолатда:

— Мана, кетдим, кетдим, фақат кийимларимни олай, — деганча шошиб меҳмонхонага кирди ва тўрдаги шифоньердан ўзининг икки жуфт котюм-шимини, уч-тўртга қўйлагини ва янги туфлисини олди.

Умарали нарсаларни кўтариб чиққанида Наргиза ҳамон айвонда, бояги жойида қотиб турарди.

— Бўпти, хафа бўлма, хотин, — деди Умарали шоша-пиша. — Болалардан хабар олиб тураман. Хайр...



Умарали оёғи куйган товукдай шошиб дарвоза томон кета бошлади.

— Уч талоғимни бериб кетинг...

Бу Наргизанинг жиддий овози эди.

“Шу пайт ҳам-а...” деган ўй ўтди Умаралининг кўнглидан.

Аммо кўнглини босиб келаётган қувонч боис Умарали ортиқча мулоҳаза қилиб ўтиришдан вақтни кизганди ва шоша-пиша:

— Уч талоқсан... Уч талоқсан... Уч талоқсан... — деди.

Умарали дарвозани аста ёпиб кетгандан сўнггина Наргиза шундай айвонга, зах ерга гуп этиб қулади ва тишларини тишларига маҳкам босганча изиллаб йиглаб юборди...

* * *

Умарали яна машинани елдириб идорага етиб келди. Барча ходимлар ишга жўнаб кетишган эди.

Умарали чопқиллаб хорижлик ишчилар учун ўрнатилган вагон ёнидан ўтаркан, идора ёнида турган таниш “жип”ни кўрди ва беихтиёр истеҳзоли жилмайиб кўяркан: “Жаноб ёлғиз кетадиган бўлди-да”, деб қўйди минғирлаб.

Умарали қўлидаги нарсалари тўла иккита салафан халтани кўтарганча идора эшиги томон юрди.

Худди шу маҳал идора эшиги очилди ва аввал ўша тепакал жаноб чиқиб, эшикни ушлаб турди. Унинг ортидан гўзал қоматини сириб турган яшил кўйлак кийган Гўзал чиқиб келди.

Ҳаяжонланиб кетган Умарали жувонга қараб қўл силкиди.

Гўзал аста зиналардан тушиб келаркан, Умаралини кўрди ва ўгирилиб, раҳбарига нимадир деди.

Зиналардан тушишган заҳоти тепакал раҳбар зипиллаб “жип” томонга кетди.

Гўзал, хурилиқо Гўзалой эса бир-бир қадам босиб ўзига ҳайрат-ҳаяжон билан термулиб турган Умаралининг ёнига келди.

— Бордим, жоним, — дея ҳисобот беришга тушди Умарали ҳовлиқиб қўлидаги салафан халталарга ишора қиларкан. — Ҳамма иш жанжал-суронсиз битди. Нарсаларимни олдим...

— Умарали ака...

Гўзалнинг кечагидай мафтункор жилмаймаётгани, ўзига ҳайратланиб термулмаётгани Умаралини ажаблантирди. У ҳайрон бўлиб жувонга қаради.

Ранги кумдай оқариб кетган Гўзал сўзларни битта-битталаб талаффуз қилган кўйи, оҳиста гапирди:

— Мен ҳаммасини ўйлаб кўрдим, Умарали ака... Режамизнинг хом жойлари кўп экан... Ҳаёт шафқатсиз... Биз ёш боладай романтикага берилиб кетибмиз... Шунинг учун ўйлай-ўйлай... — шундай дея жувон “жип” тарафга бош силкиди, — мен жаноб билан қолишга аҳд қилдим... Шунда ҳаммамизга яхши бўларкан... Биз узоқ гаплашдик. Жаноб мени кечирди... “Келажакда таъна қилмайман”, деб ваъда берди. Хайр, Умарали ака. Кечаги тун учун раҳмат... Биринчи бор ўзимни аёл ҳис қилдим... Хайр...

Умарали оғиз жуфтлаб бир гап айтишга ҳам улгуролмади.

Гўзал тез-тез қадам ташлаб бориб, эшиги очик турган “жип”нинг олдинги ўриндиғига, ҳайдовчининг ёнига ўтирди. Шу заҳоти машина мотори ўт олди.

“Жип” Умаралини чангга кўмган кўйи шиддат билан унинг олдида ўтди-кетди.

Умарали чанг-тўзонга кўмилган ҳолда лол-абгор аҳволда бўшашиб тураркан, тўсатдан қўлидаги салафан халталарни юқори кўтарди ва алам билан:

— Энди мен нима қиламан? — дея қичқириб юборди...

ҚАЙДАСАН, МЎЖИЗА...

Ўзбековуллик Тиркаш чўпоннинг кенжа ўғли Дамин кутилмаганда кишлоқда машҳур бўлди-қолди.

Ҳар доимгидек, энг аввал бу гапни болалар топиб келишди. Аммо катталар ишонқирамай бош чайқашди. Заҳаргина тили билан овулда танилган Беркин муаллим эса очикдан-очик истеҳзо билан:

— Қарқуноқдан булбул чиқмайди, биродарлар, — деди. Сўнг, гапининг янада чуқурроқ мазмун касб этишини истадими ёинки аввалдан ёдлаб олган жумласимиди, ишқилиб, жиддият ила қўшиб қўйди: — Олма ҳеч қачон ўз дарахтидан узоққа тушмайди.

Қарангки, табиатда баъзан шунақа ҳодиса ҳам юз бериб тураркан, яъниким, олма ўз дарахтидан узоққа ҳам бориб тушаркан.

Ҳолбуки, ҳар қандай воқеа-ҳодисага дарҳол муносабат билдириши билан танилган, айниқса, аксар ҳолларда гаплари тўғри чиқиши боис ҳатто “синчи” лақабини олиб улгурган Беркин муаллимнинг адашиши жуда қийин эди...

Орадан озгина фурсат ўтар-ўтмас Дамин ҳақидаги узунқулоқ гаплар овулдан чиқиб, қўшни кишлоқларга ҳам тарқала бошлади. Хусусан, тўй-маъракаларда ўзбековулликлардан бу йигитча тўғрисида сўраб-суриштиришлар бошланди.

— Қишлоғингиздан бир бола чиққан эмиш...

Бировларнинг олдида сўралган масалани билмаслиги боис қизариб қолишни ёқтирмайдиган ўзбековуллик ёши катталар ниҳоят бу ишга жиддий киришмаса бўлмаслигини англаб етишди.

Аввал болаларни сўроқ қилишди. Уларнинг эса ҳаяжони бир олам эди.

Болаларнинг тўлиб-тошиб гапиришларига қараганда, Тиркаш чўпоннинг кенжа ўғли Дамин, ана шу озгингина, ҳаттоки қилтириқлиги боис ёшига нисбатан кичикроқ кўринадиган, айтайлик, ташқи кўриниши нари борса ўн олти-ўн етти яшар ўсмирни эслатадиган Дамин алламбало кўзбойлоғичликлар қилиб, овул болаларининг оғзини очириб юрган эмиш.

Бироқ болаларнинг онт ичиб гувоҳлик беришича, буни кўзбойлоғичлик деб аташ ҳам мушкул эди. Яъни қоронғу тушиб, овул зимистон оғушига кўмилган маҳал болалар йигилишиб чўпоннинг уйи ёнига боришаркан. Улар ярим соат-бир соат кутиб тургандан сўнг ахийри эски, бир томонга оғиб қолган дарвозанинг бир тавақаси гийқиллаб очиларкан ва қоронғуликда пайдо бўлган Дамин нималарнидир пичирлаб-шивирлаб ўқигач, кетмон дастадай узун ва ориқ қўлларини болалар томон чўзаркан. Ана шунда... ана шунда яланғоч қўлларда олов пайдо бўларкан. Ҳақиқий олов. Бир неча лаҳзадан кейин эса, олов қандай пайдо бўлса шундай ўчаркан-қоларкан. Шундан кейингина Дамин дарвоза тепасига ўрнатилган чироқни ёқаркан-да, бир туки ҳам куймаган қўлларини болаларга намойиш қиларкан...

Албатта, бу гапга катталар мутлақо ишонишмади. Оловни эса оддий кўзбойлоғичлик деган хулосага келишди.

Балки мана шу кўзбойлоғичликнинг ўзига ҳам тан берса арзирди. Аммо кутилмаганда кимё ўқитувчиси

Алибой аканинг изоҳим бу борадаги сўнгги иккиланишларга ҳам барҳа берди ва натижада:

— Чўпоннинг кенжа ули ёш болаларни алдаб юрган экан-да, — деган узил-кесил хулосага келинди.

Муаллим эса шартта:

— Дамин қилган ишни мен ҳам қила оламан, — деди бир даврада. — Биламан, у бола шу йўл билан пул ишламоқчи. Лекин мен бу ишни текинга қиламан.

Ўтирганлардан айримлари бунга шубҳа билдиришди. Шунда қони қайнаб кетган муаллим бас бойлашишга киришиб кетди. Зерикиб ўтирганларга бу яхши эрмак бўлди. Хуллас, бир яшик ароқдан гаров ўйналди.

Шундан кейин ютиб олиндиган бир яшик ароқни ўйлаб терисига сиғмай қувонаётган Алибой ака бир қўлини пақирдаги сувга ботириб, жиққа ҳўл қилгач, камзулининг ҳўл энги устидан бензин кўйди-да, шартта гугурт чақди.

Камзул энги ловуллаган олов ичида қолди. Олов бир неча лаҳза ловуллаб ёниб турди. Сўнг муаллим қўлини яна пақирдаги сувга тикиб оловни ўчирди-да, қўлини тортиб олди.

Даврада ўтирганлар гуриллаб муаллимни олқишлашди. Табиийки, бунақа пайтда олов ҳўл энгни куришунча анча вақт ўтишини ҳар қандай ақли қосир одам ҳам билиб туради.

Хуллас, чўпоннинг ўғли мана шундай оддий кўзбўйлогичлик қилапти, деган қарорга келинди.

Тўғри, ютқазган томон:

— Дамин қўлини сувга тикмас экан... Даминнинг қўли яланғоч бўлар экан... — дея эътироз билдиришга уриниб кўрди.

Лекин кўпчиликни ташкил этадиган голиб томоннинг бақир-чақирлари бу ожиз эътирозларни босиб кетди ва ноилож қолган мағлуб томон ўша зорманда бир яшик ароқни насияга бўлса ҳам олиб келишга мажбур бўлди.

Ушбу даврада мен ҳам бор эдим. Мўйловимни ҳўллаб ароқ ичдим. Кейин эса... ўйлашиб қолдим.

Ким билади, балки болалар рост гапирётгандир.

Бу дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Балки мўжиза деганлари чиндан ҳам учрар. Бунинг устига, яқиндагина вилоят газетасида иш бошлаганман. Ким билади, балки шов-шувга арзирли мақола ёзарман... Тўғри, мен кўнглимнинг туб-тубида Алибой ака рост гапирганини эътироф этиб турардим. Дамин эса... пул топишнинг шунақа йўлини топгандир-да. Иссиқ демай, совуқ демай акалари, отаси билан қирма-қир сурув ортидан улоқиб юргандан кўра, иссиққина уйда ўтириб пул топишни орзу қилиб қолгандир... Она икки йил бурун вафот этиб кетган. Ҳалиям Тиркаш чўпон инсоф қилиб, тўрт ўғли устига ўгай она олиб келмади...

Даврадан сирғалиб чиқиб, Тиркаш чўпоннинг қишлоқ чеккасида жойлашган уйига йўл олдим.

Борсам, томоша энди тугаб, болалар уй-уйларига тарқалишаётган экан. Улар орасида жияним Нодирни кўриб қолиб:

— Хўш, қандай бўлди? — деб сўрадим.

Нодир кўрсаткич бармоғини кўкка бигиз қилди:

— Зўр бўлди!

— Томошага пул йиғмаяпсизларми ҳали?

Нодир менга ажабланиб тикилди.

— Қанақа пул?

— Томоша учун-да.

— Йўқ.

Мен беписанд кулдим:

— Унда яқин-орада бошлайсизлар...

Гапимни унча англамаган жиянимни ҳайратда қолдириб, чўпоннинг уйи томон юрдим.

Дамин дарвозага суяниб, қўлларини кўкрагига қовуштириб турган экан...

— Салом, — дедим тўғри йигитчанинг олдига бориб.

— Мен вилоят газетасиданман.

— Ассалому алайкум, — деди бирдан жонланиб қолган Дамин мен томон иккала қўлини чўзиб. — Мен сизни танийман.

Дарвоза тепасидаги чироқ ёниб турарди. Мана шу ёруғликда йигитнинг қўлларига, билакларига синчиқлаб разм солишга уриндим. Йўқ, ҳаммаси жойида. Ҳеч қанақанги куйиш аломати йўқ. Ҳа, афтдан, Алибой аканинг гапи чинга ўхшайди. Йигитча болаларни лақилатиб юрганга ўхшайди...

Шундай бўлса-да, чиқмаган жондан умид қабилда сўрадим:

— Ўзи сенга нима бўлган?

Дамин шоша-пиша, ҳовлиқиб сўради:

— Газитга ёзасизми?

Бу сафар Алибой аканинг гапи мутлақо тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Бу шуҳратпараст бир йигитча экан асли... Шу сабабли дудмолроқ жавоб қилдим:

— Буни... кўрамыз. Агар ўқувчига қизиқ бўлса...

— Юринг, юринг, уйга кирайлик...

Йигитчанинг бу мулозамати негадир гашимни келтирди. “Уйга опкириб, бир пиёла чой берадим-йўқми, кейин катта зиёфат берган одамдай мақола қачон чиқишини сўрайвериб бошимни қотиради”, деган ўйда кескин бош чайқадим.

— Шу ер яхши экан. Тоза ҳаво.

— Майли, — дарҳол рози бўлақолди Дамин. Сўнг очикўнгиллилик билан илжайди: — Сўранг.

Очиғи, болақайнинг бу илтифоти ҳам мени ранжитиб, энсамни қотирди. Шу сабабли сал зардали оҳангда сўрадим:

— Сенга нима бўлган ўзи?

Мен узоқ давом этадиган жавобни кутгандим. Яъни болаликда содир бўлган қандайдир ғалати воқеалар, қанақадир имо-ишоралар... Хуллас, довдираш-алжирашда-ей...

Аммо кутилмаганда Дамин илжайиб, елка қисди ва оддйгина қилиб:

— Билмасам, — деди. Кейин, менинг ажабланиб тикилиб қолганимни сезди шекилли, ўзича изоҳ берган бўлди: — Лекин мен ўзимни ёқа оламан... Бунинг қандай бўлишини ўзим билсам ўлай агар. Ўйлашиб туриб, кўлимга қараб тураверсам, ўт ёнади. Ўт ёнса, кейин анча энгил тортаман...

— ...

Йигитчага анграйиб қараб туравердим. Дамин бўлса ҳамма гапни айтиб бўлган интервью берувчидай мулоимгина илжайиб турибди.

Ниҳоят сўрадим:

— Қанақасига ёқа оласан?

Дамин яна бир бор елка қисди-да:

— Билмадим, — деди. Сўнг яланғоч қўлларини мен томон чўзди: — Ёққим келса ёқавераман...

Ана шунда... менинг кўз олдимда, шундоққина бурнимнинг тагида турган яланғоч қўлларда аввал сариқ бир шарпа пайдо бўлгандай туюлди ва мен ҳали ҳайратланиб улгурмасимдан иккала қўлда гуриллаган олов пайдо бўлди.

Бу ҳақиқий олов эди!

Азбаройи қарахт аҳволга тушганимдан мен ҳатто ўзимни четга ололмай қолдим.

Олов эса, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ўчди-қолди...

Мен тамомила эсанкираб Даминнинг қўлларига қарадим. Олов асорати мутлақо йўқ эди уларда...


Мастманми, деб ўйласам, бор-йўғи икки пиёла ичганман, холос. Хушёрман, десам...

Нима бўлганда ҳам, бир нарса аниқ эди: бу ерда Алибой муаллимнинг назарияси ўтмайди. Йўқ, бошқа гап бор бу ерда. Лекин... нима гап?

Ўзимга келиб олишим керак эди. Шу сабабли йигитча билан шоша-пиша ҳайрлашарканман:

— Шанба куни фотоаппарат билан келаман, — дея ваъда бериб юбордим.

Уйга келдим, кўрганларимни мулоҳаза қилиш ўрнига ўзимни ўринга ташлаб, донг қотиб ухладим...



Тонг палла онам уйғотди. Балки ўрнимдан турмасдим ҳам, аммо у кишининг:

— Сени ташқарида Тиркаш чўпон кутиб турибди, — деган гапини эшитгач, кечаги воқеалар ёдимга келдию, ўрнимдан учиб турдим.

Биз подага мол кўшмасдик. Шу сабабли чўпоннинг ташрифи ўёли билан боғлиқлигини сезиб турардим.

Уйлаганимдай, қуюқ салом-алигу қишлоқча узоқ ҳол сўрашишлардан кейин Тиркаш ака бир йўталиб олди ва асл муддаога ўтди:

— Кеча уйга ўтган экансиз...

— Ҳа, Дамин билан кўришган эдим. Дарвоза олдида.

Кеч бўлиб қолганди. Шунга уйга кириб ўтирмадим. Тинчликми?

Чўпон яна бир йўталиб олди.

— Айтмоқчи бўлганим шуки, ука, яна бизнинг болани газит-пазитага ёзиб юрманг.

Мен ҳайрон қолдим.

— Нега энди?

Тиркаш ака сал ўнғайсизланди.

— Ўзи шусиз ҳам хеш-уруғларнинг барисининг мазахига қолган. Энди газитга ёзсангиз, касаллиги рост экан, деб ўйлашади-да...

— Дамин касалми?

— Энди... билмайман, негадир шу кенжамиз сал нимжонроқ ўсди. Қолган барисининг илиги тўқ. Ўзиям бир эмас, икки марта сариқ бўлди. Рангини қаранг, сарғайиб кетган. Авайлаганимиз сайин... Энди бунақа қилиб... Бутун қишлоқча шарманда бўлиб...

— Ҳай, ҳай, Тиркаш ака, Дамин шарманда бўлгани йўқ, томоша кўрсатапти...

Баногоҳ бўғриқиб кетган чўпон гапимни шартта бўлди:

— Менга масхарабоз керак эмас!..

Гапим оғзимда қолди.

Тиркаш ака қоғоғини солди:

— Газит-пазитага ёзсангиз, бола ростданам шунақа одамман, деб ҳаволаниб кетмасин яна... Бизнинг шарманда бўлганимиз қолади орада... Ўзи қанчаси мазах қилиб юрибди... Кеча роса таъзирини берганман... Одамларга ўхшаб яша, дедим... Ўзи тўртта молни эплаб боқолмайди-да, томоша кўрсатганига ўлайми...

Қарасам, чўпоннинг қарори қатъий. Шу боис у кишини хотиржам қилишга уриндим:

— Ёзмайман, Тиркаш ака, ёзмайман.

Чўпон ёйилиб илжайди:

— Шарманда бўлмайлик дейман-да, ука.

— Шарманда бўлмасиз, ака.

Тиркаш ака белкуракдек келадиган кафтини менга кўз-кўзлади:

— Мен ҳозир бориб уни бир тавбасига таяй...

Негадир юрагим шув этиб кетди.

— Шу... керакмикан, ака, — дедим иккиланиб.

Чўпон ишонч билан бош иради:

— Керак, ука, керак... Бу боланинг бир кўзини кўрқитиб қўймасам тоза ўзидан кетаяпти...

Тиркаш ака кетди.

Кўнглимни босиб келаётган хавотир ҳисларидан қутулиш мақсадида шоша-пиша нонушта қилдим-да, ишга жўнадим.

Бахтимга, вилоят марказида каттагина бир кутубхона бор.

Бутун, душанба кунни, газетادا иш кам эди. Шу сабабли тўғри кутубхонага йўл олдим ва меҳрибон кутубхоначи Холида опадан инсонларнинг ўзларини ўзлари ёндиришлари ҳақида адабиётлар борлигини сўрадим.

Каталогни титиб кўрган опа:

— Ўз-ўзидан ёниб кетган одамлар ҳақида китоблар бор, лекин ҳаммаси рус тилида, — деди.

— Бераверинг...

Опа ўнтача қалин-қалин китобларни олиб чиқиб берди.

Ижарада турадиган уйимга бориб, стулга яхшилаб ўрнашиб олдим-да, китобларни ўқишга тушдим.

Мутолаа тонгга қадар давом этди.

Мен энди баъзи нарсаларни билиб олгандим... Тўғри, улар денгиздан томчи эди. Шунга қарамай...

Ўзидан ўзи ёниб кетган одамлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1835 йили АҚШ матбуотида пайдо бўлган. Университетнинг математика профессори Жеймс Гамильтон ўз кафедрасига эшигига яқинлашган маҳал мутлақо тўсатдан, ўнлаб талабалар кўз ўнгида шимидан тутун кўтарилди ва лаҳза ўтмасдан шим ловиллаб ёниб кетади. Ваҳоланки, профессор чекмасди, яқин атрофда ҳам бирон-бир олов манбаи йўқ эди. Фақат талабаларнинг ёрдамга отилиши, уни йиқитиб, олов устига ўз пальтоларини босиши туфайлигина профессор омон қолди.

Бунга довур эса, XVII асрда Американинг Мэрилендида афсонавий Сузанна Сэвелл исмли аёл яшаб ўтгани маълум. Камбағаллашиб қолган бу аёл кунларнинг бирида ўз истагига кўра кучсизгина олов ичида қола олишини билиб қолади. Бу ноёб истеъдоди туфайли Сузанна тез орада барча таниқли бойлар хонадонининг азиз меҳмонига айланди ва қисқа муддат ичида бойиб кетди. Одатда, аёл меҳмонларни тим қоронғу уйга тақлиф қилган ва ўзининг ғаройиб салоҳиятини намойиш қилган. Яъни аввалига оқ либосда, қўлларини чўзиб арвоқдайин турган аёлнинг кафтларида олов пайдо бўлган. Сўнг олов аста-секинлик билан билақларга ўтган. Ниҳоят бутун тана ўт ичида қолган!

Ажабланарли жойи шундаки, шунчалик кучли олов ичида қолса ҳам ғаройиб хонимнинг бир тола сочи ҳам куймаган!

Сэвелл хонимнинг шухрати ортгандан орта борар, шунга яраша ғазнасида ҳам олтинкумушлар миқдори кўпайиб борарди. Аммо кутилмаганда Сузанна хоним бораётган карета кўприкда дарёга ағдарилиб кетди. Сувга пишиб чиққан миссис Сэвелл шу кунийқ ўзини ўзи ёндира олиш борасидаги барча салоҳиятидан мутлақо айрилиб қолганлигини кўрди...

1934 йили Италиядаги Пирано шаҳри шифохонасига келган 42 ёшли Анна Монаро кўкрагида пайдо бўлаётган иссиқликдан нолиди. Доктор Пропти ва унинг ҳамкасабалари касаллик сабабини аниқлай олмай, ҳайрон бўлиб турганлари маҳал аёл кўкрагида олов пайдо бўлди! Сеньора Монаро кўкрагида ёнаётган олов тили 45 сантиметрга қадар етганини шохидлар ўз кўзлари билан кўришди.

1943 йили эса Туркиядаги Мугла шаҳрида вафот этган эрининг қабрини зиёрат қилишга борган 25 ёшли бева аёл нам қабристонда, мулла ва фарзандлари кўз ўнгида ўзидан ўзи ёниб кетди...

Орадан йигирма йил ўтиб, 1963 йили америкалик олимлар ёниб ўлган бева аёл қабрини очиб кўришди ва аёлни ўз қаърига олган олов деярли 1300 градус иссиқликка эга бўлганлигини аниқлашди, холос. Олов сабаби эса номальумлигича қолаверди.

1975 йили АҚШнинг Жоржия штатида яшовчи фуқаро Жек Анжелнинг ўнг қўли тўсатдан ёниб кетди.

Бу ҳодисани узоқ вақт текширган шифокорлару олимлар бир хулосага келишолмади. Аммо кучли оловдан куйган Анжелнинг қўлини кесиб ташлашга мажбур бўлишди.

1981 йили АҚШ фуқароси Жонатан Каррер акасининг тўйига етиш учун машинасида катта тезликда кетаётган пайтида кўкрагида олов пайдо бўлганини кўради... Ажабки, олов унга зиён етказмайди, ҳатто кўйлагини ҳам куйдирмайди. 37 ёшли адвокатнинг кўкрагида иккита қора нуқта қолади, холос...

Албатта, мен инсонларнинг беҳосдан ўзларидан ўзлари ёниб кетишлари ёхуд истакларига кўра ўзларининг вужудларида ўзлари олов ҳосил қилишлари хусусидаги барча мисолларни келтириб ўтирмадим. Аммо мана шу санаб ўтилганларнинг ўзиёқ мени ҳайратга солди...

Ҳа, Шекспир қаҳрамонларидан бири эътироф этганидек, дўстим Горацио, бу дунёда шунақанги сир-

синаотлар борки, уларнинг аксари кўпчиликнинг тушига ҳам кирмаган...

Бу сешанба кунги гап эди. Жума кечга яқин қишлоққа қайтдим.

Энди ҳувиллаб ётган чойхона ёнидан ўтаётганим маҳал шу томонга шошиб келаётган Тиркаш акани кўриб қолдим.

Югуриб бориб чўпон билан кўришдим. Даминни сўрадим, Тиркаш ака илжайди:

— Ўғлимни одам қилаяпман...

Бу жавобдаги қандайдир тантанавор оҳанг кўнглимга ўтиришмагани боис дарҳол ўқиганларимни тўкиб солишга тушдим.

Тиркаш ака гапларимни қандайдир фаромушхотирлик билан, ҳаттоки, назаримда, безътибор эшитди. Бу менинг иззат-нафсимга тегди ҳар қалай.

Аммо мен миссис Сэвелл ҳақида гапириб, сувга тушиб кетгандан кейин унинг ноёб истеъдоди барҳам топганини гапирганимда чўпон сал жонланиб қолди. Кейин, бу воқеани илтимосига кўра яна бир марта гапириб берганимдан сўнг ингичка мўйловининг бурама учини тишлаганча ўйланиб қолди-да:

— Қайиш билан урдим... — деди. — Оч кўйдим... Аммо сувга пишмабман-да...

— Ҳали шунақа қилиб Даминни одам қилаяпсизми? — дея сўрадим гашим келиб.

— Энди, ука, бола меники, — деди чўпон насиҳат оҳангида. — Нима қилсам ихтиёримда. Ҳали ўзинг бола кўр, катта қил, ана ўшанда биласан... Кейин, мен нима қилсам, ёмон бўл деб қилмадим, яхши бўл, эл қатори бўл деб қилдим...

— Балки Даминда ноёб қобилият бордир...

Тиркаш ака кескин оҳангда гапимни бўлди:

— Менга бола керак, дедим-ку, масхарабоз эмас!

Очиғи, кўнглимнинг туб-тубида бир яширинроқ ният пайдо бўлгандики, Дамин ҳақида мақола ёзсам, уни Тошкентда эълон қилдирсам, кейин бунақа истеъдодли бола билан бутун республикани айланиб чиқсак, томошалар кўрсатсак... Пулга, албатта... Бундай ўйлаб кўрсанг, ҳеч масхарабозликдан фарқи йўқ...

Ҳа, нодонмиз, нодонмиз. Бировнинг дардидан ҳам пул ишлашга қизиқамиз. Пул ўлсин-а, пул ўлсин...

Англадимки, бунақа ўжар ота билан тадбиркорлик режамни амалга оширишим қийин. Шу сабабли ётиғи билан гапиришга урдим:

— Одам қилиб нима қиласиз?

— Уйлантираман! — шартта оғзимга урди Тиркаш ака.

— Уйлантираман? Дамин ҳали бола-ку!

Чўпон менга ўқрайиб қаради:

— Болалиги қолдими? Йигирмага қираяпти! Келин ҳам топиб кўйдик. Чилласидан кейин далага олиб чиқиб кетаман. Чўпонликнинг нони қаттиқ бўлади, лекин ширин бўлади.

— Лекин Дамин...

Тиркаш ака қўлини кескин силтади:

— Бутун аждодимиз чўпон ўтган. Худога шукр, оч қолмаганмиз. Қорнимиз доим тўқ. Одамга бундан ортиқ нима керак? Ана, Даминга деб участка олиб қўйганман. Эртага тош тўкаман. Кейинги ҳафта фундамент қуяман. Бир ойда уйни қуриб ташлаймиз. Кузда тўй...

Чўпон мен билан хайрлашмасдан ҳам жўнаб қоларкан:

— Сув учун раҳмат, — деб қўйди минғирлаб.

Мен тушунмадим. Тиркаш ака қанақа сувни гапираяпти?

Тушунганимда эса... кеч бўлганди...

Ҳа, кеч бўлганди.

Шундагина мен нима қилиб қўйганимни англадим. Мен ўзимни қотилнинг қўлига қурол тутқазиб, уни жиноят манзили сари йўллаган одамдай ҳис қила бошладим...

Аммо бу туйғу тез орада ўтиб кетди.

Бу шундай жиноятки, уни бирор тирик жон исботлай олмайди. Бу шундай жиноятки, ҳатто бирон кишининг хаёлига ҳам келмайди. Инчунун, бирон киши менга бармоғини бигиз қилиб ҳам кўрсатолмайди...

Хуллас... Биров бошқасини “қотил” деёлмайди. Аслида эса биз ҳаммамиз қотилдаймиз...

Ҳали айтганимдай, Дамин ўзи нимжонгина йигит эди. Ахир, икки марта сариқ касали билан оғришнинг ўзи бўладими...

Шу ҳолига, айниқса отаси кечалари уйга қамаб, дарвозага, томошаталаб болалар олдига чиқармай қўйгандан кейин баттар қийналиб, касалланиб қолган. Айтишларича, Даминнинг иссиғи қирқдан олшган, кечалари алаҳлаб чиқа бошлаган... Аммо ғазабкор ота шифокор чақришни хаёлига ҳам келтирмаган. Чўпон нуқул “Уйланмайман” деяётган ўғлини сўккан, қаргаган, жаҳли чиққан кезлари урган ҳам.

Ахийри... мендан керакли йўл-йўриқ олган ота... кечаси титраб-қақшаб ётган ўғлини сойга судраб чиқиб, сувга пишган... Шу билан касаллиги тарқалиб кетади, деган уйга борган-да чўпон.

Дамин мана шу ҳолида, титраб-қақшаб, совуқдан тишлари такиллаб, сувга ғарқ бўкиб уйига қайтиб келган ва кийимини алмаштиришга ҳам мадори етмасдан ухлаб қолган.

Эртаси куни Тиркаш ака янги ҳовли қуриш учун деб олинган майдонга икки машина шағал тўқтирган ва Даминга шағални ичкарига ташиб қўйишни буюрган.

Дамин итоаткорона бош эгиб, айтилган жойга борган ва иккита катта-катта пақир ёрдамида икки машина шағални кун бўйи ичкарига ташиган...

Икки машина шағал...

Заиф жигар бундай оғир ишга чидай олмаган...

Кечга яқин навбатдаги зилдай оғир икки пақирни кўтаришга уринаётгани маҳал Дамин беихтиёр додлаб юборган ва тош устига йиқилиб тушган...

Дамин уч кундан сўнг туман шифохонасида вафот этди...

Тиркаш ака бўкириб йиғлади, бўзлаб йиғлади...

Орадан ҳафталар, ҳафталар кетидан ойлар ўтди.

Кун кеча, жума намозшом маҳал вилоят марказидан бекатгача автобусда келиб, буёғига пиёда қайтарканман, беихтиёр оёқларим Тиркаш чўпоннинг уйи томон бошлаб кетаётганини ҳис қилдим.

Чўпон фарзандлари билан тоғда.

Зимистон уй.

Не кўз билан кўрайки, мана шу зимистон уй ёнида бир неча бола — улар орасида жиғим Нодир ҳам бор эди — дарвозага кўз тикиб ўтиришарди.

Беихтиёр титраб кетдим.


Назаримда ҳозир дарвоза ғийқиллаб очиладию, ичкаридан чиқиб келган Даминнинг яланғоч қўлларида олов пайдо бўлади... Болалар буни ҳайрат билан, нафасларини ичларига ютиб кузагиб туришади.

Оддийгина, зерикарли кечаётган ҳаётимизда биргина ўзгариш пайдо бўлганди. Уни ҳам кўп кўрдик Қайдасан, мўъжиза...

Юрагим симиллаб оғриб кетди.

Бу уйдан узоқлашишга ошиқдим...





Ориф ТҮХТАШ

БҮРГА АДОРГА БОЗОРГА



«ОГОҒЛАНТИРИШ»

(Охулар тилидан)

«Охугинам» деб эркаланиб,
эркалаб шеърлар ёзган
барча жаноби шоирларга

«О, кјзлари шахдогинам!»
...Алламбало демши яна.
Бунақанги мақтовлари
Бизлар учун эмиши яна.

Тушунмадик шоирларнинг
Езаётган шеърларига.
Ё уларнинг хотинлари
Кјнгилисизми эрларига?..

Чарос дейди, хумор дейди,
Мақтар экан кјзимизни.
Бари шахарда яшайди,
Кјрмаган ҳам ўзи бизни.

Билмаямиз, қоматимиз —
Яна неларга ўхшайди?
Индамасак, севгисин ҳам
Изхор қиларга ўхшайди.

Шоир туғул шоҳ бўлса ҳам,
Кјтармаймиз ҳазилини.
Яна шундай шеър эшитсак,
Нақ олади таъзирини!

Қочса, топиб келтирамиз,
Бўлса ҳамки ер тагидан.
...Билиб кјйсин!
Ушбу мактуб —
Охуларнинг эркагидан!

АФАНДИНИНГ ҚИЙЛАСИ

«Рўзгор дегани асли
Оғзи катта гор экан.
Пул тошининг осонроқ —
Қандай йўли бор экан?!»

Шундай хаёллар билан,
Кетиб борар Афанди.
Кеч кирганда уйига
Етиб борар Афанди.

Кјрнага узаларкан,
Кјз олди гоҳо тишиб.
Йўқчилик дийдиёсин —
Бошлар яна хотини.

- Уялмасдан сјптайиб,
Яна қуруқ қайтибсиз.
Эркак эмиши бу киши,
Бекорларни айтибсиз!

Кјйишларни бир қаранг,
Яшайпти шоҳона.
Сизда бўлса ҳар қуни
«Мингир-мингир» баҳона.

Бўлди энди, тоқат тоқ,
Бас қилинг бу юришини.
Эрта топиб келасиз,
Ёғ, ун, шакар, гуручини.

Хотинининг гаплари
Етиб боргач сўякка,
Бозор томон саҳарлаб
Йўл олибди таваккал.

Халтаси бор, бозорга
Боргани йўқ беҳуда.
Тилларийда калима:
«Ўзинг кечир эй, Худо!»

Хуллас калом, Афанди
Сўнги чора топибди.
Бурганинг дориси, деб
Ғишт майдалаб сотибди.

Буни қаранг, савдоси
Юришгандан юришиб,
Харид қилар одамлар,
Ҳатто навбат туришиб.

Жаноби Афандимиз,
Жарақлатиб пул санар.
«Бурга дори» ололмай —
Қолганлар афсусланар.

- Овозини ўчирсам
Бўлди ўша хотинни! —
Орқалаб жўнабди у
Шакар, гуруч, ёғ, унни.

Орадан кунлар ўтиб,
Яна бозор борибди.
Бурга дори олганлар
Уни ўраб олибди.

- Сен бизни алдагансан,
Арзон бўлса ҳам гўрга!
Баданларга сурсак ҳам,
Додимиз берар бурга.

Қарасаки, ҳаммаси
Чўптакка мушт жойлармиши.
Катта бозор ичида
Дўпнослашига тайёрмиши.

Астагина бир четга
Олган бўлиб ўзини.
Вазмин қиёфа билан
Бошлабди у сўзини.

- Шовқин-сурон солишдан,
Биродарлар, не фойда?
Дорини кўллаш учун
Керак шундай қоида:

Бурганинг чақишини
Етиб олиб қутасиз.
Кейин дарров кўл билан
Ғаламисни тўтасиз.

Маҳкам ушлаб сиз унинг
Олдинги оғгидан.
Сўнг қанотин кјтариб,
Қитиқлайсиз тагидан.

Шўрлик кулгиси қистаб,
Очганида оғзини.
Харид қилган «дори»дан
Солворасиз озгина.

Билсангиз, кўлланмиши
Мана шундай бўлади.
Сўнг уни эзиб ташланг,
Бурга аниқ ўлади!

Алдаяпти, десангиз
Албатта ютиласиз.
Айтганимни қилсангиз
Бургадан қутуласиз!



O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,



«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati

Jamoatchilik kengashi raisi:

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqib boshlagan.

© "Yoshlik" № 6 (204) 2005 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA

MUHARRIR MINBARI

Huquqimiz... va o'zimiz 1

MUTOLAA

Adiba UMIROVA. Kitob tafti 2

Salim ASHUR. So'z harorati 18

NAZM

Abdusaid KO'CHIMOV. Dilgir-dilgir boqib ketdi oy 4

Humoyun AKBAROV. Senda vulqon sukunati bor 17

Muyassar SAYFULLOH qizi. Baxt to'nimni yamab yashadim .. 28

Adiba HAMRO qizi. Guldor so'zanalar — ko'ngil gulzoring ... 28

Farmon XUDOYBERDIEV. Gulxan kabi lovullab yondim .. 37

ADABIY ALOQALAR

Svetlana VASILENKO. Jarangdor ism. Qissa 19

FIKR

Sherali HOJIEV. Kulguga ko'mak kerak 29

MEROS

Mo'min HOSHIMXONOV. Mashrab hayoti va ijodiga doir yangi mulohazalar 34

NASR

Normurod NORQOBILOV. Belbog'. Hikoya. 8

O'tamish hoji ibn Muhammad Do'stiy. O'tamish hoji tarixi ... 30

Soliha OLIMOVA. Dargoh. Qatra 36

Abduqayum YO'LDOSH. Bir tun va bir umr. Hikoyalar 39

YELPUG'ICH

Orif TO'XTASH. Burgadori bozori 51

Muqovalarimizda

1-betda: Yosh iste'dodli shoira Adiba UMIROVA.

2-betda: Unutilmas lahzalar.

3-betda: O'zbekiston xalq shoiri Usmon AZIM.

4-betda: O'zbekistonda qish.

Manziliimiz: 700000, Toshkent, Javoharlar' Neru,1-uy,
Telefon: 133-40-83
Bosishga 05.12.2005 yilda ruxsat berildi.
Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob tobog'i 6,0.
Indeks 822 ISSN 0207-9137
Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi
tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb
izohlanishi shart.
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi
bosmaxonasida chop etildi.
Buyurtma № 188
Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.